Тошкент давлат аграр университети
Кенгашининг 2026 йил 11 март куни
соат 13:30 да бўладиган 8/9-сонли
мажлиси

КУН ТАРТИБИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан мулоқотида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида	
Обломурадов Нарзулло Наимович	*4*
II. Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисида ахборот	
Мамадияров Дилшод Уралович	*10*
III. Тошкент давлат аграр университетида 2025 йилда халқаро лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар ва 2026 йилдаги режалар тўғрисида	
Абдувасиков Абдуазиз Абдулазизович	*12*
IV. Университетда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳолати тўғрисида	
Джуманиёзов Хамра Қутлимуродович	*15*
V. Университетнинг халқаро рейтингини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	
Алланазарова Дилноза Нуруллаевна, Султонов Камолитдин Садриддинович	*18*
VI. Кафедралардаги тўгараклар фаолияти, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида	
Нематов Нурилло Абдурахим ўғли	*23*
VII. Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисида ахборот	
Беккамов Чоршанби Исмоилович, Ҳомидов Мирзаобид Хамидович	*31*
VIII. Зооинженерия факультети ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисида ахборот	
Турдалиев Сайдали Ашурович, Донаев Хусниддин Абдиалимович ...	*51*
IX. ТУРЛИ МАСАЛАЛАР	
9.1. Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йил битирувчилари учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссия раисларини тасдиқлаш тўғрисида	
Бобоев Сайфулла Ғафурович	*66*
9.2. Тошкент давлат аграр университети ректори томонидан 2026 йил I-ярим йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалар тўғрисидаги иш режасини тасдиқлаш тўғрисида	
Обломурадов Нарзулло Наимович	*72*

9.3. Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмаларга гувоҳномалар бериш тўғрисида	
Сафаров Асқарбек Асадуллаевич	*77*
9.4. Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий монография ва услубий қўлланмаларни чоп этишга тавсия этиш тўғрисида	
Султонов Камолитдин Садриддинович, Якубов Шамшод Муртозакулович ……	*84*
9.5. Тошкент давлат аграр университетида илмий нашрлар тайёрлашда илмий этика ва кўчирмакашликка йўл қўймаслик масалалари тўғрисида	
Султонов Камолитдин Садриддинович	*86*
9.6. Тошкент давлат аграр университетида тадқиқот олиб борадиган хорижий мустақил изланувчиларга йиллик тўлов-контракт миқдорларини белгилаш тўғрисида	
Султонов Камолитдин Садриддинович	*89*
9.7. Тошкент давлат аграр университети таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларининг диссертация мавзулари ҳамда илмий раҳбар (маслаҳатчи)ларини тасдиқлаш тўғрисида	
Султонов Камолитдин Садриддинович	*91*
9.8. Тошкент давлат аграр университетида илмий даража ҳимояси учун пуллик хизматлар кўрсатиш тўғрисида	
Султонов Камолитдин Садриддинович	*105*
9.9. Илмий унвон олиш учун ОАКга аттестация йиғма жилдларини топширган талабгорлар ҳужжатлари муҳокамаси	
Сатторов Обиджон Одинамахмадович	*107*
9.10. Доцент ва профессор лавозимларини вақтинча бажариб келаётган, бироқ тегишли илмий даража ва/ёки илмий унвон тўғрисидаги дипломга эга бўлмаган профессор-ўқитувчиларнинг лавозимга мувофиқлиги масаласи тўғрисида	
Мамадияров Дилшод Уралович	*123*
9.11. Тошкент давлат аграр университетига баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишдан олдин талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича тушган аризалар тўғрисида ахборот	
Бердибаев Эркабой Юлдашович	*126*
9.12. Университетда маданий-маърифий ишларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимларни соғломлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тўғрисида	
Соатов Ўткир Ражабович	*128*
9.13. Голубиканинг “Porloq”, “Meros”, “Feruza” ва “Do‘stlik” навлари бўйича муаллифлар таркиби ва улушини тасдиқлаш ҳамда нав синаш марказига тақдим этиш тўғрисида	
Қурбонмуродов Акбар Чориевич	*130*

9.14. Илмий даража ва унвон олган профессор-ўқитувчиларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ғолибларини, Халқаро кимё ва математика фан олимпиадаси ғолибларини, “Менинг агростартап лойиҳам” танловининг университет босқичи ғолибларини ҳамда “Йилнинг энг фаол факультет декани, декан ўринбосари, факультет координатори” номинациялари бўйича университет босқичи ғолибларини тақдирлаш	
Сатторов Обиджон Одинамахмадович	*132*

I-МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан мулоқотида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида

Маърузачи: Ректор Н.Обломурадов

Кўксарой қароргоҳида 2026 йил 24 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялар орқали 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни самимий қутлаб, юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-ҳунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди.

Йиллар давомида яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган талаба ёшларимиз 500 нафардан, ТОП-100 таликдаги олийгоҳларда ўқиётган йигит-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошди. Ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари бозорларига кириб борган. Ёш спортчиларимиз халқаро ареналарда 720 та олтин, 671 та кумуш, 854 та бронза медалининг соҳиби бўлди. Бугун ёш тадбиркорлар юртимиздаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат деб эътироф этилгани бежиз эмас. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилиши, Самарқанд шаҳрида Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, “Take Off” халқаро стартап саммити ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши бу мақомни янада мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етишини қайд этиб, ёшларга ўз имконияти ва қизиқишига мос иш топиши учун шароит яратиш энг муҳим масала эканини кўрсатиб ўтди.

Ёшлар ўртасидаги сўровнома натижасига кўра, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган.

Ўтган йили ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилгани, “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг нафар ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлагани таъкидланди.

Бу ишларнинг давоми сифатида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Бунда молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади: ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача

оширилади. Ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш мумкин бўлади. Инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга рухсат берилади. Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида 1 мингдан зиёд иш ўрни яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун қулай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

Жорий йилдан **“Келажак тадбиркори”** дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатгача 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Хусусан, ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилиши белгиланди.

Шунингдек, тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қийинчиликка учраётгани қайд этилди. Шу боис, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш, ғояни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган **“Ёшлар бизнес инкубатори”** ташкил этилади.

Нуфузли хорижий олийгоҳлар илғор тажрибалар асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани қайд этилиб, камида 40 минг ёшни бизнесга ўргатадиган **“Янги авлод тадбиркорлари”** дастурини бошлаш белгиланди. Дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши 1 минг нафар ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда берилади.

Ҳар йили **“Ёш тадбиркорлар”** танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш учун “Ёшлар венчурс” жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.

1 мартдан янги иш бошлаётган ёш тадбиркорларга инфратузилмага уланиш билан боғлиқ давлат хизматларининг харажатлари Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Ижтимоий ташаббуслар бўйича “Фикрингни бер (Voice Up)” инклюзив оромгоҳи тажрибаси кенгайтирилиб, уни ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва 1 минг нафар ёшни қамраб олиш, энг яхши ташаббуслар иштирокида Самарқанд шаҳрида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

“Ўсиш ва ривожланиш (Upshift)” лойиҳаси доирасида бу йил медиа, дизайн, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида ҳам танлов ўтказилади. Энг яхши 40 та стартапни молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилади.

Техникумларда таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида янгилаш, **дуал таълимнинг қамровини кенгайтириш,** моддий-техник базани яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди.

Техникумларга ҳам олийгоҳлар каби “spin-off” очишга рухсат берилиб, ўқувчиларнинг стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача ажратилади. Жорий йилдан техникум ўқувчилари учун ҳам “Ишла ва саёҳат қил (Work and travel)” дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, қўшимча даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлкира харажатлари учун ссуда ажратилади.

Хорижий тил сертификатига эга ёшларни қўллаб-қувватлаш механизми самара бергани таъкидланиб, сертификат олган ёшлар 600 мингдан ошгани, хорижий тилларни мукаммал биладиган 72 минг инструктор шаклланган айтилди. Хусусий ўқув марказларининг сони 3 карра кўпайиб, 38 мингдан ошган.

Хусусий ўқув марказлари уюшмасини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уюшма аъзоси бўлган марказларга биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинадиган даромад ва фойда солиғини тўлашдан озод этилади. Бундай марказлар ўқитувчиларини илғор таълим марказларига стажировкага юбориш амалиёти йўлга қўйилади.

“Кўмак” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказларининг фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилади. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фоиз, ўқитувчилар учун даромад солиғини 7,5 фоиз миқдорида тўлайди (ҳозир 12 фоиз).

Жойларда эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига қўшимча имтиёзлар берилиши белгиланди: ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади, коммунал харажатларининг ярми қоплаб берилади, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ “кешбек” тариқасида қайтарилади.

Волонтёрлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда ҳуқуқий асослар яратилгани ҳисобига волонтёр ёшлар 5 карра кўпайиб, экология, тиббий хизмат, таълим, фавқулодда вазиятларда кўмаклашиш йўналишларидаги волонтёрлар сони 100 мингдан ошгани айтилди.

Волонтёрлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Васийлик кенгашини тузиш, Ёшлар ишлари агентлигида “Волонтёрликни қўллаб-қувватлаш” жамғармасини ташкил этиш режалаштирилди. Жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўм, қўшимча равишда маҳаллий бюджетлардан 3 миллиард сўмдан ажратилади. Шунинг ҳисобидан волонтёрлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грант берилади, “ижтимоий фаоллик картаси” орқали балл тизими жорий этилади.

Йиғилишда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни оммалаштириш масалалари ҳам кўтарилди.

Ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилиши айтилди.

“Китобхонлик маданиятини ривожлантириш” жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма бериб, бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ҳамда миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярмини қоплаш белгиланди.

Янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўпламни тайёрлаб, барча мактаб ва техникумларга етказиш, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан мукофотлаш вазифаси қўйилди.

Кутубхона, “book cafe” ва китоб дўкони очиб, ойига 10 минг донадан ортиқ китоб сотувини йўлга қўйган тадбиркорларга 3 йилга 1 миллиард сўмгача 7 фоизли ссуда бериш механизми назарда тутилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларнинг жамиятга тез мослашиши учун “Иккинчи имкон” лойиҳаси бошланиши маълум қилинди. Унда

8-12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқитиш орқали даромадли ишга эга бўлишига шарт-шароит яратилади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг турли соҳаларга оид таклиф ва ташаббусларини тинглади.

Тадбир давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан мулоқотида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацион стартапларни ривожлантириш, дуал таълимни кенгайтириш, хорижий тилларни ўқитиш, волонтёрлик ҳаракатини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш ва ижтимоий фаолликни ошириш масалаларидан келиб чиқиб Университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан мулоқотида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида”ги Тошкент давлат аграр университети ректори Н.Обломурадовни ахбороти **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

Битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва уларни доимий иш ўринлари билан таъминлашни университет фаолиятининг **устувор йўналиши сифатида белгилансин.**

2. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов, Илмий-тадқиқот ва инновациялар бўлими Ш.Якубов, Лойиҳалар, тажриба хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тижоратлаштириш бўлими бошлиғи У.Ибрагимов, Докторантура ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Н.Нематов, факультет деканлари:

Талабалар ва ёш олимларнинг агробизнес, агротехнология, қайта ишлаш, рақамли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги стартап лойиҳалари банкини шакллантирсин.

Талабаларни “Келажак тадбиркори”, “Ёш тадбиркорлар”, “Upshift” ва бошқа давлат дастурларида иштирок этиш бўйича доимий **маслаҳат марказини ташкил этсин.**

Университетда талабалар, магистрантлар, докторантлар ҳамда ёш олимлар ўртасида инновацион ғоялар ва илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили **“Энг яхши аграр стартап”** танлови ўтказиш амалиётини жорий этсин.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонлари ҳамда экспертлар таркибини назарда тутувчи Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқлатсин.

Танлов доирасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, агротехнологиялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, агробизнес, рақамли қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш соҳаларидаги стартап лойиҳаларни саралаш ва қўллаб-қувватлашни таъминласин.

Ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш, грантлар ва инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек уларни тижоратлаштириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқсин.

3. Ўқув ишлар бўйича проректор С.Бобоев, Карьера маркази ва талабалар амалиётларни ташкил етиш бўлими бошлиғи А.Мирзаев, факультет деканлари ва кафедра мудирлари:

Университетда таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш ҳамда битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида дуал таълим тизими қамровини 2026–2028 йиллар давомида босқичма-босқич кенгайтирсин.

Дуал таълимни жорий этиш ва кенгайтириш бўйича аниқ йўналишлар, ҳамкор ташкилотлар рўйхати, талабалар қамрови ва амалий машғулотлар улушини назарда тутувчи чора-тадбирлар режаси **бир ой муддатда ишлаб** чиқиб, тасдиқлатсин.

Дуал таълим асосида таҳсил олаётган талабалар сонини ўқув йили якунига қадар камида **20 фоизга** ошириш бўйича аниқ кўрсаткичларни белгилаб олсин.

Агрокластерлар, фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа иш берувчи ташкилотлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаларини тузсин.

Таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида шакллантириб, амалий машғулотлар улушини босқичма-босқич ошириш вазифалари юклатилсин.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, унда иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш, мақсадли буюртмалар асосида кадрлар тайёрлаш ва амалий стажировкалар улушини ошириш назарда тутсин.

Карьера маркази фаолиятини кучайтириш, ваканциялар банкини шакллантириш, “Карьера куни” меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказиш ҳамда битирувчилар билан доимий алоқа механизмларини жорий этиш вазифаси юклатилсин.

2026 йилда битирувчиларнинг иш билан таъминланиш кўрсаткичини **100 фоизга** етказсин.

4. Халқаро ҳамкорлик, трансформация ва стратегик ривожланиш бўйича проректор А.Абдувасиков, факультет деканлари, Хорижий тиллар кафедраси мудири У.Абдуллаева:

Талабалар ўртасида халқаро тил сертификатларини олиш кўрсаткичини 2027 йилга қадар камида **30 фоизга** ошириш чоралари кўрсин.

Халқаро академик мобиллик ва “Work and travel” дастурларида иштирок этиш кўрсаткичлари оширилсин.

хорижий олий таълим муассасалари билан академик алмашинув бўйича икки томонлама шартномалар сонини кенгайтириш;

семестрлик ва қисқа муддатли мобиллик дастурлари рўйхатини шакллантириш;

“Work and travel” дастурлари бўйича ишончли ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйсин.

2026–2028 йиллар давомида:

халқаро академик мобилликда иштирок этувчи талабалар улушини ҳар йили камида **25 фоиз**га ошириш;

“Work and travel” дастурида иштирок этувчилар сонини камида **20 фоиз**га ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилансин.

Иштирокчиларни танлашнинг шаффоф мезонлари, тил билиш даражаси ва академик ўзлаштириш кўрсаткичларига асосланган саралаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлатсин.

Иштирокчиларни тайёрлаш (хорижий тил, академик адаптация, меҳнат қонунчилиги ва маданий мослашув) бўйича махсус ўқув семинарлари ташкил этсин.

5. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Ж.Лапасов, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бошқармаси бошлиғи С.Исроилов:

Университетда талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик масъулиятини шакллантириш ҳамда жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Волонтёрлар кенгашини ташкил этсин.

Волонтёрлар кенгашининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, функциялари, бошқарув тузилмаси, аъзолик тартиби, молиялаштириш манбалари ва ҳисобдорлик механизмини белгилайдиган Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Университет ректорига киритсин.

Волонтёрлар кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;

қишлоқ ҳудудларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

аграр маслаҳат хизмати ва аҳолига кўмаклашиш;

маънавий-маърифий ва хайрия тадбирлари;

фавқулодда вазиятларда ихтиёрий ёрдам кўрсатиш.

Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олиш ва рағбатлантириш мақсадида иштирокчилар учун рейтинг (балл) тизимини ишлаб чиқсин ҳамда унинг натижалари талабаларнинг ижтимоий фаоллигини баҳолашда инобатга олинсин.

6. Ахборот-ресурс маркази директори:

Университет кутубхонаси фаолиятини замонавий ахборот-ресурс маркази талаблари асосида модернизация қилиш ҳамда унинг инфратузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

Университет кутубхонаси фаолияти модернизация қилиниб, “Book cafe” формати жорий этилсин.

“Book cafe” фаолиятини йўлга қўйиш орқали китоб савдоси, ижодий учрашувлар, тақдимотлар ва маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш механизмини ишлаб чиқсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

II-МАСАЛА
Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисида ахборот

Маърузачи: Молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Д.Мамадияров

Тошкент давлат аграр университетда 2025 йилда жами маблағлар тушуми **234 631,9** млн. сўмни ташкил этди. Жумладан:

- давлат бюджети маблағлари – **74 297,4** млн. сўм;
- талабаларнинг тўлов-контракт маблағлари – **141 460,0** млн. сўм;
- ривожлантириш жамғармаси маблағлари тушуми – **18 869,5** млн. сўм;
- халқаро лойиҳалар ҳисобидан – **5,0** млн. сўм маблағлар келиб тушган.

Шундан, 2025 йилда Тошкент давлат аграр университет жами харажатлар миқдори **239 881,4** млн. сўмни ташкил этди ва улар қуйидагича тақсим этилди. Жумладан:

- давлат бюджети маблағлари – **67 278,9** млн. сўм;
- талабаларнинг тўлов-контракт маблағлари – **151 145,4** млн. сўм;
- ривожлантириш жамғармаси маблағлари – **21 451,5** млн. сўм;
- халқаро лойиҳалар ҳисобидан – **5,6** млн. сўм маблағлар сарфланди.

Университетнинг бюджетдан ташқари Ривожлантириш жамғармаси (4001...001) ҳисоб рақами маблағларидан фойдаланиш ва харажатлар таҳлили шуни кўрсатадики:

2025 йил бошида **2 942,0** млн. сўм қолдиқ маблағ мавжуд бўлиб, йил давомида **16 938,5** млн. сўм маблағ келиб тушган. Шундан: талабалардан ётоқхона учун тўлов - **6 000,2** млн. сўм; қайта ўқитишдан – **5 462,2** млн. сўм; ижарачи ташкилотлардан коммунал хизматлар учун – **2 181,8** млн. сўм; ижарадан тушган тўлов – **1 937,4** млн. сўм; спорт тўгаракларидан – **170,9** млн. сўм ва бошқа тушумлар – **1 186,0** млн. сўмни ташкил этди.

Тошкент давлат аграр университетида 2025 йил давомида амалга оширилган харажатлар **17 019,8** млн. сўмни ташкил этган. Шундан: иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловга (қайта ўқитишдан тушган маблағлардан профессор-ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлаш) – **613,1** млн. сўм; ички стипедия ҳамда талабаларни моддий рағбатлантиришга – **8,7** млн. сўм; коммунал тўловларга – **4 481,2** млн. сўм; хизмат сафарларига – **688,3** млн. сўм; ташқи спорт майдонида замонавий сунъий қопламали футбол стадиони, волейбол ва баскетбол спорт майдонларини жорий таъмирлашга – **1 072,7** млн. сўм, асосий воситалар ҳаридига – **2 457,7** млн. сўм, суд қарори ижросига – **965,8** млн. сўм, товар ва хизматлар ҳаридига – **3 539,6** млн. сўм ва бошқа харажатларга – **3 192,7** млн. сўм. Бугунги кун ҳолатига Ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамида –**2 860,7** млн. сўм маблағ мавжуд.

Университетнинг бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари даромадлари ва харажатлари сметаси (4009...001) ҳисоб рақамида 2025 йил бошига **30 891,6** млн. сўм қолдиқ бўлиб, бугунга қадар **141 460,0** млн. сўм маблағ келиб тушган ва **151 145,4** млн. сўм сарфланган. Шундан, иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловга – **118 636,7** млн. сўм; стипендияларга – **1 109,8** млн. сўм, коммунал тўловларга – **4 631,0** млн. сўм; хизмат сафарларига – **310,1** млн. сўм, асосий воситалар ҳаридига – **644,0** млн. сўм, кутубхона фондига – **219,8** млн. сўм; депозитга – **10 000,0** млн. сўм ва бошқа харажатларга – **15 594,0** млн. сўм.

Бугунги кун ҳолатига тўлов-контракт маблағлари жамғармаси ҳисоб рақамида **21 206,2** млн. сўм маблағ мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 7-октябрдаги 669-М-сонли фармойиши ҳамда 2025-йил 25-июлдаги 108-М-сонли баённига асосан университет ҳудудидаги стадионни таъмирлаш ва ободонлаштиришга **8 000,0** млн. сўм, Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети биносининг фасад қисмини базалт толали қоплама билан ўраш ҳамда ўқув заллари биноси ва Университетнинг асосий кириш аркасини мукаммал таъмирлашга **4 000,0** млн. сўм Тошкент вилояти ҳокимияти "YAGONA BUYURTMAChI XIZMATI" давлат муассасаси ҳисоб рақамига университетнинг бюджетдан ташқари тўлов-контракт ҳисоб рақамидан ўтказиб берилди.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисида"ги Молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Д.Мамадияровнинг "ахбороти **маълумот** учун қабул қилинсин.

2. Молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Д.Мамадияров, Режа-молия бўлими бошлиғи Р.Ниязовалар, Бош аудитор Ж.Эшмуродовга:

Тошкент давлат аграр университети Кузатув кенгашига Тошкент давлат аграр университети штат бирликлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ҳамда 2026 йил учун Бизнес режасини тақдим этиш;

ривожлантириш жамғармаси ва тўлов-контракт маблағларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилиш;

2026 йилда университет ҳудудидаги спорт иншоотлари ва биноларни модернизация қилиш ва таъмирлаш учун маблағлардан самарали фойдаланиш;

молиявий фаолиятнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида мунтазам аудит ва ҳисоботларини тайёрлаш;

энергия, сув, коммунал ва маъмурий харажатларни оптималлаштириш чораларини кўриш;

техник жиҳозлар ва асосий воситалар харидини режали амалга ошириш;

Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йилда молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ривожланишини таъминлаш мақсадида университетнинг **даромад манбаларини кенгайтириш**, **харажатларни оптималлаштириш ва қисқартириш**, шунингдек **тушумларни самарали ошириш** чора-тадбирлари комплексини ўз ичига олган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

III-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университетида 2025 йилда халқаро лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар ва 2026 йилдаги режалар тўғрисида

Маърузачи: Халқаро ҳамкорлик, трансформация ва стратегик ривожланиш бўйича проректор А.Абдувасиков

Тошкент давлат аграр университетида 2025 йилда халқаро лойиҳалар ва грантлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жанубий Корея Республикасининг Чунгнам миллий университети билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги муҳитини яхшилаш ва профессионал кадрлар тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида бир нечта ўқув ва илмий семинарлар ташкил этилди, университетнинг Мева-сабзавотчилик узумчилик факультети лабораторияси қайта таъмирланиб замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди, ушбу лойиҳа доирасида 8 нафар профессор ўқитувчилар Чунгнам Миллий Университетида “Тупроқнинг лаборатория таҳлили” ҳамда “Иссиқхона шароитида тупроқсиз муҳитда қулупнай етиштириш технологияси” йўналиши бўйича 2 хафталик ўқув курсларида иштирок этиб қайтди, шунингдек, гидропоника усулида қулупнай етиштирадиган ақлли иссиқхона қуриб университет ихтиёрига топширилди.

ERASMUS Халқаро кредит мобиллиги доирасида 3 нафар талабалар ва 2 нафар профессор-ўқитувчилар Германия, Словакия ва Литва давлатларининг университетларига алмашинув дастури асосида юборилди.

Хитой Халқ Республикасининг Анхой қишлоқ хўжалиги университети, Шинжон қишлоқ хўжалиги университетлари билан ҳамкорликда алмашинув дастурларини ташкил этиш бўйича грант дастурлари амалга оширилмоқда, ушбу дастурлар доирасида 30 нафардан ортиқ талабалар Хитой давлатида таҳсил олмоқда.

Словения ҳукумати молиялаштирган “Асаларичилик ва асал ишлаб чиқариш соҳасида билимлар ва кўникмалар билан алмашинув” номли янги техник кўмак лойиҳаси амалга оширилди.

2026 йилда Хитой Халқ Республикасидаги олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги 3 та қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилади:

1. Хитой-Ўзбекистон хамкорлигидаги замонавий қишлоқ хўжалиги инновациялар ва фан-техникалар хамкорлик базасини яратиш;
2. Шўрланишга мойил тупроқлар шароитида кузги буғдой ва такрорий экин ширин маккажўхорини замонавий суғориш (ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш) агротехнологияларини ишлаб чиқиш;
3. Ўзбекистоннинг марказий вилоятларида юмшоқ буғдойнинг (Triticum aestivum) сариқ занг, ун-шудринг ва септориоз касалликлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари.

Туркия олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан қуйидаги 4 та қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилади:

1. Замонавий иссиқхоналарда экспортбоп сабзавот экинларини зарарли организмларига қарши курашнинг экологик хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш;

2. Туркия ва Ўзбекистондаги баъзи муҳим Origanum L. турларининг ҳосилдорлиги ва сифатини аниқлаш ҳамда бозор афзалликларини ўрганиш;

3. Туркия ва Ўзбекистоннинг табиий Pistacia sp. популяцияларида узоқ гуллайдиган чангчи писта генотипларини танлаш;

4. Картошкани зарарли организмларидан ҳимоя қилишнинг агротехнологиясини ишлаб чиқиш.

Белорус Республикаси билан ҳамкорликда “Бутгулдошлар оиласига мансуб сабзавот экинларини зараркунандаларига қарши курашнинг агротехнологиясини ишлаб чиқиш” номли жами 9 та қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

2025 йилдан бошланган JICA ташкилоти кўмагида Япон тили маркази лойиҳаси ҳам давом эттирилади. 2026 йидан талабалар Японияниng қишлоқ хўжалигига ихтисослашган корхоналарига амалиёт ўташ мақсадида юборилади.

2026 йилдан бир нечта ERASMUS+ лойиҳалари амалга ошириш кўзда тутилган. Бунда халқаро кредит мобиллиги дастури асосида профессор-ўқитувчилар ва талабалар мобиллиги амалга оширилади.

Халқаро ФАО ташкилоти билан ҳамкорликда “Барқарор буғдой етиштириш, маркетинг ва сотиш тизимида буғдойнинг қўшилган қиймат занжири иштирокчилари учун кооператив онлайн платформани ишлаб чиқиш” ҳамда “Хавфли кимёвий моддаларни оқилона бошқариш бўйича техник ёрдам” лойиҳалари амалга оширилади.

Хитой Халқ Республикаси билан талабалар алмашинувини йўлга қўйиш ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Тошкент давлат аграр университетида 2025 йилда халқаро лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар ва 2026 йилдаги режалар тўғрисида”ги Халқаро ҳамкорлик, трансформация ва стратегик ривожланиш бўйича проректор А.Абдувасиковни ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқаро ҳамкорлик, трансформация ва стратегик ривожланиш бўйича проректор А.Абдувасиков, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ф.Мухтаров, Қўшма таълим дастурлари факультети декани Ф.Якубов:

Университетнинг 2026 йилга мўлжалланган халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг академик мобиллигини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлатсин.

2026 йилда жалб этилган хорижий инвестициялар, грант ва беғараз кўмак маблағларини **1 000 минг АҚШ долларига** етказсин.

Хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, янги ҳамкорлик шартномалари ва меморандумларини имзолаш орқали қўшма фаолият кўламини ошириш чораларини кўрсин.

ERASMUS+, JICA, FAO ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг грант ва лойиҳа дастурларида университетнинг иштирокини ошириш, халқаро танловларда иштирок этиш бўйича лойиҳа таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш ишларини тизимли ташкил этсин.

Хорижий ҳамкорлар билан қўшма илмий-тадқиқот ва таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ҳамда лойиҳалар самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни изчил амалга оширсин.

3. Факультет деканлари ва кафедра мудирларига:

Халқаро лойиҳалар ва грантлар доирасида илмий-тадқиқот ишларини тизимли равишда фаоллаштириш, қўшма илмий изланишлар кўламини кенгайтириш ҳамда илмий натижалар самарадорлигини ошириш;

профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг халқаро академик мобиллигини ошириш, хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан алмашинув дастурларида иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

халқаро ҳамкорлик доирасида олинган илғор тажриба, билим ва илмий-тадқиқот натижаларини таълим жараёнига жорий этиш, ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда ўқув-услубий материалларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

IV-МАСАЛА

Университетда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳолати тўғрисида

Маърузачи: Мурожаатлар билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Х.Джуманиёзов

Ҳурматли Кенгаш раиси ва Кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 35-моддаси талабларига мувофиқ, Тошкент давлат аграр университетига 2025 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар белгиланган тартибда умумлаштирилди, тизимли равишда таҳлил қилинди ва натижалари Кенгаш муҳокамасига киритилмоқда. 2025 йил давомида университетга жами **110 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг **90 таси,** яъни **82 фоизи** электрон шаклдаги мурожаатлар, **18 таси,** яъни **17 фоизи** оғзаки мурожаатлар ҳамда **2 таси** ёзма мурожаатларни ташкил этган. Электрон мурожаатлар улушининг юқори эканлиги аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ортиб бораётганини кўрсатади.

Мурожаатлар сонини ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, яъни 2024 йилда келиб тушган **196 та** мурожаатга нисбатан 2025 йилда **110 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар сони **86 та, 44 фоизга** камайгани кузатилди. Ушбу ҳолат университетда мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, фуқаролар ва талабалар билан профилактик тушунтириш ишларини кучайтириш ҳамда масалаларни ўз вақтида ҳал этиш натижаси сифатида баҳоланмоқда.

2025 йилда келиб тушган **110 та** мурожаатнинг **81 таси,** яъни **74 фоизи** қонуний асосларда ижобий ҳал этилган, қолган **29 та** мурожаат бўйича эса амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ асосли тушунтиришлар берилган. Мурожаатларнинг мазмуний таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг **80 фоизи** асосан талабаларнинг ўқишини кўчириш, ўқишни қайта тиклаш ҳамда тўлов-контракт маблағларини тўлаш билан боғлиқ масалаларни ташкил этган.

2025 йил давомида кўриб чиқилган мурожаатларнинг барчаси белгиланган муддатларда ижро этилган бўлиб, муддатидан кечиктириб бажарилган мурожаатлар мавжуд эмас. Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида масъул ижрочилар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига қатъий риоя қилиниб, мурожаатларни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш, мурожаатчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур МФЙ, Бобур кўчаси 3а-уйда яшовчи фуқаро Каримова Нигора Бахромовна томонидан маҳаллага туташ бўлган университетнинг ташқи деворини таъмирлаб бериш масаласида **7 марта** мурожаат қилинган. Ушбу мурожаат юзасидан фуқаро билан университет ректори Н.Обломурадов томонидан бевосита учрашув ўтказилиб, масала атрофлича муҳокама қилинган. Учрашув давомида ташқи деворни таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, таъмирлаш-қурилиш ишлари

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори талабларига мувофиқ ўтказилган танлов натижасига кўра ғолиб бўлган пудрат ташкилоти билан шартнома тузилгандан сўнг амалга оширилиши, шунингдек, ушбу ишлар 2026 йил смета харажатларига киритилган ҳолда бажарилиши режалаштирилгани тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4904-сон Фармонига асосан, Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари А.Шукуров томонидан 2025 йил учун Тошкент давлат аграр университети раҳбарияти иштирокида ўтказиладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий ва сайёр қабуллари жадвали тасдиқланган. Ушбу жадвалга мувофиқ, жорий йил давомида университет ректори ва проректорлар иштирокида мунтазам равишда сайёр қабуллар ташкил этилган ва улар бўйича тегишли баённомалар расмийлаштирилган. Шунингдек, 2025 йил 20 май куни Қибрай туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамда туман ички ишлар бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилган.

Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университетининг 2025 йил 1 майдаги 100-сонли буйруғига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ишонч телефони орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Бугунги кунда университетнинг ишонч телефони фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент давлат аграр университетида 2025 йил давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинган, мурожаатлар ўз вақтида, холис ва самарали кўриб чиқилган ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилган.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Университетда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳолати тўғрисида”ги Мурожаатлар билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Х.Джуманиёзовни ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2025 йил давомида Тошкент давлат аграр университетига жами 110 та жисмоний ва юридик шахслар мурожаати келиб тушганлиги, уларнинг аксарияти электрон шаклда эканлиги ҳамда мурожаатлар сони ўтган 2024 йилга нисбатан **44 фоизга камайганлиги қайд этилсин;**

Университет раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий ва сайёр қабулларини ташкил этиш, шунингдек, “Ишонч телефони” фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар **ижобий баҳолансин.**

3. Мурожаатлар билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими (Х.Джуманиёзов)га:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш;

мурожаатлар таҳлили асосида тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мурожаатлар таҳлили асосида тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Университетнинг тегишли таркибий бўлинмаларига:

талабаларнинг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва тўлов-контракт масалалари бўйича мурожаатлар сони юқори эканлигини инобатга олган ҳолда, ушбу йўналишда профилактик ва тушунтириш ишларини кучайтириш;

мурожаатларнинг олдини олиш мақсадида ахборот очиқлиги ва ҳуқуқий маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

-МАСАЛА
Университетнинг халқаро рейтингини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Маърузачилар: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К. Султонов, Миллий ва халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д. Алланазарова

Жаҳон таълим маконида университетларнинг рақобатбардошлиги ва нуфузи, аввало, миллий ва халқаро рейтинглар методологияси асосида баҳоланадиган кўрсаткичлар орқали белгиланмоқда. Айниқса, QS World тадқиқотлар самарадорлиги, халқаро ҳамкорлик даражаси, академик очиқлик, рақамли фаоллик ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги фаолиятини комплекс тарзда баҳолайди.

Шу муносабат билан 2025 йилда Тошкент давлат аграр университетида рейтинг кўрсаткичларини ошириш, халқаро академик майдонда университет нуфузини мустаҳкамлаш ва миллий рейтингларда етакчи ўринларни эгаллашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.
QS (Quacquarelli Symonds) рейтинги методологияси асосида амалга оширилган ишлар QS асосий индикаторлари бўйича Academic Reputation – 40%, Employer International Faculty & Student – 10%.

Университетнинг QS Hub платформасидаги профили тўлиқ қайта кўриб чиқилди, янгиланди ва тизимлаштирилди;
ва Employer Survey жараёнларида иштирок этиш учун 80 дан ортиқ ҳамкор университетлар ва ташкилотлар рўйхати шакллантирилди;

500 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг халқаро академик контакт маълумотлари QS Hub платформасига юкланди;

QS минтақавий директори билан учрашувлар ўтказилиб, университетнинг фан йўналишлари (QS Subject Ranking) бўйича кўрсаткичларини ошириш масалалари муҳокама қилинди;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига университетнинг янгиланган рейтинг кўрсаткичлари мунтазам тақдим этиб борилди.
25 йилда университет QS Asia Rankingда Марказий Осиё бўйича 2-ўринни, Осиё миқёсида 741-750-ўринни эгаллади. 2026 йилда мазкур натижаларни яхшилаш учун индикаторлар кесимида аниқ йўл хариталар ишлаб чиқилди.

II. THE (Times Higher Education) рейтинги методологияси асосида амалга оширилган ишлар:

THE асосий индикаторлари бўйича Teaching (таълим сифати) – 30%, Research (илмий фаоллик) – 30%, Citations (иқтибослар) – 30%, International Outlook – 7,5%, Industry Income – 2,5%.

Университетнинг THE платформасидаги профили яратилди ва маълумотлар базаси тўлиқ шакллантирилди;

THE ташкилоти томонидан ўтказилган халқаро семинар ва тренингларда университет вакиллари иштирок этди;

Илмий тадқиқотлар, халқаро лойиҳалар ва саноат билан ҳамкорлик бўйича маълумотлар тизимли равишда тақдим этилди.

2025 йилдан бошлаб университет илк бор THE World University Rankingsда тўлиқ иштирок этувчи сифатида қатнашмоқда. THE Impact Rankings натижаларининг эълон қилиниши кутилмоқда.

III. Илмий нашрлар ва библиометрик кўрсаткичлар (Scopus, Web of

Ҳозирги кунга қадар университет профессор-ўқитувчилари томонидан

Охирги 5 йилда Scopus мақолалари динамикаси:

2021 йил – 201 та, 2022 йил – 73 та, 2023 йил – 342 та, 2024 йил – 251 та, 2025 йил - 162 та, 2026 йил (жорий ҳолат) – 15 та. Охирги 5 (2020-2026) йилда Scopus динамика қуйидагини ташкил этмоқда: Мақолалар 1105, иқтибослар 4688, муаллифлар 959 тани ташкил этмоқда.

2025 йил учун факультет ва кафедралар кесимида **500 та Scopus мақола** чоп этиш режалаштирилган бўлиб, йил якунига қадар атиги **162 та мақола** чоп эттирилди холос.

IV. Webometrics ва UI GreenMetric рейтинглари бўйича амалга оширилган ишлар:

2025 йилда университетнинг расмий веб-сайти Webometrics талабларига мувофиқ равишда тўлиқ янгиланди, академик контент, очиқ маълумотлар ва халқаро фаолликни акс эттирувчи бўлимлар кенгайтирилди.

Университет профили GreenMetric платформасида яратилди;

Барқарор ривожланиш, энергия самарадорлиги, яшил кампус концепцияси бўйича маълумотлар тақдим этилди.

V. Халқаро ҳамкорлик ва стратегик ривожланиш бўйича:

ташкил этилди;

Халқаро грантлар, қўшма илмий лойиҳалар ва академик мобиллик дастурлари кенгайтирилди;

Чет эл олимлари билан ҳаммуаллифликда мақолалар чоп этиш амалиёти кучайтирилди;

Университетда CRIS (Current Research Information System) тизимини жорий этиш ишлари бошланди.

VI. WURI (World University Rankings for Innovation) халқаро рейтинги бўйича амалга оширилган ишлар:

Жаҳон тажрибасида сўнгги йилларда университетларнинг инновацион салоҳияти, жамият билан ўзаро ҳамкорлиги ва амалий таъсири алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан WURI (World University Rankings for кўрсаткичлардан ташқари, инновация, трансформация ва ижтимоий таъсир мезонлари асосида баҳолайди.

WURI рейтингининг асосий йўналишлари:

– тадбиркорлик муҳити ва стартап фаолияти;

– саноат ва ишлаб чиқариш билан интеграция;

– талабаларни қўллаб-қувватлаш;

– маҳаллий ва халқаро таъсир;

– барқарор ривожланиш;

– таълимда инновацион ёндашувлар.

Тошкент давлат аграр университети томонидан WURI халқаро рейтингида иштирок этиш учун расмий ариза топширилди;

Университет фаолиятининг инновацион йўналишлари, жумладан:

Аграр соҳада илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш билан боғлаш, стартап лойиҳалар, талабаларнинг инновацион фаоллиги, барқарор ривожланиш (SDGs) бўйича амалга оширилаётган ишлар WURI методологияси асосида тизимлаштирилди;

Университетда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга қаратилган лойиҳалар бўйича маълумотлар тайёрланиб, платформага тақдим этилди.

2026-2028 йиллар учун режалаштирилган ишлар:

QS WUR 1000 таликка кириш;

QS Asia Ranking кўрсаткичларни ошириш (500 таликка кириш);

QS WUR Subject Ranking рейтингига кириш;

THE WUR Report натижаларни ошириш, рейтингга кириш;

THE Impact Ranking 1000 таликка кириш;

WURI рейтинги индикаторлари бўйича университет фаолиятини янада кучайтириш;

Инновацион таълим дастурлари, амалий лабораториялар ва стартап экотизимини кенгайтириш;

Илмий ишланмаларнинг иқтисодий ва ижтимоий таъсирини ошириш;

Талабалар ва ёш тадқиқотчиларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

Халқаро инновацион ҳамкорлик лойиҳаларини кўпайтириш;

Q1, Q2 тоифали журналларда мақолалар чоп этган профессор ўқитувчиларни рағбатлантириш тизими жорий этиш;

eb of Science, Nature, Science каби юқори импакт-факторли журналларда мақолалар чоп этиш;

h-index 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини ошириш.

Амалга ошириладиган мазкур чора-тадбирлар натижасида 2026 йилда Тошкент давлат аграр университетининг халқаро рейтингларда муносиб натижаларга эришиши ҳамда университетнинг инновацион ва амалий салоҳиятини жаҳон миқёсида намоён этиши кутилмоқда.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

“Университетнинг халқаро рейтингини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Миллий ва халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д.Алланазаровани ахбороти маълумот **учун қабул қилинсин.**

2. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов, Халқаро ҳамкорлик, трансформация ва стратегик ривожланиш бўйича

проректор А.Абдувасиков, Миллий ва халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д.Алланазарова:

Университетни QS World University Rankings **1000** таликка киритиш бўйича комплекс **“Йўл харита”** ишлаб чиқсин.

2025 йил учун белгиланган Scopus нашрлари режаси тўлиқ бажарилмагани сабабли факультет ва кафедралар кесимида танқидий таҳлил ўтказсин ҳамда 2026 йил учун:

Scopus ва Web of Science базаларида индексланадиган журналларда чоп этиладиган **500 та** мақолаларни ҳар бир факультетлар кесимида кафедра профессор-ўқитувчиларига тақсимласин ва чоп этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

–Q_2 тоифадаги журналларда мақола чоп этган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш механизми бўйича таклиф тайёрласин;

профессор-ўқитувчилар h-index кўрсаткичини ошириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқсин;

илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштириш индикаторларини кучайтириш чораларини кўрсин.

маълумотлар базасида мақола чоп эттириш бўйича семинар ташкил этсин.

таликка кириш мақсадида SDGs бўйича амалий лойиҳалар сонини оширсин.

Webometrics рейтингида университетнинг халқаро рақамли кўринарлилигини ошириш мақсадида:

инглиз тилидаги контент улушини кенгайтирисин;

Open Access репозиторийни ривожлантирсин;

CRIS тизимини жорий этиш ишларини якунласин.

Барча факультет деканлари ва кафедра мудирлари:

2026 йил учун факультет ва кафедра кесимида халқаро рейтинг индикаторлари бўйича аниқ “Факультет йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

Ҳар бир профессор-ўқитувчи кесимида:

Scopus ва Web of Science мақолалари бўйича шахсий режа шакллантирсин;

Google Scholar профилини тўлиқ юритилишини таъминласин;

халқаро ҳаммуаллифлик асосида мақолалар сонини ошириш чораларини кўрсин.

Sustainable Development Goals (Барқарор ривожланиш мақсадлари) йўналишлари бўйича амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмаларни шакллантирсин ҳамда THE Impact Ranking индикаторларига мос равишда ҳужжатлаштирсин.

Илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, патентлаш ва тижоратлаштириш бўйича камида йиллик аниқ кўрсаткичларни белгиласин.

UI GreenMetric World University Rankings талаблари асосида факультет биноларида энергия тежамкорлик, чиқиндиларни саралаш ва экологик маданиятни шакллантириш;

World’s Universities with Real Impact (Ҳақиқий таъсирга эга университетлар рейтинги) индикаторлари асосида талабалар стартаплари ва амалий инновацион лойиҳаларини ривожлантириш чораларини кўрсин.

Матбуот котиби З.Содиқовага:

Университет веб-саҳифаларида инглиз тилидаги ахборот ва илмий контент улушини ошириш чораларини кўриш;

университет фаолиятини маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситаларида тизимли ва мақсадли равишда ёритиб бориш;

илмий-тадқиқот натижалари, инновацион лойиҳалар, халқаро ҳамкорлик ва рейтинг ютуқларини кенг жамоатчиликка етказиш;

ахборот сиёсати ва тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини замонавий медиа технологиялар асосида ошириш вазифалари юклатилсин.

Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

VI-МАСАЛА

Кафедраларда фаолият олиб бораётган тўгараклар фаолияти, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Маърузачи: Докторантура ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Н.Нематов

1. Талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, интеллектуал билимларини ошириш:

Тошкент давлат аграр университетида таълим олиб, илмий тадқиқотлар билан шуғулланаётган талаба-ёшларнинг илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш, иқтидорли, истеъдодли ва ташаббускор бакалавриат ва магистратура босқичида таҳсил олаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш, шунингдек энг илғор ва юқори салоҳиятга эга ёшларнинг ғоя ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, ташаббускор ёшларни аниқлаш, уларнинг лойиҳаларини амалётга тадбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида Тошкент давлат аграр университети ректорининг 2025 йил 2-октябрда “Тошкент давлат аграр университетида “Устоз-шогирд” илмий тўгараклар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1-9-6/272-сонли буйруғига мувофиқ Низом асосида кафедралар қошида **34 та илмий тўгараклари** фаолият йўлга қўйилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, 2024/2025-ўқув йилида Тошкент давлат аграр университети кафедралар қошида “Устоз-шогирд” тизими асосида **32 та илмий тўгараклар** фаолият юритган ва **537** нафар **талаба** жалб қилинган бўлса, ҳозирда **34** та **илмий тўгаракларда 585** нафардан ортиқ талабалар тўгарак аъзолари ҳисобланади.

Ушбу тўгаракларга **34 нафар профессор-ўқитувчилар** жалб қилиниб, шундан илмий даражага эга бўлганлар сони **10 нафар 30,3 %** ташкил этади. Ушбу тўгарак маъсуллари талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида дарс машғулотларидан бўш вақтларда тўгарак фаолияти олиб борилади.

Тошкент давлат аграр университети факультет ва кафедраларида фаолият олиб бораётган илмий тўгараклар тўғрисида маълумот

№	Кафедралар	№	Илмий тўгарак номи	Масъуллар Ф.И.Ш.
Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети бўйича				
1	Агрономия ва агротехнологиялар кафедраси	1	Young agronomist	Торамуродов Ҳусниддин Аслиддин ўғли
2	Ўсимликшунослик кафедраси	2	Plant Science	Рахимов Мирзоҳид Алишер ўғли
3	Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси	3	Генетик-селекционер	Хуррамов Асилбек Абдусамат ўғли
4	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш кафедраси	4	Agriculture engineers	Махмуров Бегзод Бахтиёр ўғли

5	Ахборот тизимлари ва технологиялари кафедраси	5	1 миллион дастурчи	Содиқова Гулондон Шавкатовна
Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети бўйича				
6	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси	6	Terra team	Ғуломова Зилола Саттаровна
		7	Talanted agrochemist	Шадиева Нилуфар Искандаровна
7	Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси	8	Яшил қалқон	Хасанов Анвар Муроталиевич
8	Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси	9	Фито-санитар экспертлар	Юлдашова Зебо Зухробовна
9	Биотехнология кафедраси	10	Plant physiologist	Сулаймонов Хуршид Нишонбекович
Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети бўйича				
10	Мевачилик ва узумчилик кафедраси	11	Ҳаваскор боғбонлар	Каххорова Ойдин Файзуллаевна
11	Сабзавотчилик ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиш кафедраси	12	Соғлом ҳаёт	Худоёрова Хафиза Хуррамовна
12	Экология ва ботаника кафедраси	13	Ёш экологлар мактаби	Эргашова Хафиза Янгибаевна
13	Хорижий тиллар кафедраси	14	Speak Yenglish fluently	Азизова Дилафруз Хабибуллаевна
		15	English is fun	Исанова Феруза Тулқиновна
		16	Speak Yenglish	Рўзибаева Дилбар Алимовна
		17	Sprachbrücke	Хамидова Тиловат Раҳматжановна
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети бўйича				
14	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси	18	Инноватор технолог	Хакимова Мавжуда Бахтиёр қизи
15	Қишлоқ хўжалиги, маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедраси	19	Lets standatdize	Хайруллаев Нурбек Абдунаби ўғли
16	Табиий фанлар кафедраси	20	Мўжизакор кимёгарлар	Саиткулов Фозилжон Эргашевич
Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети бўйича				
17	Агробизнесни бошқариш ва логистика кафедраси	21	Бизнес навигатор	Қодирова Холида Салимовна
18	Агроиқтисодиёт кафедраси	22	Креатив иқтисодиёт ва маркетинг	Пирматова Дилноза Ортиқбоевна
19	Бухгалтерлар ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси	23	Келажак бухгалтери	Жуманиязов Сирож Азимбой ўғли
20	Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси	24	Интеллект	Усманова Умида Саматовна

Зооинженерия факультети бўйича				
21	Ипакчилик ва тутчилик кафедраси	25	Sericulture	Худайбердиева Умида Саидрасуловна
		26	Morus	Мирзаева Ёркиной Ёркуловна
22	Умумий зоотехния ва зоотехнологийа кафедраси	27	Зоотехник-селекционер	Эрданова Гузал Мирулуғовна
		28	Балиқ овчилари	Сафарова Феруза Эргашовна
		29	Зарқанот	Трояновская Рано Абдусаттаровна
23	Ветеринария медитсинаси кафедраси	30	Жарроҳлар клуби	Ўлмасов Ботир Фарҳод ўғли
24	Ўзбек тили ва адабиёти	31	Началное обучение русского языка	Касимова Мухаббат Базаровна
		32	Адабий портрет	Нурутдинова Малика Шарабовна
Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети				
25	Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси	33	Яшил макон	Холова Шохиста Абдувоситовна
26	Доривор ўсимликлар кафедраси	34	Табиат Дорихонаси	Мардонов Фозил Мардон ўғли

Талабаларни турли танловлар, лойиҳалар, стипендияларга жалб қилиш ва уларни иқтидорини намоён қилишда тўгарак раҳбарлари жонбозлик кўрсатмоқда.

Талабаларни фанларнинг ўзлаштириш кўрсатгичлари ўрганиб, таҳлил қилинганда 2025/2026-ўқув йилини 1-семестрда баҳолар кўрсаткичи кундузги таълимдаги **5560000 та** талабалардан **яхши (4 баҳо)** ва **аъло (5 баҳо)** ўзлаштирганлар сони **265 нафарни** ташкил этмоқда.

2025-календар йили бўйича “Устоз-шогирд” тизимида докторант, магистрант, ва бакалавр босқичидаги талабалар томонидан илмий-тадқиқот ишларига оид умумий мақолалар сони **722 та** бўлиб, Шундан **Scopus, Web of Sceince** нашрдаги чоп этилган мақолалар сони **21 та, Ўзбекистонда ОАК рўйхатидаги журналларда** чоп этилган мақолалар сони **402 та, Халқаро ва халқаро ОАК** нашрдаги журналларда чоп этилган мақолалар (журнал, конференция) сони **274 та**, **Патент, DGU** сони **6 та**, **оммовий газета ва журналларда чоп этилган оммабоп илмий-оммабоп** малоқалар сони **15 та ва бошқа асарлар** сони **4 тани** ташкил этади.

“Мирзо Улуғбек Ворислари” ва университет лойиҳалар танловида фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган талабаларни энг яхши лойиҳалар деб топилган **40 та** лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигини Тошкент вилояти бошқармасига ва Республика “Агробанк”га кўриб чиқиш, молиялаштириш ва тижоратлаштириш мақсадида тақдим этилди. Шунингдек, **40 нафардан** ортиқ талабаларнинг лойиҳалари ўқитиш, молиялаштириш ва тижоратлаштириш мақсадида **IT парк Тошкент вилояти филиали** ва **Тошкент вилояти Оҳонгарон ёшлар технопаркига** юборилди.

2. Иқтидорли талабаларни эришган натижалари бўйича кўрсатгичлари: Илм-фан, таълим йўналишида эришилган натижаларда **6 нафар** талабалар Неъматов Нурсултон, Хамраева Наврўза, Тошбоева Дилшода, Тоштемиров Жўрабек, Тапканов Диёрбек, Бекметова Чарос “Мирзо Улуғбек ворислари” Республика босқичи ғолиблари, **1 нафар** талаба Умирзоқов Ўролбек “Тадбиркорликка илк қадам ва стартаплар лойиҳалар” республика танлови ғолиби, **2 нафар магистр** талаба Тўлаганова Нилуфар, Учқунова Покиза “Академик ҳаракатчанлик дастури” республика танлови ғолиби, **1 нафар** таянч докторант Анварбекова Чарос ва **1 нафар** талаба Нуриллаева Лайло Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолигига тасдиқланди, **21 нафар** талаба университет номли ички стипендияси ғолиби, **5 нафар** талаба “INNOX” бизнес инкубатор дастури битурувчиси, **3 нафар талабалар** “Таътилда бир кун” лойиҳасида “Қушлар уяси” ясаш университет танлови ғолиби, **3 нафар** талаба “Ideaton – Uzbekistan 2030” университет танлови ғолиби, **3 нафар талаба** “Top 10 innovator” университет танлови ғолиби, “Янги Ўзбекистонда илм-фан қалдирғочлари” мавзусида иккинчи талабалар республика илмий-амалий анжуманида **3 нафар** талаба “Энг яхши мақола муаллифи” номинацияси ғолиби, **3 нафар** талаба Жуманов Ғайрат, Жўраев Эътибор, Ҳикматуллаев Муҳаммад “Келажак ихтирочилари” университет босқичи ғолиби, **3 нафар** талаба Ҳожиев Баҳодир, Мирхосилов Улуғбек, Рўзматова Севинч “Мутахассислик фанлари бўйича фан олимпиадаси” университет босқичи ғолиби, **3 нафар** жамоа Адабий портрет, Летъс Стандардизе, Экологлар мактаби “Устоз-шогирд” тўгарак интеллектуал билимдонлари шоуси ғолиби, **3 нафар** талаба Жуманов Ғайрат, Тапканов Диёрбек, Эргашбоев Аслиддин “Агромуҳандислик фан олимпиадаси” университет босқичи ғолиби, **3 нафар** талаба Нишонбоева Ўлмасхон, Ирзақулова Севинч, Тошбоева Дилшодалар “Илмий – оммабоп газета ва журналларда эълон қилинган энг яхши материал” танловининг университет босқичи ғолиби, **11 нафар** талаба “Менинг агростартап лойиҳам” лойиҳалар танлови ғолиби, **3 нафар** талаба Нурметова Фарида, Абдукаримов Камолиддин, Хамраева Наврўза “Agrotech 2025” Республика танлови ғолиби, **5 нафар** талаба Абдукаримов Камолиддин, Джураев Илҳом, Неъматов Нурсултон, Умиров Беҳруз, Муҳаммадаминов Сарвар “President Tech Award 2025” ҳакатон танлови ғолиби, **1 нафар** талаба Хўжабеков Шахриддин „Green Tech Hackathon” танлови ғолиби, **2 нафар** талаба Абдукаримов Камолиддин, Хамраева Наврўза “ШҲТ-келажакнинг ижодий ғоялари ва ташаббуслари макони” мавзусидаги “Start-up” лойиҳалар танлови ғолиби, **1 нафар** магистр талаба Нурметова Фарида “Илм юздузлари” кўрик танловининг Республика босқичи “Энг яхши дастурий ишланма, технологик илова, рақамли медиа маҳсулот соҳибаси” номинацияси ғолиби, **12 нафар** талаба “Eko innovation 2025” танлови номинациялари бўйича университет босқичи ғолиби бўлди.

2025/2026-ўқув йилида Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича **“Innox biznes inkubator”** Дастури ҳамда **“Start-up loyiham”**, **“Agrostart-up 2025”,** ва **“Mening start-up loyiham”**, **“Ideaton O‘zbekiston-2030”**, **“Top-10 innovator”** ва бошқа танловларда университет босқичида иштирок этиш учун **500** яқин лойиҳа ҳужжатлари келиб тушди. Шундан **70 нафар** талабалар **“Eng yaxshi g‘oya”**, **“Eng**

yaxshi loyiha”, **“Eng yaxshi ixtiro”** номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган иқтидорли талабалар университет томонидан моддий рағбатлантирилди. Рағбатлантирилган талабаларнинг **10 нафари** муҳандислик ва технология йўналишлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, “Мирзо Улуғбек Ворислари” Республика танловини туман босқичида **352 нафар** талабалар иштирок этиб, **48 нафар** талабалар ғолиб бўлди. Ғолиб бўлган **48 нафар** талабалардан **20 нафари** Республика босқичида иштирок этиб, шундан **14 нафари** Республика босқичи ғолиби бўлди. Шундан Умирзақов Урал Ёрқул ўғлига 55 000 000 сўм ва Минбаева Айгул Утепберген қизига 60 000 000 сўм лойиҳа учун грант маблағи ажратилди.

Ёшларни ишланма ва рационализаторлик таклифларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида **“Agroekoklub”** фаолияти йўлга қўйилди ва талабаларни лойиҳаларини тижоратлаштириш мақсадида **“Келажакка қадам маркази”** ишга туширилиб, “Келажакка қадам” дастури доирасида 2025/2026 ўқув йилида талабалар томонидан **5 млрд 88 млн сўмлик 67 та** лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шундан, 2025 йил давомида **1 млрд 250 млн сўм миқдоридаги 36 та лойиҳа** “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан молиялаштирилиб, талабалар учун янги иш ўринлари яратилди.

1 нафар докторант 06.02.04 – Ипакчилик ихтисослиги таянч докторанти **Хақназарова Умида Урол қизи Президент стипендияси** соҳибаси;

2 нафар магистр Ветеринария жарроҳлиги мутахассислиги 2-босқич магистранти **Абдурахимов Исмоил Эрмухаммад ўғли ҳамда** Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси мутахассислиги 2-босқич магистранти **Нурметова Фарида Ортиқ қизи Президент стипендияси** соҳибаси;

1 нафар бакалавр Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Минбаева Айгул Утепберген қизи Президент стипендияси** соҳибаси;

4 нафар Мева-сабзаводчилик ва узумчилик факультети, Мева-сабзавотчилик ва узумчилик таълим йўналиши талабаси **Хамраева Наврўза Зокир қизи**, Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети Қишлоқ хўжалигида инновацон техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши талабаси **Тапканов Диёрбек Бахтиёр ўғли**, Ўсимликлар ҳимояси агрокимё ва тупроқшунослик факультети, Агрокимё ва тупроқшунос таълим йўналиши талабаси **Хожимурадов Суннатилло Боймурод ўғли,** Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари) бўйича таълим йўналиши талабаси **Холмирзаев Азизбек Акмалжон ўғли Беруний стипендияси** соҳиби;

1 нафар Агроиқтисодиёт логистика ва хизматлар факультети Юриспруденция таълим йўналиши талабаси **Нематов Нурсултон Шавкат ўғли Ислом Каримов стипендияси** соҳиби;

2 нафар Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети Туризм таълим йўналиши талабаси **Умаров Хусан Бахромович**, **Навоий стипендияси,** Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Иқтисодиёт (қишлоқ

хўжалигида) таълим йўналиши талабаси **Мирхосилов Улуғбек Алишер ўғли Навоий номли давлат стипендияси** соҳиби бўлдилар. **21 нафар** талабалар Тошкент давлат аграр университети номли ички стипендияси ғолиблари бўлди.

Тўгарак раҳбарларининг самарали меҳнати туфайли, талабалар илм йўлида юқори натижаларга эришиб келмоқда. Илк марта Бухоро давлат университетида 2026 йил 25-29-январда “Bukhara International Chemistry Olympiad 2026” va “Bukhara International Mathematics Olympiad – 2026” (BIMO-2026)” халқаро фан олимпиадаси танловида иштирок этиш учун илм-фан, интеллект ва рақобат майдонида Тошкент давлат аграр университети шаънини муносиб ҳимоя қилаётган жамоаларимиздан 12 нафар математика ва кимё фанлари бўйича иқтидорли талабалар иштирок этишди.

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган мазкур нуфузли кимё ва математика фан олимпиадасида 10 дан ортиқ хорижий давлатлардан хусусан, Озарбайжон, Ҳиндистон, Иордания, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Хитой ва Ўзбекистондан келган талабалардан иборат 100 дан ортиқ жамоа, жами 500 нафардан зиёд иштирокчи олимпиада жараёнларида қатнашмоқда. Шунингдек, тадбирда 10 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари ҳамда мамлакатимиздаги 50 дан зиёд олий таълим муассасаларидан талаба ёшлар иштирок этди.

Олимпиада икки турда ўтказилди. Мутахассислик олий таълим муассасалари талабалари ўртасида индивидуал ва жамоавий, жамоавий турда 4 нафардан иборат иштирокчилар бакалавр ва магистрлар қатнашди. Олимпиаданинг расмий тили-инглиз тилида бўлиб ўтди. Номутахассис йўналишида “Мўжизакор кимёгар” тўгарак раҳбари **Саиткулов Фозилжон Эргашевич**нинг шогирди 2007 йилда Фарғона вилояти, Боғдод туманида туғилган Зооинжинерия факультети Ветеринария медицинаси йўналиши 25-124-гуруҳ талабаси **Арабов Абдумажид Раҳмонқул ўғли** фахирли **3-ўрин бронза медали** совриндори бўлди.

Маросим давомида кимё ва математика фанлари бўйича жамоа мураббийлари, кимё фани ўқитувчиси, “Мўжизакор кимёгар” тўгарак раҳбари **Саиткулов Фозилжон Эргашевич**, математика фани ўқитувчиси **Холиқова Манзура Қойировна** ҳам ёшларни халқаро олимпиадаларга пухта тайёрлашдаги самарали меҳнатлари учун Бухоро давлат университети томонидан муносиб эътироф этилди.

Таҳлиллар айрим тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

Илмий тўгараклар фаолиятини режалаштириш ва мониторинг қилишда ягона стандарт йўқлиги;

Айрим кафедраларда ҳужжатлаштириш ва ҳисобот юритиш сифатининг пастлиги;

Илмий мақолаларнинг халқаро индексация базаларидаги улуши етарли эмаслиги;

Тўгарак раҳбарларининг илмий даражаси ва фаоллик кўрсаткичлари ўртасида номутаносиблик;

Илмий натижаларни тижоратлаштириш механизмларининг етарлича самарали эмаслиги.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Кафедраларда фаолият олиб бораётган тўгараклар фаолияти, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Докторантура ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Н.Нематов**ни ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Докторантура ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Н.Нематов, Лойиҳалар, тажриба хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тижоратлаштириш бўлими бошлиғи У.Ибрагимов, барча факультет деканлари, кафедра мудирлари ҳамда тўгарак раҳбаларига:

илмий тўгараклар фаолиятини тасдиқланган йиллик ва семестрлик иш режалари асосида ташкил этиш;

ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий ҳисобот тақдим этиш;

2026 йил якунига қадар тўгарак аъзолари сонини камида **1000 нафар**га етказиш;

тўгарак аъзоларини Scopus ва Web of Science базаларида чоп этиладиган мақолалар сонини 2026 йилда камида **40 тага** етказиш;

илмий даражага эга тўгарак раҳбарлари улушини **50 фоиз**га етказиш чораларини кўриш;

ҳар бир факультетда “Илмий-инновацион ғоялар банки” ташкил этилиб, патент ва интеллектуал мулк объектлари сонини ошириш чоралари кўриш;

“Innox” бизнес инкубатори, “Келажакка қадам” маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан интеграцияни кучайтириш орқали тижоратлаштирилган лойиҳалар сонини 2026 йилда камида **100 тага** етказиш;

республика ва халқаро фан олимпиадалари ҳамда стипендияга мақсадли тайёрлов гуруҳлари шакллантириш ва иштирок этадиган талабалар сонини ошириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Докторантура ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Н.Нематов, Рақамли таълим технологиялар маркази бошлиғи А.Алижоновга:

илмий тўгараклар фаолиятини ташкил этиш ва мониторинг қилиш бўйича ягона Низом ва методик йўриқнома ишлаб чиқсин ва 1 ой муддатда тасдиқлаш учун киритсин.

Илмий тўгараклар фаолияти бўйича ҳужжатларни электрон шаклда юритиш ва ягона рақамли мониторинг платформасини жорий этиш бўйича таклиф тайёрлаш;

ҳар семестр якунида илмий тўгараклар фаолияти бўйича университет миқёсида рейтинг шакллантириш вазифалари юклатилсин.

4. Барча илмий тўгараклар учун қуйидаги KPI индикаторлари жорий этилсин:

иштирокчилар сони ва қамров динамикаси;

чоп этилган илмий мақолалар сони (халқаро ва миллий);

грант ва стартап лойиҳалар сони;

патент ва интеллектуал мулк объектлари;

степиндиантлар сони;

тижоратлаштирилган ишланмалар.

Тўгарак раҳбарларини баҳолашда қуйидаги мезонлар асосий ҳисоблансин:

илмий даража ва унвон;

халқаро нашрлар сони;

талабаларнинг танлов ва олимпиадалардаги натижалари;

тижоратлаштирилган ишланмалар.

Фаоллик кўрсаткичлари паст бўлган раҳбарлар бўйича қайта тайёрлаш ёки алмаштириш масаласи кўриб чиқилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов зиммасига юклатилсин.

VII-МАСАЛА
“Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” факультети ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисида ахборот

Ишчи гуруҳ раиси – Ипакчилик ва тутчилик кафедраси профессори Ч.Беккамов, Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети декани М.Хомидов

1.Таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари (силлабус) билан таъминланганлиги ва мувофиқлиги.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Сиртқи таълим йўналиши учун “Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш”, “Т.т. Автомобил йўлларини кўкаламзорлаштириш”, “Т.т. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар”, “Т.т. Ўрмончиликда илмий изланиш асослари”, “Т.т. Ландшафт дизайннинг меъёрий-ҳуқуқий асослари” фанларидан ***фан силлабуслар қилинмаган.***

Магистрлар учун “Тоғли ерлар ўрмон мелиорацияси” “Қум-саҳро ерлари ўрмон мелиорацияси”, “Манзарали ўсимликлар навшунослиги” ва “Т.т. Автомобил йўлларини ландшафтли лойиҳалаш” фанларидан тузилган фан дастури ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***аслида кирилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.***

Бакалавриат кундузги таълим йўналишлари учун “Ўрмон таксацияси ва ўрмон тузиш (проф.таълим ўрмон, ўрмончилик йўн.)”, “Маданий ўрмонлар (проф.таълим ўрмон йўн.)”, “Ўрмон селекцияси (проф.таълим ўрмон, ўрмончилик йўн.)”, “Ўрмончилик (доривор йўн.)”, “Т.т. Интерьер ўсимликлар (ўрмончилик йўн.)” “Манзарали боғдорчилик ва гулчилик (ўрмончилик йўн.)”, “Ўрмон ерларининг гидротехник мелиорацияси (проф.таълим ўрмон, ўрмончилик йўн.)” фанларидан ҳамда “Битирув иши олди амалиёти (ўрмончилик йўн.)” ва “Ишлаб чиқариш-технологик амалиёти (проф.таълим ўрмон, ўрмончилик йўн.)” амалиётларидан тузилган дастур ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***кирилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.***

Бундан ташқари, “Т.т. Автомобил йўлларини кўкаламзорлаштириш (ўрмончилик йўн.)” фанидан тузилган фан дастурида мажбурий фан деб **нотўғри ёзилган.**

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кечки таълим учун “Доривор ўсимликлар флораси ва систематикаси (доривор йўн.)” **ўқув амалиёти дастури қилинмаган.**

Бакалавриат кундузги таълим доривор таълим йўналишлари учун “Доривор ўсимликлар биологияси ва экологияси”, “Фармокогнозия”, “Фармакопия доривор ўсимликлари”, “Ўзбекистоннинг истиқболли доривор ўсимликлари”, “Халқ табобати доривор ўсимликлари” фанларидан, сиртқи таълим йўналишлари учун “Доривор ўсимлик хом-ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш технологияси”, “Доривор ўсимликлар биологияси ва экологияси”, “Доривор ўсимликлар флораси ва систематикаси” фанларидан ва магистрлар учун “Доривор ўсимликларни етиштиришда илмий-тадқиқот услублари”, “Т.т. Зиравор ва хушбўй

ўсимликларни етиштириш технологияси” фанларидан тузилган дастур ва силлабусларни фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***аслида кирилл алифбосида чоп этилган адабиётлар лотин алифбосида ёзилган.***

Магистратура мутахассисликлари учун “Доривор ўсимликлар хом-ашёсини тайёрлаш технологияси” фанидан тузилган фан дастурида мустақил таълим мавзулари амалий машғулот мавзулари билан ўхшаш тузилган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Бакалавриат кундузги таълим учун “Чизиқли алгебра (ахборот тизимлари йўн.)”, “Дискрет тузилмалар (ахборот.тизилмалари йўн.)”, “Олий математика 1,2,3 (эл.муҳандислик йўн.)”, “Олий математика (метеорология, атроф муҳит муҳандислиги йўн.)”, “Ҳисоб 1,2 (ахборот тизимлари йўн.)” “Олий математика 1,2 (биотех. озиқ овқат тех. Ва эл.муҳандислик йўн.)”, “Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика (Тупроқ бон., сақлаш, селекция, мева-сабзавот., ЎҲ.Қ., доривор йўн.)”, “Амалий математика 1,2 (иқтисодиёт, бухгалтерия, бизнесни бошқариш, логистика йўн.)” фанларидан, сиртқи таълим учун “Т.т. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика (ахборот тизимлари йўн.)”, “Олий математика 1,2,3 (эл.муҳандислик йўн.)” фанларидан, кечки таълим учун “Амалий математика 1,2 (иқтисодиёт, бухгалтерия, бизн.бошқариш, логистика йўн.)” фанларидан тузилган дастур ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***кирилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.***

Бакалавриат кундузги таълим учун “Т.т. Физика ва ўрмон метеорологияси (ўрмон)”, “Атмосфера физикаси (метеорология)”, “Физика 1,2 (ахб.тизимлари, биотех. озиқ овқ.техн, стандарт)”, “Физика (атроф-мух.муҳандислиги, ер кадастри)” фанларидан ҳамда кечги таълим учун “Физика 1,2 (биотех. озиқ овқ.тех., тжичаб, стандарт, эл.муҳандислик, к/х механизация, ер кадастри, атроф муҳит муҳандислиги йўн.)”, “Умумий физика (экология)” фанларидан тузилган фан дастури ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***баъзи муаллифлар хато ёзилган.***

Кечки таълим йўналишлари учун “Атмосфера физикаси (метеорология иқлимшунослик йўн.)” ҳамда “Физика 1,2 (ахборот тизимлари йўн.)” фанларидан ҳамда масофавий таълим учун “Дискрет тузилмалар (ахборот тузилмалари, АКТ 2-мут, АКТ техникум)” фанларидан тузилган силлабусларда ***соатлари ўқув режага мос келмайди.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Бакалавриат кундузги таълим учун “Жисмоний маданият ва спорт (бизнесни бошқариш, метеорология, к/х механизация, агрокимё, тупроқ бонитировка, агрономия, агромуҳандислик, Ў.Ҳ.Қ., селекция, сақлаш, зооинженерия, мева-сабзавотчилик йўн.)”, “Таълим технологиялари (прф.таълим: агроним, ўрмон, ветеринария йўн.)” фанларидан тузилган дастур ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***кирилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.***

Бакалавриат кундузги таълим учун “Касбий таълим методикаси (проф.таълим: агроним, ўхқ, сақлаш, туп.бон. ўрмон йўн.)” фанидан тузилган фан дастури ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ***баъзи муаллифлар хато ёзилган.***

2. Таълим жараёнини фан дастурларига мувофиқ, ўқув адабиётлари ва ўқув услубий материаллар билан таъминланганлик даражаси, янги ўқув

адабиётларини яратиш режаси.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича:

1). 2024/2025-ўқув йилида кафедра томонидан адабиётлар режаси тасдиқланган, аммо режа бўйича **1 та дарслик чоп этилган.**

2). Кафедрада 2025-2026 йилларда яратилиши зарур бўлган адабиётлар режаси бўйича **7 та** адабиёт чоп этиш режа қилинган бўлиб, шу кунга қадар ***биронта адабиёт нашр қилинмаган.***

3). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти бўйича янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда “Ландшафт дизайн дарахт ва буталар”, “Интенсив усулда гул етиштириш”, “Ўрмон ёнғинлари” фанларидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича БМИ ва МДни бажариш бўйича ***услубий кўрсатма ва ўқув қўлланмалар чоп этилмаган.***

4). Мустақил ишларни бажариш учун мўлжалланган услубий кўрсатмалар кафедрада I-II-семестрлар бўйича ўтиладиган **4 та** фандан тайёрланган бўлиб, бошқа фанлардан ***ишлаб чиқилмаган.***

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича:

1) 2024/2025-ўқув йили бўйича режа қилинган бўлиб, **8 та** адабиётдан **5 та** номдаги адабиёт чоп этилган холос. Тасдиқланган йиллик режадаги **3** та номдаги ***адабиёт чоп этилмаган.***

2). Кафедрада 2025-2026 йилларда яратилиши зарур бўлган адабиётлар режаси ишлаб чиқилган. **8 та** адабиёт режа қилинган шу кунга қадар **4 та** адабиёт нашр қилинган.

3). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти бўйича янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда “Доривор ўсимликлар биологияси ва экологияси”, “Доривор ўсимликлар хомашёсини тайёрлаш” ҳамда “Доривор ўсимликлар фитокимёвий таҳлили” ***фанларидан амалий машғулотлари чоп этилмаган*** ва БМИ ҳамда МД бажариш бўйича услубий кўрсатма ***ишлаб чиқилмаган.***

4). Мустақил ишларни бажариш бўйича қўлланиладиган услубий кўрсатмалар кафедрада I-II-семестрларда ўтиладиган барча фанлардан ишлаб чиқилган.

“Олий математика” кафедраси бўйича:

1). 2024/2025-ўқув йили учун кафедра томонидан адабиётлар режаси ***ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланмаган.***

2). Кафедрада 2025-2026 йилларда яратилиши зарур бўлган адабиётлар режаси бўйича **6 та** адабиёт тайёрлаш режа қилинган бўлиб, шу кунга қадар **3 та** адабиёт нашр қилинган.

3). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти бўйича янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда “Амалий математика”, “Чизиқли алгебра”, “Эҳтимоллар назарияси” ва “Математик статистика” фанлардан ***ўқув қўлланма*** ва амалий машғулот дарсларини олиб бориш учун ***услубий қўлланмалар чоп этилманган.***

4). Кафедрада ўқув режада белгиланган курс ишлари (лойиҳаси)ни бажариш бўйича услубий кўрсатмаси ***чоп этилмаган.***

5). Мустақил ишларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар кафедрада I-II-семестрларда ўтиладиган барча фанлардан ишлаб чиқилган, аммо ***тасдиқланмаган.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича:

1). 2025/2026-ўқув йили бўйича адабиётлар режаси ***ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланмаган.***

3). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти бўйича янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда “Жисмоний маданият ва спорт”, “Ёш даврлар психологияси”, “Касбий таълим методикаси” фанларидан амалий машғулотлари учун ***ўқув қўлланмалар чоп этилмаган.***

5). Мустақил ишларни бажариш учун услубий кўрсатмалар кафедрада I-II-семестрларда ўтиладиган барча фанлардан ишлаб чиқилган**.**

3. Фанлардан ўқув-услубий материаллар (контент)ларни шаклланганлиги, кредит-модул тизимини талаб даражасида жорий этилганлиги ҳамда тегишли меъёрий ва услубий ҳужжатларни тайёрлиги. HEMIS тизимига жойланганлиги.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: HEMIS – ахборот тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган (қизил) дарслар сони **25 жуфтлик** (пара)ни ташкил этиб, жумладан; Салоҳиддинов Ғайрат Меликулович 4 жуфтлик(пара)ни, Шарапова Шаҳло Абдужабор қизи, Тўлаев Дониёр Бахтиёровичлар 4 жуфтлик(пара)ни белгиламасдан қолдирганлиги маълум бўлди.

Профессионал таълим: Ўрмончилик таълим йўналиши 4-босқич “Ўрмон ёнғинлари” фани амалий машғулот дарсидан 12 та мавзу киритилганлигига қарамасдан ***фан ресурслар юкланмаган.***

Ресурслар юклашда профессор-ўқитувчилар томонидан юкланган ресурсларда крилл алифбосида жойланган ресурслар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан 55% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: HEMIS -ахборот тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган (қизил) дарслар сони **14 жуфтлик** (пара)ни ташкил этиб, жумладан; Ахмедов Эгамёр Тошбоевич 4 жуфтлик (пара)ни белгиламасдан қолдирганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, “Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси” таълим йўналишини II-босқич (сиртқи) талабаларига амалий машғулот дарсидан ***фан ресурслар юкланмаган.***

Ресурслар юклашда профессор-ўқитувчилар томонидан юкланган ресурсларда крилл алифбосида жойланган ресурслар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан 61% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: HEMIS – ахборот тизимида ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган (қизил) дарслар сони **9 жуфтлик** (пара)ни ташкил етиб, жумладан; Абдуназаров Акбар Баҳриддин ўғли 9 жуфтлик (пара)ни белгиламасдан қолдирганлиги маълум бўлди.

Ундан ташқари, “Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш” таълим йўналиши II-босқич “Физика ва ўрмон метерологияси” фани амалий машғулот дарсидан ***фан ресурслари юкланмаган.***

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан 37% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: HEMIS – ахборот тизимида ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган (қизил) дарслар сони **14 жуфтлик** (пара)ни ташкил этиб, жумладан; Валиева Муножатхон Содиқовна 8 жуфтлик (пара)ни, Жумаев Караматулла Зиядулла ўғли 6 жуфтлик (пара)ни белгиламасдан қолдирганлиги маълум бўлди.

Ундан ташқари, Мевачилик мутахассислиги II-босқич кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар учун “Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари” фанидан маъруза дарси бўйича 12 та мавзулар киритилганлигига қарамасдан ***ресурс жойланмаган.***

Ресурслар юклашда профессор-ўқитувчилар томонидан юкланган ресурсларда крилл алифбосида жойланган ресурслар мавжуд.

4. Тақсимланган ўқув юкламасига мувофиқ кафедраларда профессор-ўқитувчилар штатларининг тўлдирилганлик холати. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши. Профессор-ўқитувчилар таянч маълумотлари (мутахассислиги, ихтисослиги) нинг улар дарс берадиган фанларга мувофиқлиги (мос бўлмаган ҳолда уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлиги ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга бўлиши якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма нашр этганлиги (сертификат асосида). Белгиланган муддатларда малакасини оширганлиги.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедра профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо саналар ва кафедра баённомаси рақами кўрсатилмаган ***(Бартараф этилди).***

Кафедрада фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо кафедра профессор-ўқитувчиларидан **Г.Бобоева, Б.Хатамов, Я.Юлдашовларнинг** шахсий иш режаси билан ўқув юкламасидаги ***соатлар бир-бирига мос келмайди.***

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедрада фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо сана ва кафедра баённомаси рақами кўрсатилмаган ***(Бартараф этилди).***

Ўриндошлик асосида ишлайдиган профессор-ўқитувчиларни шахсий иш режасида ***иш ҳажми ёзилмаган.***

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедрада фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо кафедра профессор-ўқитувчиларидан **Б.Бойназаров, А.Абдуназаров, С.Эшдавлатова, Т.Тухтасинов, Х.Менгноров ва Х.Назаровларнинг** шахсий иш режаси билан ўқув юкламасидаги ***соатлар бир-бирига мос келмайди.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедрада фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо сана ва кафедра баённомаси рақами кўрсатилмаган**.**

5. Ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассисликнинг ўқув режасига биноан фанлар бўйича лаборатория ишларининг бажарилиши, тегишли жиҳозлар, реактивлар билан таъминланганлиги, методик кўрсатмаларнинг мавжудлиги, мавжуд ўқув-лаборатория ва жиҳозлари ҳолати ва яроқлилиги:

“Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” факультетида таълим йўналишларининг ўқув режаларига асосан 2025/2026-ўқув йилида:

“**Доривор ўсимликлар”** кафедрасида кундузги таълим йўналишлари учун 1 та фандан (Фармакогнозия 24 соат) 60812100-Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш технологияси 23-70,71 гуруҳлар учун лаборатория машғулотлари ўтказилиши белгиланган бўлиб, методик кўрсатмалар, жиҳозлар мавжуд ва лаборатория дарс ўтиш учун тайёр ҳолатда.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедрасида кундузги ва сиртқи таълим талабалари учун 2025/2026-ўқув йили фанлар ўқув режасида лаборатория машғулотлари ўтказилиши белгиланмаган. Янги ўқув йили учун лаборатория ва жиҳозлар тайёр ҳолатда бўлиб, ўқув режага асосан услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

“**Олий математика”** кафедрасида кундузги таълим йўналишлари учун 5 та фандан Умумий физика (48 соат), Физика 1,2 (24 соат), Физика (24 соат), Биофизика ва радиобиология (16 соат), Биофизика (16 соат) фанларидан лаборатория машғулотлари ўтказилиши белгиланган бўлиб, мазкур фанлар бўйича ***ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедрасида кундузги ва сиртқи таълим талабалари учун 2025/2026-ўқув йили фанлар ўқув режасида лаборатория машғулотлари ўтказилиши белгиланмаган.

Факультетдаги барча **Доривор ўсимликлар**, **Ўрмончилик ва ландшафт дизайн** кафедраларида лаборатория хоналари **мавжуд.** Лаборатория машғулотларини олиб бориш бўйича жорий ўқув йилида барча ўқув режада белгиланган фанлар бўйича **услубий кўрсатма** ва **ўқув қўлланмалар** мавжуд бўлиб, лаборатория машғулотларини ўтказиш учун жиҳозлар етарли даражада, фақатгина **Олий математика** кафедрасида талабаларга лаборатория машғулотларин олиб бориш учун жиҳозлар ва реактивлар ***етарлича ҳолатда эмас.***

6. Ўқув жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш учун шароитларнинг яратилганлиги, дарс ўтиш сифати ва давомати.

Факультет таркибидаги барча “***Доривор ўсимликлар”***, *“**Ўрмончилик ва ландшафт дизайн”**, “**Олий математика***” ва ***“Жисмоний тарбия ва спорт”*** кафедралари кесимида ўқув жараёнлари учун фойдаланиладиган илғор ахборот-коммуникацион технологиялар ва замонавий воситалар билан таъминланганлик даражаси бўйича:

1. “**Доривор ўсимликлар”** кафедрасида 26 та компьютер, 2 та проектор, 1 та электрон доска, 14 та телевизор ва 9 та чоп этиш принтери мавжуд.
2. “**Ўрмончилик ва ландшафт дизайн”** кафедрасида 40 та компьютер, 3 та проектор, 3 та электрон доска, 10 та телевизор ва 10 та чоп этиш принтери мавжуд.
3. “**Олий математика”** кафедрасида 5 та компьютр, 2 та проектор, ***электрон доска мавжуд эмас*** ва 3 та чоп этиш принтери мавжуд.

4. “**Жисмоний тарбия ва спорт”** кафедрасида 6 та компьютр, 2 та проектор, 4 та чоп этиш принетри мавжуд, ***электрон доска мавжуд эмас.***

Факультет тегишли барча кафедраларда ўқув жараёнини олиб бориш учун илғор ахборот-коммуникация технологиялар ва замонавий воситалардан фойдаланиш ҳамда дарс машғулотлар ўтказиш учун шароитлар мавжуд.

Кафедраларда дарс ўтиш сифати ва давомати таҳлили:

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедра доценти Ф.Убайдуллаевнинг 2026 йил 19-январь куни 1-жуфтликда “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” таълим йўналишини 22-66 гуруҳига “Боғ-парк қурилиши ва лойиҳалаштириш асослари” фанидан “Боғ-паркларда ёритиш тизимлари” мавзусидаги маъруза дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Маъруза дарси ўз вақтида бошланди, аммо 4 та талаба соат 9:[28] да кечикиб келди.
2. Гуруҳ талабаларидан Ж.Баҳодиров, Н.Тоштемиров, Ж.Ашуров, Р.Мирғаниева каби талабаларда маъруза дарсига оид тутилган дафтар қониқарсиз ҳолатда эканлиги маълум бўлди.
3. Талабаларда фанга оид асосий адабиёт йўқлиги ва аудитория иссиқ бўлишига қарамай талабалар қалин кийимларини ечмасдан дарсда ўтиришди.

Кафедра ассистенти Ш.Гуламходжаеванинг 2026 йил 19-январь куни 1-жуфтликда “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишини 22-71 гуруҳига “Манзарали дарахтларни кўпайтириш” фанидан “Акация, албиция, багрянник ва дрок турларини кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш агротехникасини ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулот дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар борлиги аниқланди:

1. Амалий машғулот дарсида ўқитувчи керакли кўргазмали намуналар ва жиҳозлардан фойдаланмади.
2. Мавзунинг моҳияти ва мақсадига кўра керакли агротехник жадваллар олиб кирилмади.
3. Гуруҳ талабаларидан Ш.Мейлиева, У.Алижонова, Х.Товбаев, Ш.Қўчқороваларни амалий машғулот дарсидан тутган дафтарлари талаб даражасида эмаслиги ва мавзулар кесимида тегишли маълумотлар ёзилмаганлиги аниқланди.

Кафедра ассистенти Д.Асадуллаеванинг 2026 йил 21-январь куни 1-жуфтликда профессионал таълим (Ўрмончилик) таълим йўналишини 22-04 гуруҳига “Ўрмон мелиорацияси” фанидан “Темир йўллар атрофида ҳимоя дарахтзорларини барпо этиш технологияси” мавзусидаги амалий машғулот дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Амалий машғулот дарсини олиб бориш учун ўқув қўлланма чоп этилмаган.
2. Ўқитувчи амалий машғулот дарсидан мавзуга оид кўргазмали намуналар ва тегишли плакатлардан фойдаланилмади.

Кафедра доценти Х.Хамроевнинг 2026 йил 21-январь куни 1-жуфтликда Ўрмончилик таълим йўналишини 22-60,61 гуруҳларига “Ўрмон мелиорацияси” фанидан “Автомобил йўллар атрофида иҳотазорлар барпо қилиш” мавзусидаги маъруза дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Гуруҳ талабаларининг маъруза дарсига қатнашиш давомати 82% ни ташкил этди ва 4 нафар талаба соат 9:30 да кечикиб келди.

2. Гуруҳ талабаларидан Х.Тошкенбоев, С.Юлдашов, Ж.Номозов, Қ.Турдиев, Г.Эркабоева, О.Махмудовларни маъруза дарсига ўзини тутиши ва тутган дафтарлари талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

3. Маъруза ўқитувчисини меъёрий ҳужжатлари ўрганилганда маъруза дарси учун керак бўлган фан дастури ўқитувчида йўқлиги маълум бўлди.

4. Дарсга қатнашаётган талабаларнинг биронтасида фанга оид янги авлод дарслиги йўқлиги ва фойдаланиш даражаси пассив эканлиги маълум бўлди.

Кафедра ассистенти Ш.Шарапованинг 2026 йил 21-январь куни II-жуфтликда Ўрмончилик таълим йўналишини 22-64и гуруҳига “Лесная мелиорация” фанидан “Технология посадки защитных деревьев вокруг железных дорог” мавзусидаги амалий машғулот дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Маъруза ва амалий машғулот дарсини олиб борувчи ўқитувчилар томонидан амалий машғулот дарсини олиб бориш учун ўқув қўлланма чоп этилмаган.

2. Фанга оид 2025/2026-ўқув йили учун ***фан дастури (рус тилида) тайёрланмаган ва тасдиқланмаган.***

3. Талабалардан И.Мирходиев, А.Рисқалиев, Е.Лебедев, М.Номозова, Н.Кадировларни амалий машғулот дарси бўйича тутган дафтарлари қониқарсиз даражада эканлиги аниқланди.

4. Амалий машғулот дарсини олиб бориш бўйича кўргазмали материаллар, плакатлар ва жадваллар олиб кирилмади.

Кафедра ассистенти Д.Асадуллаеванинг 2026 йил 21-январь куни II-смена II-жуфтликда Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналишини 22-65С гуруҳига “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар” фанидан “Фауна ва флоранинг қизил китобга киритилган камёб ва йўқолиб кетаётган турларини ўрганиш” мавзусидаги амалий машғулот дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Амалий машғулот дарсини олиб бориш учун фанга оид ўқув қўлланма чоп этилмаган.

2. Гуруҳ талабаларидан А.Саидазимов, Д.Маматалиев, Д.Жумаев, Ж.Исаев, Х.Умаровларни амалий машғулот дарси учун тутган дафтарлари қониқарсиз даражада.

3. Мавзуга оид ҳеч қандай кўргазмали намуналар, плакатлар ва янги авлод адабиётлари олиб кирилмади.

4. Ўқитувчи амалий машғулот дарсини маъруза кўринишида ўтди ва талабалар билан фақат савол-жавоб ўтказди.

Кафедра профессори Э.Бердиевнинг 2026 йил 22-январь куни II-жуфтликда Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналишини 22-70,71 гуруҳларига “Манзарали дарахтларни кўпайтириш” фанидан “Манзарали япроқбаргли дарахтларни кўпайтириш. Чинор, каштан ва сохтакаштан, қайрағоч, жўка ва қайинни кўпайтириш ҳамда кўчатларини етиштириш агротехникаси” мавзусидаги маъруза дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Гуруҳ талабаларининг маъруза дарсига қатнашиш давомати 90% ни ташкил этди.

2. Гуруҳ талабаларидан Ш.Имомалиев, Х.Товбаев, А.Уркинов, Ҳ.Ҳамидуллаевларни маъруза дарсига қатнашиши пассив ҳолатда бўлиб, маъруза дарси учун тутган дафтарлари қониқарсиз эканлиги маълум бўлди.

3. Мухтасар қилиб айтганда, маърузачи томонидан олиб борилган дарс ўқув-услубий ва педагогик жиҳатдан намунали даражада олиб борилди.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедра катта ўқитувчиси Ф.Мардоновнинг 2026 йил 19-январь куни 1-смена II-жуфтликда “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишининг 22-70,71 гуруҳларига “Дорилар технологияси” фанидан “Юмшоқ дориларни назарий асослари ва тайёрлаш технологияси” маъруза дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Дарсда қатнашаётган айрим талабалар телефонидан фойдаланган ҳолди дарсга қатнашди.

2. Маърузачи ва талабаларда асосий адабиёт йўқлиги маълум бўлди.

3. Талабалардан С.Беркинов, Д.Музаффарова, Ш.Имомалиев, А.Уркинов, Ҳ.Ҳамидуллаевларни маъруза дарсидан тутган дафтарлари қониқарсиз ҳолатда эканлиги аниқланди.

Кафедра доценти М.Низомованинг 2026 йил 19-январь куни II-смена 1-жуфтликда “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишининг 22-70-71С, гуруҳларига “Доривор ўсимликлар уруғчилиги ва кўчатчилиги” фанидан “Очиқ ва ёпиқ майдонларда кўчатзорлар учун қўйиладиган талаблар” мавзусидаги маъруза дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар аниқланди:

1. Талабалар давомати қайд этилмади ва мавзу режаси ёздирилмади.

2. Талабалар давомати 83,3% ни ташкил этди.

3. Талабалардан Д.Ҳамидуллаев, Ш.Салаева, Ф.Ахмедова кабиларда фан учун тутган дафтарлари талаб даражасида эмаслиги ва мавзуга оид маълумотлар тўлиқ ёзилмаганлиги маълум бўлди.

Кафедра доценти Х.Аясовнинг 2026 йил 22-январь куни 1-смена I-жуфтликда “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишининг 22-71 гуруҳига “Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси” фанидан “Cinchona доривор ўсимлигини етиштириш технологияси” мавзусидаги амалий машғулот дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар кузатилди:

1. Талабалар давомати 92 % ни ташкил этди.

2. Амалий машғулот олиб бориш бўйича янги авлод ўқув қўлланмаси чоп этилмаган.

3. Умуман олганда, ўқитувчи томонидан ўтказилган амалий машғулот дарси намунали даражада ўтказилди.

Кафедра доценти Э.Ахмедовнинг 2026 йил 21-январь куни 2-смена I-жуфтликда “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишининг 22-70-71С гуруҳига “Фармакопия доривор ўсимликлари” фанидан “Доривор хом-ашёси барг ва пўстлоқлари бўлган доривор ўсимликлар” мавзусидаги маъруза дарси таҳлил қилинганда қуйидаги камчиликлар аниқланди:

1. Маърузачи дарсни 10 минут кеч бошлади ва талабалар давоматини дарс охирида қилди.

2. Маърузачи дарсга асосий адабиётни олиб кирмади, сабаби ўрганилганда ҳали чоп этилмаганлиги маълум бўлди.

3. Аудитория иссиқ бўлишига қарамай талабалар маъруза дарсида иссиқ кийим-кечакларини ечмасдан ўтиришди.

7. Кадрлар тайёрлаш ва илмий-технологик ечимлар яратишда корхона ташкилотларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланганлик даражаси. Талабалар амалиётининг тўғри ташкил этилганлиги. Битирувчиларни ишга жойлаштириш далолатномаларининг мавжудлиги:

“Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” факультетида кадрлар тайёрлаш ва илмий-технологик ечимлар яратишда корхона-ташкилотларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, ушбу шартномаларга асосан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, “**Доривор ўсимликлар”** кафедраси 6 та, “**Ўрмончилик ва ландшафт дизайн”** кафедрасида 5 та ташкилот билан шартнома имзоланган. Кафедраларида талабалар амалиётини ташкил этиш учун тузилган ҳамкорлик шартномалари ушбу жараённи тўлиқ қамраб олган ва ҳамкорлик фаолиятлари мақсадли тарзда йўлга қўйилган.

Олий математика ва **Жисмоний тарбия ва спорт** кафедраларида талабалар амалиётини ўтказиш ўқув режада кўрсатилмаган.

Шу билан бир қаторда,”Ўрмон хўжалиги ва ландшафт” дизайн факультетига тегишли **Ўрмончилик ва ландшафт дизайн** ҳамда **Доривор ўсимликлар** кафедраларида битирувчиларни ишга жойлаштириш далолатномалар мавжуд.

8. Илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлар ходимларининг ўқув жараёнига жалб этилганлиги. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадр истеъмолчилари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги, талаб ва эҳтиёжларнинг ўрганилганлиги.

Бу борада,“Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” факультети негизидаги **“Доривор ўсимликлар”** кафедрасида Туркиянинг Истанбул шаҳрида фаолият олиб бораётган “Dr.Avis Medicinal Hospital” ташкилоти раҳбари Dr. Mehmed Arslan билан ҳамкорликда доривор ўсимликлар таълим йўналишларига мастер-класс дарслари ўтказилди.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедрасида 2026 йил 13-ноябр Туркиянинг Анкара университети профессори Soner Kazaz томонидан "Атиргул навларини кўпайтириш технологияси” мавзусида маҳорат мастер-класс дарси ўтказилди. Бундан ташқари, 2026 йил 10-декабр куни Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, профессор Б.И.Эшанқулов томонидан “Хандон писта кўчатларини пайвандлаш технологияси” мавзусида 22-60-61 гуруҳлари учун маҳорат мастер-класс дарси ўтказилди.

Шу билан бир қаторда, факультет негизидаги “**Доривор ўсимликлар”** ҳамда “**Ўрмончилик ва ландшафт дизайн”** кафедраларида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадрлар истеъмолчилари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги, талаб ва эҳтиёжларнинг ўрганилганлиги бўйича тегишли ҳужжатлар режа асосида бажарилган ишлар ***мавжудлиги аниқланди.***

9. Кафедраларнинг илмий салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедра профессор-ўқитувчиларининг салоҳияти **66,0 %** ни ташкил этиб, Б.Хотамов, Ф.Ҳайитов, Ш.Ғуломходжаева, Н.Хомидовалар ўқув йили давомида ҳимоя қилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, С.Мамадалиева, Б.Хотамова, Ш.Шарапова, Д.Асадуллаева, О.Абдуллаев, Н.Худойбердиева ва Г.Бобоевалар илмий тадқиқот ишини якунламаган.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедра профессор-ўқитувчиларининг салоҳияти **72,0 %** ни ташкил этиб, Ф.Мардонов 2025/2026-ўқув йилида ҳимоя қилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Г.Султонова, Р.Мўйдинов ва Ҳ.Оқбоевалар илмий тадқиқот иши якунламаган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедра профессор-ўқитувчиларининг салоҳияти **45,0 %** ни ташкил этиб, О.Сафаров, Р.Тўхтасинова, А.Абдуназаров, Б.Авазов, Х.Менгноровлар ўқув йили давомида ҳимоя қилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, М.Холиқова, И.Марипов, Ю.Юлдошев, Х.Назаров ва Т.Тўхтасиновлар илмий тадқиқот иши якунламаган.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедра профессор-ўқитувчиларининг салоҳияти **10,0 %** ни ташкил этиб, Т.Туркманов, К.Турғунбоев, А.Каримовлар ўқув йили давомида ҳимоя қилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, К.Жумаев, Г.Худоярова, Ф.Зиёдуллаева, Д.Меликуловлар илмий тадқиқот иши якунламаган. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштирш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5924-сон қарорини 12-бандида белгиланган вазифага кўра мустасно ҳолатда республика ва халқаро спорт мусобақалари чемпионларни чиқарганлиги учун мустасно равишда доцент ва профессор унвонларини бериш бўйича кафедрада тизими чора-тадбир ишлаб чиқилган.

10. Факультетга бириктирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларида 2025/2026-ўқув йили қабул натижалари, ажратилган квоталарнинг тўлдирилганлик ҳолати.

Hemis-ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида олинган маълумотлар.

Кундузги таълим шакли

Т/р	Шифри	Таълим йўналиш номи	Квота	Бажарилганлик ҳолати	Фоизда %
1.	60811100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси	75	26	34,6
2.	60820100	Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш	100	47	47

Кечки таълим шакли:

Т/р	Шифри	Таълим йўналиш номи	Квота	Бажарилганлик ҳолати	Фоизда %
1.	60811100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси	25	2	8
2.	60820100	Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш	25	7	28

11. Кафедраларда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, олий таълим муассасаси ҳамда тармоқ ташкилотлари ўртасида амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедрада ҳамкорлик шартномалари мавжуд бўлиб, бу борада 1 та “Туркия ва Ўзбекистоннинг табиий Pistacia sp. популяцияларида узоқ гуллайдиган чангчи писта генотипларини танлаш” мавзусидаги амалий лойиҳа ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, молиялаштириш жараёни давом этмоқда ва ушбу лойиҳа юзасидан пул тушуми бажарилмаган.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедрада маҳаллий ҳамкорлик шартномалари мавжуд бўлиб, бу борада 2 та “Рақамли ва интеллектуал технологиялар ёрдамида Ўзбекистон-Хитойга хос иқтисодий экинларни комплекс қайта ишлаш ва сифатини ошириш технологияларини интеграциялашган қўлланилиши” мавзусидаги амалий ва “Туркия ва Ўзбекистондаги Organium L. турларининг ҳосилдорлиги ва сифатини аниқлаш ҳамда бозор афзалликларини ўрганиш” мавзусидаги инновацион лойиҳалар ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, молиялаштириш жараёни давом этмоқда ва ушбу лойиҳалар юзасидан шу кунга қадар пул тушуми бажарилмаган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедрада маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик шартномалари қилинмаган ҳамда лойиҳалар бажарилмаган.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедрада маҳаллий ҳамкорлик шартномалари мавжуд, аммо ҳамкорлик лойиҳалари қилинмаган.

12. Кафедраларда хўжалик шартномалари, илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштирилганлиги.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедрада 2025/2026-ўқув йили учун хўжалик шартномалари тузилган ва “AGRO-PARVOZ” МЧЖ билан ҳамкорликда 100 млн. пул тушуми қилинган.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедрада 2025/2026-ўқув йили учун хўжалик шартномалари тузилмаган ва шу кунга қадар ҳеч қандай **пул тушуми қилинмаган.**

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедрада 2025/2026-ўқув йили учун хўжалик шартномалари тузилмаган ва шу кунга қадар ҳеч қандай **пул тушуми қилинмаган.**

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедрада 2025/2026-ўқув йили учун ижара шартномалари йўлга қўйилган бўлиб, шу кунга қадар 171 млн сўм пул тушуми қилинган.

13. Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида (фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимида)ги иштироки.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимидаги иштироки юзасидан кафедра томонидан бириктирилган ***масъул томонидан инновацион лойиҳаларни бажариш 2-семестрга режалаштирилган.***

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимидаги иштироки юзасидан 2 та лойиҳа мавжуд.

Жумладан; “Туркия ва Ўзбекистондаги баъзи муҳим Origanum турларининг ҳосилдорлиги ва сифатини аниқлаш ҳамда бозор афзалликларини ўрганиш” ва “Рақамли ва интеллектуал технологиялар ёрдамида Ўзбекистон ва Хитойга хос иқтисодий экинларни комплекс қайта ишлаш ва сифатини ошириш технологияларининг интеграциялашган қўлланиши” мавзусида халқаро амалий лойиҳалар ўтган бўлиб, ҳозирда молиялаштириш жараёнида.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2025-йилда чоп эттирган мақолалар мавжуд бўлиб, аммо фаолият кўрсатаётган лойиҳа юзасидан ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2025-йилда чоп эттирган мақолалари мавжуд.

14. Профессор-ўқитувчиларнинг бажарган ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишлари (фундаментал, амалий ва бошқа илмий-тадқиқот кесимидаги иштироки), дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик ишланмалар, маҳаллий ва халқаро нашрларда, импакт-факторли (Scopus, Web of Sciense ва ҳ. журналлардаги мақолалари), иқтибослик даражаси.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича:

2024/2025-ўқув йилда кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 3 та дарслик
- 3 та монография
- 3 та ўқув қўлланма
- 24 та маҳаллий мақолалар
- 33 та хорижий мақолар (Scopus ва Impact factor)

2025/2026-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 1 та дарслик
- 2 та монография
- 16 та маҳаллий мақолалар
- 20 та хорижий мақолар (Scopus ва Impact factor)

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича:

2024/2025-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 1 та дарслик
- 3 та монография
- 3 та ўқув қўлланма
- 36 та маҳаллий мақолалар

- 20 та хорижий мақолар (Scopus ва Impact factor)

2025/2026-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 1 та монография
- 2 та ўқув қўлланма
- 12 та маҳаллий мақолалар
- 5 та хорижий мақолар (Scopus ва Impact factor)

“Олий математика” кафедраси бўйича:

2024/2025-ўқув йилда кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 4 та монография
- 37 та маҳаллий мақолалар
- 8 та хорижий мақолалар (Scopus ва Impact factor)

2025/2026-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 1 та дарслик
- 5 та монография
- 15 та маҳаллий мақолалар
- 10 та хорижий мақолар (Scopus ва Impact factor)

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича:

2024/2025-ўқув йилда кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 1 та монография
- 3 та ўқув қўлланма
- 10 та маҳаллий мақолалар
- 10 та хорижий мақолалар (Impact factor)

2025/2026-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 1 та монография
- 2 та ўқув қўлланма
- 4 та маҳаллий мақолалар
- 6 та хорижий мақолар (Impact factor)

Кафедрада 2024/2025 ва 2025/2026-ўқув йилларида профессор-ўқитувчилар тамонидан биронта ҳам **Scopus мақола нашр қилинмаган.**

15. Кафедрада “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйилганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар бандлигини таъминлашдаги иштироки, иқтидорли ёшлар ташқи ва номдор стипендиантлар тайёрланиши (илмий тўгараклар мавжудлиги).

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедрада “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйилганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар бандлигини таъминлашдаги иштироки, иқтидорли талабаларни ички ва ташқи номдор стипендиантларни тайёрлашга қаратилган илмий тўгараклар намунали даражада фаолият олиб бормоқда.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедрада “Устоз-шогирд” тизими юзасидан 2025/2026-ўқув йили учун талабалар профессор-ўқитувчиларга бириктирилган тасдиқланган маълумотлар бор бўлиб, профессор-ўқитувчилар талабалар билан биргаликда ижодий ишларни тизимли равишда олиб бормоқда.

Бунинг исботи сифатида “Табиат дорихонаси” илмий тўгарак фаолият асосида 2 нафар тўгарак аъзоси талабаси номдор Президент стипендианти соҳиби бўлган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедрада “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйилганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар бандлигини таъминлашдаги иштироки, иқтидорли ёшлар ташқи ва номдор стипендиянтлар тайёрлаши бўйича йўлга қўйилган илмий тўгаракларни фаолияти юзасидан бирорта ***асословчи ҳужжатлар тақдим этилмади.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедрада “Устоз-шогирд” тизими юзасидан 2025/2026-ўқув йили учун талабалар профессор-ўқитувчиларга бириктирилган иқтидорли ва жисмонан етук талаба-ёшлар билан биргаликда амалий спорт машғулотлари олиб борилмоқда.

Бунинг исботи сифатида кафедрада ойлик график асосида талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида Миллий кураш, Дзюдо, Баскетбол, Волейбол, Стол тенниси ва мини футбол бўйича тўгараклар масъул бириктирилган ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда.

16. Профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги, кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳитини, педагогларнинг ахлоқий сифатларини мунтазам равишда (сўровнома асосида) таҳлил қилиниб борилганлиги.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги юзасидан баённомалар тўғри меъёрий ҳужжат асосида ***ёзилмаган*** ҳамда кафедрадаги маънавий-аҳлоқий муҳитни, педагогларнинг аҳлоқий сифатларини аниқлаш бўйича сўровнома асосида таҳлил олиб борилмаган. Умуман ушбу сўровнома қандай тартибда ўтказилиши юзасидан ***маълумотга эга эмас эканлиги маълум бўлди.***

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги юзасидан баённомалар тўлиқ ойлар кесимида иш режага мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, меъёрий ҳужжат расмий иш юритиш қоидаси асосида ***ёзилмаган,*** аммо кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳит ва педагогларнинг ахлоқий сифатларини аниқлаш бўйича сўровнома ўтказилган ва таҳлил қилинган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги, кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳит ва педагогларнинг ахлоқий сифатлари жорий ўқув йили учун сўровнома асосида ***таҳлил қилинмаган*** ва шунга доир меъёрий ҳужжатлар ***мавжуд эмас.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчилар маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилган ҳамда кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳит ва педагогларнинг аҳлоқий сифатларини аниқлаш мақсадида онлайн аноним сўровнома ўтказилган ва таҳлил қилинган.

17. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ички тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари билан танишганлик ва амал қилиши ҳолати.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: 2025/2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилари университет ички тартиб қоидалари билан ***таништирилган ва қайд варақаси имзоланган.***

2025/2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилари университетнинг “Одоб-ахлоқ” қоидалари билан таништирилган.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: 2025/2026-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилари университет ички тартиб қоидалари билан таништирилган ва қайд варақаси имзоланган.

2025/2026-ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилари университетнинг Одоб-ахлоқ қоидалари билан таништирилган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: 2025/2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилари университетнинг ички тартиб қоидалари билан таништирилмаган ва ички тартиб қоидалари юзасидан тасдиқловчи ҳужжат қилинмаган.

2025/2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар университетнинг “Одоб-ахлоқ” қоидалари билан таништирилган ва қайд варақаси имзоланган.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: 2025/2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар университетнинг “Ички тартиб” қоидалари билан таништирилган.

2025/2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар университетнинг “Одоб-ахлоқ” қоидалари билан билан таништирилган ва қайд варақаси имзоланган.

18. Профессор-ўқитувчиларнинг жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда иштироки.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларни спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда иштироки таъминлаган, аммо маълумот ва баённомалар расмий иш юритиш услубида ***ёзилмаган.***

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларни спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда иштироки таъминлаган, аммо маълумот ва баённомалар расмийиш юритиш услубида ***ёзилмаган.***

“Олий математика” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича йўналтирилган спортнинг турлари бўйича мусобақаларда иштироки таъминланган бўлиб, Ректор кубоги - 2026 спорт мусобқаларида профессор-ўқитувчилар иштирок этганлиги юзасидан бир дона тасдиқланган баённома мавжуд.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Профессор-ўқитувчиларнинг жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда иштироки таъминлаганлиги бўйича қуйидаги ишлар ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва иқтидорини намоён этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги 2025-йил 24-мартдаги 57-сонли йиғилиш баённида белгиланган топшириқлар ижроси таъминлаш мақсадида 2025-йил сентябрь

ойида барча талабалар турар жойларида яшайдиган талаба-ёшлар ўртасида ҳамда октябрь ойида барча факультетлар ўртасида “Беш ташаббус олимпиадаси” спорт мусобақалари ташкил этилган ва **4000 нафардан** ортиқ талаба-ёшлар ушбу мусобақада иштирок этган.

Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг ***95 йиллиги муносабати билан 9-10-ноябрь кунлари*** университетнинг комплекс спорт мажмуасида “ ТДАУ кубоги” халқаро кураш спорт мусобақаси ташкил этилиб, ушбу спорт мусобақасида 10 дан ортиқ олий таълим муассасалар талаба-ёшлари ҳамда Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларидан спорт иштирокчилари ташриф буюришган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025-йилнинг 13-февраль куни спорт масалалари юзасидан видео селекторда айтилган “Соғлом инсон – соғлом миллат” ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида профессор-ўқитувчилар ҳамда ишчи ходимлар ўртасида **“Ректор кубоги -2026”,** “Волейбол”, “Мини футбол”, “Стол тенниси” ҳамда “Шахмат ва шашка” турлари бўйича спорт мусобқалари ташкил этилган ва факультетлар кесимида барча профессор - ўқитувчилар жалб этилганлигини эътироф этиш мумкин.

19. Факултет ва кафедраларда архив ҳужжатларини юритилиш ҳолати.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедрада мустақил иш, амалиёт ҳисоботлари ва курс ишларини архивга топшириш ҳолати ўрганилганда, мазкур кафедранинг кабинет мудири томонидан 2024/2025-ўқув йили ва 2025/2026-ўқув йили бўйича барча турдаги архив хужжатларини топшириш ҳолати намунали даражада эканлиги аниқланди.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедрада мустақил иш, амалиёт ҳисоботлари ва курс ишларини архивга топшириш ҳолати ўрганилганда, мазкур кафедранинг кабинет мудири томонидан 2023/2024, 2024/2025 ва 2025/2026-ўқув йиллари бўйича барча турдаги архив ҳужжатлари топширилган ҳамда йиғма жилдлар папкасида меъёрий хужжатларнинг сақланиши қониқарли даражада.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедрада архив ҳужжатларини юритилиш холати қониқарсиз даражада бўлиб, бунга доир ***йиғма жилд папкаси ҳам ташкил қилинмаган.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедрада архив ҳужжатларини топшириш ҳолати ўрганилганда, мазкур кафедранинг кабинет мудири томонидан жорий ўқув йили бўйича барча турдаги архив хужжатларини топшириш ҳолати қониқарли даражада эканлиги аниқланди.

20. Факультет ва кафедраларга келиб тушган ариза ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқилиши.

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: Кафедрага келиб тушадиган буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқилиши бўйича қайд этиш дафтарининг юритилиши қониқарли даражада.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: Кафедрага келиб тушадиган буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқилиши бўйича қайд этиш дафтарининг юритилиши қониқарли даражада.

“Олий математика” кафедраси бўйича: Кафедрага келиб тушадиган буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқилиши бўйича қайд этиш

дафтари расмийлаштирилмаган.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича: Кафедрага келиб тушадиган буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқилиши бўйича қайд этиш дафтари тўғри расмийлаштирилган ва тегишли буйруқлар мазкур дафтарга ўз вақтида қайд этиб борилган.

21. Факултет ва кафедраларда йиғма жилдлар номеклатурасини юритилиши, https://edo.ijro.uz/ тизими орқали келиб тушган ҳужжатларнинг бажариш ҳолати.

Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети бўйича номенклатура ҳужжатларни юритилиши ва йиғма жилдларни ҳолати текширилганида қуйидаги камчилик борлиги аниқланди:

15-9-9; 15-10-10; 15-23-23 папкаларда меъёрий ҳужжатлардан факультетнинг низоми 2025/2026-ўқув йили учун тасдиқланмаган, университет ректорининг янги таҳрирдаги айрим буйруқлари, жорий ўқув бўйича баъзи ўқув дастурлари ва силлабуслар, факультетнинг илмий ишлар бўйича ***йиллик иш режаси қилинмаган*** ва касаба уюшмаси цех раисининг йиллик иш режаси ҳамда ойлар кесимидаги ***баённомалари тайёрланмаган*** ва шунга доир ***меъёрий ҳужжатлар тикилмаган.***

“Ўрмончилик ва ландшафт дизайн” кафедраси бўйича: 15-1-12 ва 15-1-14 папкаларида камчиликлар мавжуд бўлиб, бажарилиши керак бўлган вазифалар бўйича ушбу йиғма жилд папкаларига ***меъёрий ҳужжатлар тикилмаган.***

Шунингдек, ***edo.ijro.uz*** тизимида бажарилган ишлар бўйича 2025-йилда жами 75 та иш ижрода келиб тушган, шундан 51 таси бажарилган, ***23 та берилган топшириқ ижроси кеч бажарилган.*** Шунга мувофиқ, 2026-йилда edo.ijro.uz тизимида келиб тушган маълумотлар ўз вақтида бажарилган.

“Доривор ўсимликлар” кафедраси бўйича: 15-2-16, 15-2-21 ва папкаларида камчиликлар мавжуд бўлиб, бажарилиши керак бўлган вазифалар бўйича ушбу йиғма жилд папкаларига ***меъёрий ҳужжатлар тикилмаган.***

Шунингдек, ***edo.ijro.uz*** тизимида бажарилган ишлар бўйича 2025-йил давомида жами 69 та иш ижрода келиб тушган, шундан 51 таси бажарилган бўлиб, шундан ***18 та топшириқ ижроси кеч бажарилган.*** Шунга мувофиқ, 2026-йилда edo.ijro.uz тизимида келиб тушган маълумотлар ўз вақтида бажарилган.

“Олий математика” кафедраси бўйича: 15-3-1, 15-3-3, 15-3-7, 15-3-12, 15-3-15 папкаларида камчиликлар мавжуд бўлиб, бажарилиши керак бўлган вазифалар бўйича ушбу йиғма жилд папкаларига ***меъёрий ҳужжатлар тикилмаган.*** Энг муҳими 15-3-16, 15-3-17, 15-3-18, 15-3-19; 15-3-22 ва 15-3-23 каби ***папкалар бўш ҳолатда эканлиги маълум бўлди.***

Шунингдек, ***edo.ijro.uz*** тизимида бажарилган ишлар бўйича ўрганиш ишлари олиб борилганда ушбу кафедра 2025-йил октябрь ойида ташкил этилган бўлишига қарамай 4 ойдан бери тизим ишламаётганлиги аниқланди ва ушбу ***сайтга кириш учун логин ва парол мавжуд эмас.***

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси бўйича:15-3-3, 15-3-5, 15-3-20 папкаларида камчиликлар мавжуд бўлиб, бажарилиши керак бўлган вазифалар бўйича ушбу йиғма жилд папкаларига меъёрий ҳужжатлар тикилмаган.

Шунингдек, мазкур кафедрага ***edo.ijro.uz*** тизимидан келиб тушган топшириқ ва маълумотлар ўз вақтида бажарилган.

ЛОЙИҲА

Юқорида берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ишчи гуруҳ раиси – Ипакчилик ва тутчилик кафедраси профессори Ч.Беккамовнинг Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультетининг ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети ва кафедраларида олиб борилган ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари ҳамда меъёрий ҳужжатларининг юритилиши **қониқарсиз деб топилсин.**

3. Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси мудири М.Холмуротов, Доривор ўсимликлар кафедраси мудири М.Аманова, Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Ш.Келдиёров, Олий математика кафедраси мудири М.Шерқузиев кафедраларда ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ҳамда меъёрий ҳужжатларининг юритилишини тўғри ташкил этмаганлиги учун _____ чораси кўрилсин.

4. Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи С.Хамдамовага:

Кафедра мудирлари М.Холмуротов, М.Аманова, Ш.Келдиёров, М.Шерқузиевга нисбатан қўлланган _____ чораси бўйича Университет ректори буйруғини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети декани М.Ҳомидов, ҳамда тегишли кафедра мудирлари М.Холмуротов, М.Аманова, Ш.Келдиёров, М.Шерқузиевга:

Барча фан дастурлари ва силлабуслар қайта кўриб чиқиб, амалдаги давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва меъёрий талаблар асосида тўлиқ ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлатиш;

фанлар бўйича адабиётлар рўйхати алифбо қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда қайта расмийлаштириш;

амалий машғулотлар, битирув малакавий ишлари (БМИ) ва талабаларнинг мустақил ишлари учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда чоп эттириш;

2025/2026-ўқув йили учун тасдиқланган адабиётлар режасининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

барча фанлар бўйича дарс жадвали, фан ресурслари ва ўқув топшириқларини белгиланган муддатларда HEMIS ахборот тизимига тўлиқ жойлаштириш;

крилл алифбосида жойлаштирилган ўқув-услубий ресурслар босқичма-босқич лотин алифбосига ўтказиш;

профессор-ўқитувчиларнинг HEMIS ахборот тизимидан самарали фойдаланиши бўйича шахсий масъулиятини кучайтириш;

профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари ўқув юкламалари билан ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш;

ўриндошлик асосида ишловчи ўқитувчиларнинг ўқув, услубий ва ташкилий фаолиятини юкламада тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини таъминлаш;

дарс ўтиш сифати юзасидан мунтазам мониторинг ўтказиб, профессор-ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

барча лаборатория ишлари учун замонавий талаблар асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

таълим жараёнида зарур бўлган етишмаётган жиҳозлар ва реактивлар билан таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш;

илмий тадқиқот ишларини якунламаган профессор-ўқитувчилар учун аниқ муддатлар белгилаб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

халқаро ва маҳаллий илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим ташкилотлари билан илмий ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўриш;

аниқланган хато ва камчиликларни **10 кун муддатда** бартараф этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўқув ишлари бўйича проректор С.Бобоев, ҳамда Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети декани М.Ҳомидов зиммасига юклатилсин.

VIII -МАСАЛА
“Зооинженерия” факультети ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисида ахборот

Ишчи гуруҳ раиси – Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси профессори С.А.Турдиев, Зооинженерия факультети декани Х.Донаев

1.Таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари (силлабус) билан таъминланганлиги ва мувофиқлиги.

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси бўйича: Барча фанлардан фан дастури ва силлабуслар **қилинган.** Аммо “Ўзбек (Рус) тили: Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши” фанидан тузилган фан дастури юзида “Ўзбек (Рус) тили” деб ёзилган. “Академик ёзув фанидан” силлабус қилинмаган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси бўйича: Бакалаврият кундузги таълим учун “Ипак қурти уруғчилиги (ипакчилик)”, “Пиллаларни йигиришга тайёрлаш ва сифатини текшириш (ипакчилик)”, “Т.т. Ипакчиликда халқаро тажрибалар (ипакчилик)”, “Ипак қурти экологияси ва боқиш агротехникаси (ипакчилик)”, “Пиллачиликда жахон генофонди (ипакчилик)”, “Т.т. Тут дарахти экологияси”, “Т.т. Ипакчилик ва тутчилик (ипакчилик)”, “Ипакчилик асослари (ипакчилик)”, “Тут дарахти физиологияси (ипакчилик)”, “Зоология (ипакчилик, сув биорес.)”, “Ипак қурти генетикаси ва селекцияси (ипакчилик)”, “Пиллачиликни ривожлантиришда янги технологиялар (ипакчилик)”, “Пиллачиликда агротехник хизмат кўрсатиш (ипакчилик)” фанларидан тузилган фан дастурлари ва силлабусларда ҳамда “Тут ипак қурти биологияси”, “Зоология”, “Тутчилик” ўқув амалиётлари ва ишлаб чиқариш технологик амалиётидан тузилган дастурларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида **аслида крилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.**

Магистратура кундузги таълим учун “Ипак қурти физиологияси ва биокимёси”, “Ипак қурти ва тут дарахти генофондидан фойдаланиш”, “Ипак қурти ва тут дарахти касалликлари эпизотологияси, диагностикаси уларга қарши курашнинг замонавий усуллари”, “Т.т. Ипак қурти ва тут дарахти генетикаси ва ривожланиш тенденциялари”, “Тут дарахти физиологияси ва ситогенетикаси”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанларидан тузилган дастурларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида **аслида крилл** алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам **лотин алифбосида ёзилган.**

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси: Магистратура кундузги таълим учун “Т.т. Ички сув ҳавзаларининг биоресурслари” ҳамда “Чорвачиликда биометрия асослари” фанларидан тузилган дастур ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида **аслида крилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.**

Бакалавриат кундузги таълим учун “Хусусий зоотехния (асаларичилик)”, “Қорамоллар бонитировкаси ва идентификацияси (қорамолчилик)”, “Паррандачилик (паррандачилик)” “Асаларичиликда наслчилик иши (асаларичилик)”, “Т.т. Қўйлар селекцияси (қоракўлчилик)”, “Балиқлар генетикаси ва биотехнологияси”, “Ҳайвонларни озиқлантириш (вет.мед.)”, “Генетика ва биотехнология (зооенженерия)”, “Қорамолчиликда наслчилик иши

(қорамолчилик)”, “Сутчилик иши (қорамолчилик)”, “Қорамоллар систематикаси (қорамолчилик)”, “Қўйчилик ва эчкичилик (қоракўлчилик)”, “Жун товаршунослиги (қоракўлчилик)”, “Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш технологиялари (к/х механ.)”, “Қуёнчилик ва мўйначилик (зооинж)”, “Т.т. Чорвачиликда инновациялар (зооинженерия)” фанларидан тузилган дастур ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида **аслида крилл алифбосида чоп** этилган адабиётлар ҳам **лотин алифбосида ёзилган.**

“Ветеринария медицинаси” кафедраси бўйича: Бакалаврият кундузги таълим учун “Ветеринария вирусологияси (проф. вет.)”, “Ветеринария фармокологияси (вет.)”, “Т.т. Ветеринария санитария экспертизаси (проф. вет)”, “Т.т. Зоогигиена ва ветеринария санитарияси (вет.)”, “Ветеринария асослари (қорамолчилик, қоракўлчилик)”, “Акушерлик ва сунъий уруғлантириш (қорамол. қоракўл)”, “Т.т. Майда уй ҳайвонлари касалликлари (вет.)” фанларидан тузилган дастур ва силлабусларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида **аслида крилл алифбосида чоп этилган адабиётлар ҳам лотин алифбосида ёзилган.**

Бундан ташқари, “Эпизоотология (ветеринария)” фанидан ўзбек тилида тузилган фан дастурининг айрим жойлари рус тилида ёзилган ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ҳам ўзбек тилига таржима қилиб ёзилган. “Зоогигиена ва чорвачилик биноларини лойиҳалаш (ветеринария)” ҳамда “Ҳайвонлар физиологияси (вет. мед.)” фанларидан тузилган фан дастурларининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ўзбек тилида чоп этилган адабиётлар ўзбек тилида ёзилган.

2. Таълим жараёнини фан дастурларига мувофиқ, ўқув адабиётлари ва ўқув услубий материаллар билан таъминланганлик даражаси, янги ўқув адабиётларини яратиш режаси.

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасида 2025-2026 йилларда яратилиши зарур бўлган адабиётлар режаси ишлаб чиқилган. Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти ва яъни янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда Академик ёзув фанидан ***мустақил ишларни бажариш*** учун услубий қўлланма **ишлаб чиқилмаган**.

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси бўйича 2024/2025 ўқув йилида кафедра томонидан ишлаб чиқилган адабиётлар режаси тасдиқланган режа бўйича 9 **та** адабиётдан **3 та** номдаги адабиёт яратилган.

1). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти ва яъни янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда Тут ипак қурти эмбриологияси ва биотехнологияси, Ипак қурти уруғчилиги, Ипак қурти генетикаси ва селекцияси ***лаборатория машғулотлари*** учун услубий кўрсатма ва **қўлланмалар қилинмаган**.

БМИ ва МД бажариш бўйича **услубий кўрсатма ишлаб чиқилмаган**.

2). Пиллаларни тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш, Ипак қурти касалликлари ва зараркунандалари, Ипак қурти экологияси ва боқиш агротехникаси, Тутчилик фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар **ишлаб чиқилмаган.**

“Ветеринария медицинаси” кафедрасида 2025-2026 йилларда яратилиши зарур бўлган адабиётлар режаси ишлаб чиқилган.

1). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти ва яъни янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда Акушерлик ва сунъий уруғлантириш, Ҳайвонлар физиологияси, Ветеринария микробиологияси ва иммунологияси, Балиқ ва асалари касалликлари, Ҳайвонлар марфологияси **фанларидан** лаборатория машғулотлари услубий қўлланмалар **қилинмаган**.

2). БМИ ва МД бажариш бўйича услубий кўрсатма **ишлаб чиқилмаган**.

3). Клиник диагностика, Патологик анатомия, гавда ёриш ва ветеринария суд экспертизаси курс иши (лойиҳаси)ни бажариш бўйича услубий **кўрсатмаси яратилмаган.**

“Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар” кафедрасида 2024/2025 ўқув йилида кафедра томонидан ишлаб чиқилган адабиётлар режаси тасдиқланган режа бўйича **15 та** адабиётдан **13 та** номдаги адабиёт яратилган.

1). Кафедранинг ўқув-услубий таъминоти ва яъни янги авлод адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда Балиқ касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари, Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, Гидробиология, Ҳайвонларни озиқлантириш, Ихтиология, Ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш асослари ***фанлардан лаборатория машғулотлари*** услубий қўлланмалар **қилинмаган**.

2). Асалари оилаларини парваришлаш, сақлаш ва урчитиш, Асалариларнинг зараркунандалари ва касалликлари, Саноат балиқчилиги, Асалариларнинг озуқа манбалари ва озиқлантириш технологияси фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар **ишлаб чиқилмаган.**

3). БМИ ва МДИ бажариш бўйича услубий кўрсатма ишлаб **чиқилмаган**.

4. Фанлардан ўқув-услубий материаллар (контент)ларни шаклланганлиги, кредит-модул тизимини талаб даражасида жорий этилганлиги ҳамда тегишли меъёрий ва услубий ҳужжатларни тайёрлиги. HEMIS тизимига жойланганлиги.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: HEMIS – ахборот тизимида ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган (қизил) дарслар сони **2 жуфтлик (пара)** белгиланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Ресурслар юкланган. Ресурсларни фан мавзулари билан боғлашда мавзу номи тўлиқ кўрсатилмаган.

HEMIS – Ахборот тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан юритилган календар режалар мавзуларини юритишда камчиликлар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан **16% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.**

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси: HEMIS – ахборот тизимида ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган **(қизил)** дарслар **сони 6 жуфтлик (пара)ни** белгиланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Ипакчилик ва тутчилик таълим йўналиши 1-босқич **Тут ипак қурти биологияси** фанига амалий машғулот дарсларига мавзулар киритилганлигига қарамасдан умумий маълумотлар баъзасида ресурслар юкланмаганлигини, бироқ, ўқитувчининг HEMIS платформасида юкланганлигини кўрсатмоқда.

Ресурслар юклашда профессор-ўқитувчилар томонидан юкланган ресурсларда крилл алифбосида юкланган ресурслар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан юритилган календар режалар мавзуларини юритишда камчиликлар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан **78% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.**

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси: HEMIS – ахборот тизимида ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган (қизил) дарслар сони **35 жуфтлик (пара)** белгиланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Паррандачилик мутахассислиги 1-босқич (кундузги) Интенсив усулда жўжалар ўстириш технологияси фанига маъруза ва амалий машғулот дарсларига мавзулар киритилганлигига қарамасдан **ресурслар юкланмаган**.

Ресурслар юклашда профессор-ўқитувчилар томонидан юкланган ресурсларда **крилл алифбосида юкланган ресурслар мавжуд**.

HEMIS – Ахборот тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан юритилган календар режалар мавзуларини юритишда камчиликлар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан **76% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.**

Ветеринария медицинаси кафедраси: HEMIS – ахборот тизимида ўқитувчилар томонидан белгиланмасдан қолдирилган **(қизил) дарслар сони 95 жуфтлик (пара)** белгиланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Сув биоресурслари ва аквакултура таълим йўналиши 2-босқич Ветеринария санитария экспертизаси фанига маъруза дарсларига **ресурслар юкланмаган.**

Ресурслар юклашда профессор-ўқитувчилар томонидан юкланган ресурсларда крилл алифбосида юкланган ресурслар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан юритилган календар режалар мавзуларини юритишда камчиликлар мавжуд.

HEMIS – Ахборот тизимида талабаларга топшириқлар бериш қисмидан **79% профессор-ўқитувчилар фойдаланмаган.**

4. Тақсимланган ўқув юкламасига мувофиқ кафедраларда профессор-ўқитувчилар штатларининг тўлдирилганлик холати. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши. Профессор-ўқитувчилар таянч маълумотлари (мутахассислиги, ихтисослиги) нинг улар дарс берадиган фанларга мувофиқлиги (мос бўлмаган ҳолда уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлиги ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга бўлиши якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма нашр этганлиги (сертификат асосида). Белгиланган муддатларда малакасини оширганлиги.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо Й.Бобоев, Г.Бурхонова, М.Аширматоваларнинг шахсий иш режаси ва ўқув юкламасидаги соатлар бир бирига ***мос эмас.***

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси профессори-ўқитувчиларининг шахсий иш режалари тасдиқланган, аммо Ё.Мирзаева, Н.Абдикаюмова, Х.Рахмоноваларнинг шахсий иш режаси ва ўқув юкламасидаги соатлар бир бирига **мос эмас**.

“Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар” кафедраси профессори-ўқитувчиларининг шахсий иш режалари тасдиқланган, кафедра профессор-

ўқитувчилардан М.Дўсмухаммедова, Р.Трояновская, А.Болтаевларнинг шахсий иш режаси ва ўқув юкламасидаги соатлар бир бирига **мос эмас**.

Кафедра профессор ўқитувчиларининг айримлари 2022 йил октябр ноябр ойида малака оширган, бироқ бугунги кунда малака ошириш муддати ўз вақтида амалга оширилмаган.

“Ветеринария медицинаси” кафедрасида профессори-ўқитувчиларининг **шахсий иш режалари тасдиқланган.**

5. Ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассисликнинг ўқув режасига биноан фанлар бўйича лаборатория ишларининг бажарилиши, тегишли жиҳозлар, реактивлар билан таъминланганлиги, методик кўрсатмаларнинг мавжудлиги, мавжуд ўқув-лаборатория ва жиҳозлари ҳолати ва яроқлилиги:

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида кундузги ва сиртқи таълим талабалари учун лаборатория машғулотлари ўқув режасига биноан ўтказилиши **белгиланмаган.**

Ипакчилик ва тутчилик, Умумий зоотехния ва зоотехнология, Ветеринария медицинаси кафедраларида лаборатория хоналари **мавжуд.** Лаборатория машғулотларини олиб бориш бўйича барча йўқорида келтирилган фанлар бўйича **услубий кўрсатма** ва **ўқув қўлланмалар** мавжуд. Кафедраларда лаборатория машғулотларини ўтказиш учун жиҳозлар етарли. Фақатгина айрим кафедраларда талабаларга лабаратория жараёнларини кўрсатиш учун реактивлар **сони кам миқдорда мавжуд.**

6. Ўқув жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш учун шароитларнинг яратилганлиги, дарс ўтиш сифати ва давомати.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида 2 та компютр, 3 та проектор, 2 та чоп этиш принтри мавжуд, электрон доска мавжуд эмас.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида 4 та компютер, 4 та проектор (2 та яроқсиз), 1 та электрон доска ва 2 та чоп этиш принтери мавжуд. **Умумий зоотехния ва зоотехнология** кафедрасида 10 та компютер, 20 та проектор, 3 та электрон доска ва 15 та чоп этиш принтери мавжуд. **Ветеринария медицинаси** кафедрасида 15 та компютер, 5 та проектор, электрон доска 3 та ва 2 та чоп этиш принтери мавжуд.

Факультетдаги барча кафедраларда ўқув жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш учун шароитлар қисман мавжуд.

“Зооинженерия” факулътети таркибида фаолият юритаётган прфессор ўқитувчиларнинг дарс ўтиш сифати ва давомати таҳлили:

Р.Алибекова 1-жуфтликда 25-24 гуруҳига Рус тили фанидан дарс машғулотларини олиб бормоқда ўқув меъёрий ҳужжатлари мавжуд, гурух 2 га бўлинган бўлсада 50% талаба йўқ. Шу 25-24 гуруҳнинг 2 қисмида рус тили фанидан М.Б.Қасимова дарс машғулотларини олиб бормоқда ўқув меъёрий ҳужжатлари мавжуд жами 11 та талабадан 2 нафари йўқ.

16 феврал 1 жуфтликда “Балиқ озуқаси ва озиқлантириш” фанидан 23– 85 гурух жами 19 тадан 2 нафари йўқ, талабаларнинг айримлари дафтар тутмаган, фан ўқитувчиси (Н.Р.Муллабоев).

16 феврал 1 жуфтликда Ветеринария санитария экпертизаси фанидан 24 – 85 гурух жами талабалар сони 12 тадан 1 нафари йўқ, Айрим талабаларнинг дафтари қониқарсиз, фан ўқитувчиси (Х.Ю.Арзиев) ўқитувчининг меъёрий ҳужжатлари мавжуд.

16 феврал 1 жуфтликда Ҳайвонлар физиологияси фанидан дарс **ўтилмаяпти** 24 – 127 гурух (Интер гурух) хонада 6 та талаба ўтирибди қолгани йўқ фан ўқитувчиси (Ш.Холов).

19.02. Гидрология фанидан фан ўқитувчиси, Д.Деҳқонова 23 – 85 гурух жами талабалар сони 19 тадан 6 нафари йўқ, Ўқитувчининг меъёрий ҳужжатлари мавжуд.

19.02. Ҳайвонлар физиологияси фанидан 24 – 120 гурух жами талабалар сони 21 тадан 2 нафари дарс бошидан буён сабабсиз йўқ, Ўқитувчи Ф.Болтаевнинг меъёрий ҳужжатлари мавжуд. Бироқ дарс лаборатория машғулоти олиб бориш учун шароитлари яратилган хонасида эмас бошқа аудиторияда 42 хонада ўтмоқда.

Балиқчиликда насилчилик иши фани 24 – 85 гуруҳда жами талабалар сони 12 тадан 2 нафари йўқ, Ўқитувчи Исломбек Абдувосиқов, соат 9 дан 20 дақиқа ўтганда меъёрий ҳужжатлари олиб хонага кириб келди. Меъёрий ҳужжатлари ОТМ талабига мос эмас.

Факультетда намунали дарс олиб бораётган профессор ўқитувчилардан, Профессор, Ў.Соатов, У.Данияров, шу балан бирга Ҳ.Рахмонова Д.Деҳқонова ва Ф.Болтаевларни кўрсатиш мумкин.

7. Кадрлар тайёрлаш ва илмий-технологик ечимлар яратишда корхона ташкилотларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланганлик даражаси. Талабалар амалиётининг тўғри ташкил этилганлиги. Битирувчиларни ишга жойлаштириш далолатномаларининг мавжудлиги:

Зооинженерия факультетида кадрлар тайёрлаш ва илмий-технологик ечимлар яратишда корхона-ташкилотларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, ушбу шартномаларга асосан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, **Ипакчилик ва тутчилик** кафедраси 6 та, **Умумий зоотехния ва зоотехнология** кафедраси 14 та, **Ветеринария медицинаси** кафедраси 8 та, **Ўзбек тили ва адабиёти** кафедраси 2 та ташкилот билан шартнома имзоланган. Аммо факультетнинг **Ипакчилик ва тутчилик** кафедрасида талабалар амалиётини ташкил этиш учун тузилган ҳамкорлик шартномалари ушбу жараённи тўлиқ қамраб олмаган, ҳамкорлик қисман амалга оширилган.

Зооинженерия факультети **Ипакчилик ва тутчилик** ва **Умумий зоотехния ва зоотехнология, Ветеринария медицинаси** кафедраларда битирувчиларни ишга жойлаштириш далолатномалар тўлиқ эмас (камчилик бартараф этилди, битирувчиларни ишга жойлаштириш далолатномалари нусхаси деканатда сақланган).

8. Илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлар ходимларининг ўқув жараёнига жалб этилганлиги. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадр истеъмолчилари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги, талаб ва эҳтиёжларнинг ўрганилганлиги.

Зооинженерия факультети **Умумий зоотехния ва зоотехнология** кафедрасида Корея Республикаси **Gyeongkuk** миллий университети билан “Smart AI” ақилли асалари оиласи тизим технологиясини қўллаш ҳамда асаларичилик рессурсларини ривожлантириш ва такомиллаштириш доирасида ва Словения ҳукумати билан ҳамкорликда “Асаларичилик ва асал ишлаб чиқариш соҳасида билимлар ва кўникмалар билан алмашинув” мавзусидаги кафедра мудири Б.А.Кахраманов ва кафедра профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда лойиҳа иши олиб боришган. Бундан ташқари Умумий зоотехния ва зоотехнология кафедраси профессор ўқитувчилари Д.М.Хуснитдинова, Ж.Ерембетовалар Қирғизистон Республикаси Ўш давлат университети профессори Абдирасулов Абдуғани Холмирзаевич билан ҳамкорликда 2025 йил 10 ноябр куни Қорамолчилик таълим йўналиши 22-122 гуруҳ талабаларига “Қорамолларни бонитировка бўйича тушунча ва бонитировка қилишнингназарий асослари” мавзусида маҳорат дарсини олиб боришган.

Ветеринария медицинаси кафедрасида Қозоқистон Республикаси Қозоқистон агротехника университети профессори А.Жанабаев билан ҳамкорликда 4 - босқич Ветеринария медицинаси йўналиши талабаларига Ветиринария паразитологияси фанидан бир хафталик мастер-клас дарслари ташкил этилган. Ушбу кафедра таълабалар амалиётларини ташкил этиш бўйича ҳам “NBS VET SERVICE” MCHJ, “DEEP FORSET ANIMALS” клиникаси, “Doktor Sadikov Server” килиникаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ишлаб келмоқда билан мутахассислик соҳа бўйича очиқ дарс олиб борилган.

Ипакчилик ва тутчилик ҳамда **Ўзбек тили ва адабиёти** кафедралари 2025-2026 ўқув йилининг **ўтган беш ойи давомида илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлардан ходимларининг ўқув жараёнига жалб этилишига сусткашлик билан қараган ҳамда бирорта мутахассис жалб этмаган.**

9. Кафедраларнинг илмий салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасини илмий салоҳияти 2025-2026 ўқув йили бўйича **24 %** ни ташкил этиб, шундан кафедрада фаолият юритаётган жами 14 нафар профессор - ўқитувчлардан 1 нафари илмий даражага эга. Кафедрада илмий унвон олган ўқитувчилардан 1 нафари профессор, 2 нафари доцент илмий унвонини олган. Кафедрада ҳимоя қилмаган ўқитувчилар масаласида 2025-2026 ўқув йилида чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ушбу режага мувофиқ 2026 йилда 2 нафар ўқитувчи (М.Нуриддинова, Г.Бурханова) ва 2027 йилда 2 нафар (Ф.Ашурова, М.Аширматова) ларни ҳимоя қилиши кўзда тутилган ва 4 нафар ўқитувчиларнинг йиғма жилдлари мавжуд бўлиб, унда топширган малакавий имтиҳонлари гувоҳномалари, кафедра семинари баённомаси, мавзу эълон қилинган бюллетен нусҳалари мавжуд. Шу билан бир қаторда кафедра ўқитувчиларидан Н.С.Мамасолиева, Ю.Б.Бобоев, М.Ғ.Муханова, С.Т.Нурманова, М.Е.Икрамов, Д.Б.Мирзалиева, Р.Х.Алибекова ва Н.К.Аминбоевалар илмий тадқиқот иши якунламаган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси **93 %** илмий салоҳиятга эга бўлиб, кафедрада фаолият юритаётган жами 14 нафар профессор - ўқитувчидан 13 нафари илмий даражага эгадир. Шундан 3 нафари фан доктори, қолган 10 нафари

фан номзоди ва қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган. Кафедрада ҳимоя қилмаган ўқитувчилар масаласида 2025-2026 ўқув йилида чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, фақат 1 нафар катта ўқитувчи С.У.Саматова илмий тадқиқот ишини якунламаган.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси 75 % илмий салоҳиятга эга бўлиб, кафедрада фаолият юритаётган жами 26 нафар профессор-ўқитувчилардан 20 нафари илмий даражага эгадир. Шундан 5 нафари фан доктори, қолган 15 нафари фан номзоди ва қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган. Кафедрада ҳимоя қилмаган профессор-ўқитувчилар масаласида тўхталадиган бўлсак, 2025-2026 ўқув йилида чора тадбирлар режасига мувофиқ, 2026-йилга ҳимоя қилиши кутилаётган 5 нафар профессор-ўқитувчилар У.Ходжаев, Д.Ғуломжонов, Р.Трояновская, Ж.Еримбетова ва Х.Эргашевлар ҳимоя қилиши кутилмоқда. Шу билан бир қаторда А.Алимова, Г.Рахматова, Х.Худайберганова ва И.Абдувосиковлар илмий тадқиқот ишларини якунламаган.

Ветеринария медицинаси кафедраси **58,8 %** илмий салоҳиятга эга бўлиб, кафедрада фаолият юритаётган жами 20 нафар профессор -ўқитувчидан асосий штатда 4 нафар фан доктори, 5 нафар нафари фан номзоди ва қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган. Кафедрада ҳимоя қилмаган ўқитувчилар масаласи бўйича 2025-2026 ўқув йилида чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шунга асосан кафедра ўқитувчиларидан А.Амиров ва У.Мақсудовлар жорий ўқув йилида ҳимоя қилиши режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда, кафедранинг мустақил изланувчилари ва стажор ўқитувчиларидан Ф.Болтаев, А.Маматқулов, З.Холмирзаев, Г.Тўхтабоева, Ю.Мингишев, А.Нурмухаммедов, К.Абдилҳакимовлар илмий тадқиқот ишларини дастур асосида олиб боришмоқда. Аммо, кафедра катта ўқитувчиси М.Сафаров илмий тадқиқот ишини якунламаган ва бир неча йиллар ўтган бўлсада ҳимоя қилмаган.

10. Факулътетга бириктирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларида 2025/2026-ўқув йили қабул натижалари, ажратилган квоталарнинг тўлдирилганлик ҳолати.

Hemis-ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида олинган маълумотлар.

Кундузги таълим шакли

T/r	Шифри	Таълим йўналиш номи	Квота	Бажарилган лик ҳолати	% да
1	60811700	Ипакчилик ва тутчилик	75	23	30,7
2	60830100	Сув биоресурслари ва аквакултура	50	15	30
3	60840100	Ветеринария медицинаси	75	41	54,7
4	60840300	Ветеринария санитария экспертизаси	25	12	48
5	60810800	Зооинженерия	100	39	39

Кечки таълим шакли:

T/r	Шифри	Таълим йўналиш номи	Квота	Бажарилган-лик ҳолати	% да
1	60811700	Ипакчилик ва тутчилик	25	5	20,0
2	60830100	Сув биоресурслари ва аквакултура	25	11	44
3	60840100	Ветеринария медицинаси	40	12	30,0
4	60840300	Ветеринария санитария экспертизаси	25	6	24
5	60810800	Зооинженерия	25	5	20

11. Кафедраларда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, олий таълим муассасаси ҳамда тармоқ ташкилотлари ўртасида амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари.

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси бўйича: Кафедрада фан, ишлаб чиқариш ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик лойиҳалари қилинган, аммо жорий ўқув йили учун ҳамкорлик шартномаси қилинмаган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси 2024-2025 йилда профессор-ўқитувчилари билан Ипакчилик илмий тадқиқот институти олимлари ҳамкорлигида 1 та амалий лойиҳа бажарилган, аммо 2025-2026 ўқув йилида фаолият кўрсатаётган лойиҳалар йўқ.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида 2025-2026 ўқув йилида жами 2 та халқаро лойиҳа фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан биринчиси Жанубий Корея давлати билан ҳамкорлигидаги “Ақлли асалари оиласи тизим технологиясини қўллаш ҳамда асаларичилик ресурсларини ривожлантириш ва такомиллаштириш” мавзусидаги 1 миллион 280 минг АҚШ долларлик лойиҳа, иккинчиси Словения давлати билан ҳамкорликда “Асаларичилик ва асал ишлаб чиқариш соҳасида билимлар ва кўникмалар билан алмашинув” мавзусидаги лойиҳа бюджети 250 минг евро миқдоридаги халқаро лойиҳа бажарилмоқда.

“Ветеринария медицинаси” кафедрасида 2025-2026 ўқув йилида жами 1 та халқаро лойиҳа ***ERASMUS*** дастури танлови бўйича **“VET-VERTUAL”** лойиҳасини қўлга киритган ва молиялаштириш босқичига тавсия этилган.

12. Кафедраларда хўжалик шартномалари, илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштирилганлиги.

“Ўзбек тили ва адабиёти” Кафедраси томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузилмаган ва 2025-2026 ўқув йили бўйича пул тушуми бажарилмаган.

Ипакчилик ва тутчилик Кафедраси ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерлар билан хўжалик шартномаларини тузган бўлиб, 2024-2025 ўқув йили бўйича 14 800 000 сўм пул тушумини амалга оширган. Жорий ўқув йилида Тошкент вилояти Бўка тумани жойлашган ”Ташкент Силк Про“ МЧЖ билан ҳамкорлик шартномаси йўлга қўйилган бўлиб, шунга асосан йил якунигача 75 000 000 сўм пул тушуми бажарилиши кутилмоқда.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерлар билан хўжалик шартномаларини тузган бўлиб, 2025-2026 ўқув йили бўйича Тошкент вилояти Бўка тумани “OQSUV AGRO

CHORVASI” фермер хўжалигидан 5700000 сўм, “GLOBAL ADVISORS” MChJдан 10 000 000 сўм, “AQUA AGRO TECH” компанияси томонидан 30 000 000 сўм, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан “AKADEMIK HARAKATCHANLIK” дастури бўйича 82 000 000 сўм пул тушумини амалга оширган бўлиб, 2026 йил давомида жами 179 000 000 сўм пул тушуми тузилган шартномаларга асосан тижоратлаштирилган.

Ветеринария медицинаси кафедра бўйича 2025-2026 ўқув йилида тижоратлаштириш бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ва маъсулияти чекланган жамиятлар билан шартномалар тузилган, аммо пул тушуми бажарилмаган **(18.02.26 санада пул туширилган.** Шартнома рақами 10182428991).

13. Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида (фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимида) ги иштироки.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимидаги иштироки юзасидан кафедрада 2025 ҳамда 2026-йилларда илмий салоҳиятни ошириш мақсадида йўл харитаси тасдиқланган, кафедра ўқитувчилари томонидан мақолалар чоп этилиб борилмоқда.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимидаги иштироки юзасидан чоп этилган мақолала бор, фаолиятдаги лойиҳалар мавжуд эмас.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида фундаментал, амалий ва бошқа илмий тадқиқотлар кесимидаги иштироки юзасидан чоп этилган мақолала бор. Бироқ жорий ўқув йилида фаолиятдаги лойиҳалар мавжуд эмас.

Ветеринария медицинаси кафедраси Профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида асосан биргаликда 2025-йилда чоп эттирган мақолалар мавжуд.

14. Профессор-ўқитувчиларнинг бажарган ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишлари (фундаментал, амалий ва бошқа илмий-тадқиқот кесимидаги иштироки), дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик ишланмалар, маҳаллий ва халқаро нашрларда, импакт-факторли (Scopus, Web of Sciense va h. журналлардаги мақолалари), иқтибослик даражаси.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида 2024-2025 ўқув йилида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан бажарилган ўқув-услубий ишлар:

- 4 та дарслик
- 3 та ўқув қўлланма
- 1 та Қишлоқ хўжалиги ўқув терминларининг русча-ўзбекча луғати
- 22 та ОАК (маҳаллий) мақолалар
- 22 та ОАК (хорижий) мақолалар
- 15 та конференцияларда тезислар
- 15 та хорижий мақолар (Scopus va Impafaktor) чоп эттирилган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида **14 банд** бўйича чоп этилиши режалаштирилган ўқув адабиётлар ва мақолалар рўйхати назорати бўйича;

Монография, ўқув қўлланма, дарслик, маҳаллий журналларда, тезислар, халқаро журналлар ва Scopus (базасидаги журналларда) мақолалар берилган нашр жараёнида.

“Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар” кафедраси 2024-2025 ўқув йилда профессор-ўқитувчилар томонидан:

- 3 та монография
- 12 та ўқув қўлланма
- 5 та дарслик
- 24 та маҳаллий журналларда
- 60 та тезислар
- 14 халқаро журналларда
- 8 та Scopus (базасидаги журналларда) чоп эттирилган.

Ветеринария медицинаси кафедрада **14 банд** бўйича чоп этилиши режалаштирилган ўқув адабиётлар ва мақолалар рўйхати назорати бўйича;

Монография, ўқув қўлланма, дарслик, маҳаллий журналларда, тезислар, халқаро журналлар ва Scopus (базасидаги журналларда) мақолалар берилган нашр жараёнида.

15. Кафедрада “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйилганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар бандлигини таъминлашдаги иштироки, иқтидорли ёшлар ташқи ва номдор стипендиантлар тайёрланиши (илмий тўгараклар мавжудлиги).

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйилганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар бандлигини таъминлаш мақсадида кафедрада икки дона илмий тўғарак “Началное обучения русского язика” ҳамда “Адабиёт портрети” деб номланган тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган ва ўқув ва иш режалари ҳамда жалб этилган талаба-ёшлар рўйхати тасдиқланган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйилган, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар бандлигини таъминлаш мақсадида кафедрада икки дона “Serikulture” ҳамда “Морус” номланган илмий тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган ва ўқув ва иш режалари ҳамда жалб этилган талаба-ёшлар рўйхати мавуд ҳамда 1 нафар Президент стипендианти соҳиби бор.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида “Устоз-шогирд” тизими юзасидан 2025-2026-ўқув йили учун талабалар профессор-ўқитувчиларга бириктрилган тасдиқланган маълумотлар бор йўлга қўйилган профессор-ўқитувчилар талаба-ёшлар билан биргаликда ишларни олиб боришмоқда.

Ветеринария медицинаси кафедраси “Устоз-шогирд” тизимининг йўлга қўйиш мақсадида 1-босқич магитр талабалар учун диссертация мавзулари учун профессор-ўқитувчилар бириктирилган ишлар олиб борилмоқда, “Жарроҳлар клуби” тўгараги фаолият олиб бормоқда ҳамда 1 нафар стипендиант мавжуд.

16. Профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги, кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳитини, педагогларнинг ахлоқий сифатларини мунтазам равишда (сўровнома асосида) таҳлил қилиниб борилганлиги.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида Профессор-ўқитувчилар маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилган ойлик тадбирлар баённомалари

тасдиқланган ҳамда кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳитини, педагогларнинг ахлоқий сифатларини аниқлаш мақсадида онлайн аноним сўровнома асосида таҳлил қилинган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида Профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги юзасидан баённомалар мавжуд. Кафедрадаги маънавий-ахлоқий муҳитини, педагогларнинг ахлоқий сифатлари сўровнома асосида **таҳлил қилиниб борилмаган.**

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида Профессор-ўқитувчилар маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилган ойлик тадбирлар баённомалари тасдиқланган. Бироқ маънавий-ахлоқий муҳитини, педагогларнинг ахлоқий сифатларини аниқлаш **мақсадида онлайн аноним сўровнома олинмаган.**

Ветеринария медицинаси кафедраси профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларга жалб этилганлиги юзасидан 2025-йилнинг август, сентябрь ҳамда октябрь ойлари учун тасдиқланган баённомалар бор, ноябрь, декабрь, январь ва февраль ойларига бирорта баённома **мавжуд эмас** тасдиқланмаган.

17. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ички тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари билан танишганлик ва амал қилиши ҳолати.

Ветеринария медицинаси кафедраси 2025-2026-ўқув йилида кафедрада фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилари университет ички тартиб қоидалари билан **таништириш ишлар олиб борилмаган**.

18. Профессор-ўқитувчиларнинг жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда иштироки.

Факультетга тегишли кафедраларда профессор-ўқитувчиларнинг жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда иштироки таъминлаган ҳамда ойлик баённомлар тасдиқланган.

19. Факультет ва кафедраларда архив ҳужжатларини юритилиш ҳолати.

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси бўйича: Кафедранинг кабинет мудири томонидан архив ҳужжатлари ўқув йиллари кесимида ўз муддатида топширилган ва йиғма жилддаги ҳужжатлар намунали даражада тикилган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида мустақил иш, амалиёт ҳисоботлари ва курс ишларини архивга топшириш ҳолати ўрганилганда, мазкур кафедранинг кабинет мудири томонидан 2024/2025 ва 2025-2026 ўқув йиллари бўйича барча турдаги архив ҳужжатлари ўз вақтида топширилган ҳамда йиғма жилд папкасида меъёрий ҳужжатларнинг сақланиши намунали даражада.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида мустақил иш, амалиёт ҳисоботлари, курс ишлари ва якуний назорат дафтарларини архивга топшириш ҳолати ўрганилганда, мазкур кафедранинг кабинет мудири томонидан 2025-2026 ўқув йиллари бўйича барча турдаги архив ҳужжатлари ўз вақтида топширилган ҳамда йиғма жилд папкасида тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар намунали даражада тикилган.

Ветеринария медицинаси кафедрасида жорий ўқув йили учун кириш-чиқиш ҳужжатларни юритиш дафтари тутилган ва тўғри расмийлаштирилган. Кафедрага келиб тушган буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар махсус дафтарга қайд этилган ҳамда ижросини бажаришга маъсулларни имзоси қўйилган.

20. Факулътет ва кафедраларга келиб тушган ариза ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқилиши.

“**Ўзбек тили ва адабиёти**” кафедраси бўйича: кафедрада кириш-чиқиш ҳужжатларни юритиш дафтари тўғри расмийлаштирилган, аммо дафтарда ўқув йиллари кўрсатилмаган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида кириш-чиқиш ҳужжатларни юритиш дафтари мавжуд бўлиб, 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб юритилмоқда ва барча келиб тушган буйруқлар ҳамда ҳужжатлар дафтарга ўз вақтида қайд этиб борилган ва имзоланган.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасида кириш-чиқиш ҳужжатларни юритиш дафтари 2025-йил сентябр ойидан бошлаб тутилган ва тўғри юритилмоқда.

Ветеринария медицинаси кафедрасида жорий ўқув йили учун кириш-чиқиш ҳужжатларни юритиш дафтари тутилган ва тўғри расмийлаштирилган. Кафедрага келиб тушган буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар махсус дафтарга қайд этилган ҳамда ижросини бажаришга маъсулларни имзоси қўйилган.

21. Факультет ва кафедраларда йиғма жилдлар номеклатурасини юритилиши, https://edo.ijro.uz/ тизими орқали келиб тушган ҳужжатларнинг бажариш ҳолати.

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси бўйича: Навбатдаги кафедранинг номенклатура йиғма жилд ҳужжатлари ҳолати ўрганилганда қуйидаги папкаларда камчиликлар борлиги аниқланди:

Шундан, 14-1-16 (2025-2026 ўқув йили учун янги ҳамкорлик шартномалари қилинмаган ва йиғма жилдга тикилмаган), 14-1-21 (фаолият кўрсатаётган ТИЖни йиллик иш режаси ва тўгаракларни октябр- январ ойлари учун баённомалари **йўқ бўлиб**, йиғма жилд папкасига тикилмаган), 14-1-22 (кириш ва чиқиш ҳужжатларни қайд қилиш дафтарида **ўқув йиллари кўрсатилмаган** каби йиғма жилд папкаларида камчиликлар борлиги аниқланди.

Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида номенклатура йиғма жилд ҳужжатлари ҳолати ўрганилганда қуйидаги папкаларда камчиликлар борлиги аниқланди:

Шундан, 14-1-16 (Шартномалар йиллар кесимида тикилмаган), 14-1-18 (Ўқув режада белгиланган курс ишлари, БМИ ва магистрлик ишининг илмий мавзулар жадвали ва бажариш бўйича услубий кўрсатма тикилмаган) 14-1-20 (Папкада илмий тадқиқотчилар тўғрисида маълумотлар йўқ) 14-1-21 (ТИЖ фаолияти бўйича йиллик иш режа ва тегишли меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас) каби йиғма жилд папкаларида камчиликлар борлиги маълум бўлди.

Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедрасини номенклатура йиғма жилд ҳужжатлари ҳолати ўрганилганда қуйидаги папкаларда камчиликлар

борлиги аниқланди:

14-2-5 (Жорий ўқув йили учун кафедранинг лавозим йўриқномалари тикилмаган), 14-2-20 (таянч докторантлар ва мустақил изланувчилар тўғрисидаги маълумотлар тикилмаган) каби йиғма жилд папкаларида камчиликлар борлиги аниқланди.

Ветеринария медицинаси кафедрасининг номенклатура йиғма жилд ҳужжатларининг ҳолати ўрганилганда қуйидаги папкаларда камчиликлар борлиги аниқланди:

14-2-6 (Кафедранинг йиллик иш режаси тасдиқланмаган), 14-2-18 (БМИ мавзуларини буйруғи ва кафедра баённомаси тикилмаган каби йиғма жилд папкаларида камчиликлар борлиги маълум бўлди.

ЛОЙИҲА

Юқорида берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ишчи гуруҳ раиси – Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси профессори С.А.Турдиевнинг Зооинженерия факультетининг ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Зооинженерия факультети ва кафедраларида олиб борилган ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлари ҳамда меъёрий **ҳужжатларининг юритилиши қониқарсиз деб топилсин.**

3. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири С.Халмирзаева, Ипакчилик ва тутчилик кафедраси мудири Қ.Жумағулов, Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси мудири Б.Кахрамонов, Ветеринария медицинаси кафедраси мудири Б.Ўлмасовлар кафедраларда ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ҳамда меъёрий ҳужжатларининг юритилишини тўғри ташкил этмаганлиги учун _____ чораси кўрилсин.

4. Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи С.Хамдамовага:

Кафедра мудирлари С.Халмирзаева, Қ.Жумағулов, Б.Кахрамонов, Б.Ўлмасовга нисбатан қўлланган _____ чораси бўйича Университет ректори буйруғини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Зооинженерия факультети декани Х.Донаев, ҳамда тегишли кафедра мудирлари С.Халмирзаева, Қ.Жумағулов, Б.Кахрамонов, Б.Ўлмасовларга:

10 кун муддатда факультет таркибидаги барча кафедраларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш;

фан дастурлари, силлабуслар ва ўқув-услубий ҳужжатларни меъёрий талабларга тўлиқ мувофиқлаштириш;

HEMIS тизимида юритиш интизомини кучайтириш ва қизил белгиланган дарсларни бартараф этиш;

илмий лойиҳалар ва хўжалик шартномалари сонини ошириш бўйича аниқ кўрсаткичлар белгилаш;

фан дастурлари ва адабиётлар рўйхатини алифбо талаблари асосида тўғри расмийлаштириш;

БМИ, магистрлик ишлари ва курс ишлари бўйича услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

лаборатория машғулотлари учун методик қўлланмаларни яратиш;

номенклатура йиғма жилдларини тўлиқ шакллантириш ва https://edo.ijro.uz/ тизими орқали келган ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари ва ўқув юкламаларини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири С.Халмирзаевага:

илмий даражага эга бўлмаган профессор-ўқитувчиларнинг ҳимоясини жадаллаштириш;

халқаро ва республика миқёсидаги лойиҳаларда иштирокини таъминлаш;

Scopus ва бошқа халқаро базалардаги мақолалар сонини ошириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқсин.

7. Зооинженерия факультети декани Х.Донаев:

Факультетда талабалар давомати ва дарс сифати устидан назоратни кучайтирсин, дарсларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасини оширсин.

Илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни кенгайтириш, талабалар амалиётини тўлиқ қамраб олиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш далолатномаларини расмийлаштиришни таъминласин.

Маънавий-маърифий ишлар, “Устоз-шогирд” тизими ҳамда ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши бўйича тизимли мониторингни йўлга қўйсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўқув ишлари бўйича проректор С.Бобоевга юклатилсин.

IX. ТУРЛИ МАСАЛАЛАР

9.1-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йил битирувчилари учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссия раисларини тасдиқлаш тўғрисида

Маърузачи: Ўқув ишлари бўйича проректор С.Бобоев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13-декабрдаги 836-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ, якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислигига номзодлар мутахассислик кафедралари мудирлари томонидан белгиланган тартибда танлаб олиниши ҳамда тасдиқлаш учун олий таълим муассасаси ректорига тақдим этилиши назарда тутилган.

Мазкур меъёрий талаблардан келиб чиққан ҳолда, университетда таълим жараёнининг сифатини таъминлаш, битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини холис ва шаффоф баҳолаш, шунингдек, якуний давлат аттестацияси жараёнларини самарали ташкил этиш мақсадида 2026 йил битирувчилари учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиялари (ЯДА) раислари рўйхатини шакллантириш ишлари амалга оширилди ва 1-иловага мувофиқ ишлаб чиқилди.

Жумладан, мутахассислик кафедра мудирларининг асосланган таклифларига мувофиқ, якуний давлат аттестацияси ЯДА комиссиялари раислигига юқори малакали, илмий салоҳияти етарли, соҳада катта тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш ва амалий фаолият соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган мутахассислар номзодлари тавсия этилди. Бунда комиссиялар фаолиятида холислик ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида, асосан бошқа олий таълим ташкилотларида ёки ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритаётган тажрибали олимлар ва мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шакллантирилган ЯДА раислари рўйхати амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқ бўлиб, битирувчиларнинг билим, кўникма ва малакасини холис баҳолаш, таълим сифатини ошириш ҳамда олий таълим муассасасининг нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2026 йил битирувчилари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиялари (ЯДА) раислари рўйхатини тасдиқлаш масаласини Университет Кенгаши муҳокамасига киритиш ҳамда белгиланган тартибда қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Юқоридаги берилган таклифларга асосан Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йил битирувчилари учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссия раисларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўқув ишлари бўйича проректор С.Бобоевни ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йил битирувчилари учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссия (ЯДА) раисларини рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўқув–услубий бошқарма бошлиғи А.Сафаров, Таълим сифатини таъминлаш бўлими бошлиғи Н.Номозов, Билим ва малакаларни баҳолаш маркази раҳбари У.Ходжаев, Магистратура бўлими бошлиғи У.Балласов, факультет деканлари ва кафедра мудирларига:

якуний давлат аттестациясини ўрнатилган тартибда ташкил этиш;

битирувчиларни якуний давлат аттестацияси синовларига тайёргарлик кўришларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда маслаҳатлар бериб бориш;

якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари, баҳолаш мезонлари, консултация бериш жадвалларини тасдиқлаш ҳамда битирувчилар эътиборига (университетнинг расмий веб–сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали) етказиш вазифалари юклатилсин.

4. Якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари якуний давлат аттестациясини ўрнатилган тартибда, адолатли, шаффоф, ҳаққоний, талаб даражасида ва иш берувчи ташкилотларнинг малакали мутахассислари иштирокида ўтказилишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Тошкент давлат аграр университети
Кенгашининг 2026 йил __-мартдаги
8/9-сонли баённига 1-илова

Тошкент давлат аграр университетининг 2026 йил битирувчилари учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссия раислари
РЎЙХАТИ

№	Таълим йўналиши (мутахассислик) шифри ва номи	Комиссия раиси Ф.И.Ш.	Комиссия раисининг иш жойи, лавозими, унвони
Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича			
1	60112400–Профессионал таълим (Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича)), 60810900–Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича)	Бозоров Холмурод Махмудович	Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
2	70810402–Ўсимликшунослик, 70810403–Органик деҳқончилик ва озиқ–овқат хавфсизлиги, 70810401–Агрономия		
3	60811200–Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги	Чоршанбиев Нурали Эсонпўлатович	Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий–тадқиқот институти, “Экологик генетика” лабораторияси бош илмий ходими, Биология фанлари доктори, доцент
4	70810601–Селекция ва уруғчилик		
5	60711400–Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида), 60711000–Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича), 60810400–Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш	Эркинов Баходир Наримановich	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти Интеллектуал энергия тизимлари, энергетик тизимлар ва қувватларни интегрaвиялаш илмий лабараторияси раҳбари, PhD
6	70710901–Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш		
7	60610200–Ахборот тизимлари ва технологиялари (қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялар)	Кахаров Шукрулло Саъдулло ўғли	Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий–тадқиқот институти, “Биометрик тизимлар” лабораторияси мудири, PhD, доцент
8	70610104–Геоахборот тизимлари ва технологиялари		
9	60112400–Профессионал таълим (Тупроқ бонитировкаси ва ер ресурсларидан фойдаланиш), 60810800–Тупроқ бонитировкаси ва ер ресурсларидан фойдаланиш,	Ниязметов Умидбек Худайберганович	Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Илмий ишлаб чиқариш бўлими

№	Таълим йўналиши (мутахассислик) шифри ва номи	Комиссия раиси Ф.И.Ш.	Комиссия раисининг иш жойи, лавозими, унвони
	60810700–Агрокимё ва агротупроқшунослик		бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди
10	70721601– Ерни масофадан зондлаш GAT–технологиялари, 70810201–Агротупроқшунослик ва агрофизика, 70810202–Агрокимё, 70810203– Тупроқшунослик, 70811601–Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш		
11	60112400–Профессионал таълим (Ўсимликлар ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)), 60811000– Ўсимликлар ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича), 60811100– Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини	Хўжаев Отабек Темирович	Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим
12	70810501– Ўсимликлар ҳимояси ва карантини, 70810502– Энтомология, 70810503– Фитопатология		
13	60710200–Биотехнология (тармоқлар бўйича)	Халилов Илхом Маматқулович биология фанлари доктори	ЎзРФА Микробиология институти Фитопатология ва бионазорат лаборатория мудири
14	70710201–Биотехнология, 70810404–Агробиотехнология		
15	60811800–Мевачилик ва узумчилик	Ахмедов Шухрат Махмутович	Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий–тадқиқот институти Мева ва узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
16	70811001–Мевачилик, 70811002– Узумчилик ва виночилик		
17	60811900–Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик, 60812000– Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш	Мирзасолиев Мирзаосимжон Мирзасоипович	Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий–тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим
18	70811003– Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик		
19	60710400–Экология ва атроф–муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалиги)	Буриев Салимжон Самеджанович	GREEN университети қошидаги Атроф–муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий–тадқиқот институти, директор ўринбосари, доцент, қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди
20	70520202 – Экология, 70520204– Яйловлар экологияси ва менежменти, 70520101 – Метеорология		

№	Таълим йўналиши (мутахассислик) шифри ва номи	Комиссия раиси Ф.И.Ш.	Комиссия раисининг иш жойи, лавозими, унвони
21	60811700–Ипакчилик ва тутчилик	Жуманиёзов Мансурбек Шомуродович	Ипакчилик илмий тадқиқот институти Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, қ.х.ф.б.ф.д., (PhD) катта илмий ходим
22	70810901–Ипакчилик ва тутчилик		
23	60811500–Зооинженерия (асаларичилик, балиқчлик қорамолчилик, қоракўлчилик, паррандачилик), 60830100–Сув биоресурслари ва аквакултура	Бахриддинов Фаёз Бахриддинович	Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот иниститути лаборатория мудири, қ.х.ф.д., ката илмий ходим
24	70810801– Паррандачилик, 70810802– Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг селекцияси ва наслчилик, 70810803– Чорвачилик, 70830101– Балиқчилик		
25	60840100–Ветеринария медицинаси (ҳайвонот турлари бўйича)	Шакарбоев Эркин Бердиқулович	ЎзРФА Зоология институти илмий котиби, биология фанлари доктори, профессор
26	70840101–Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш, 70840102–Ветеринария жарроҳлиги, 70840301–Ветеринария санитарияси, ветеринар–санитарлик экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси		
27	60112400–Профессионал таълим (Ўрмончилик), 60820100–Ўрмончилик, 60820200–Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш	Эшанкулов Бобомурод Инаятович	Ўрмон хўжалиги илмий–тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
28	70820101–Ўрмончилик		
29	70820102–Манзарали боғдорчилик ва ландшафт		
30	60812100–Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси	Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академик С.Й. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти диерктори Техника фанлари доктори, академик
31	70811101–Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси		
32	60112400–Профессионал таълим (60811300–Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)), 60811300–Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича), 60720100–Озиқ–овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	Хўжамшукуров Нортожи Абдухаликович	Тошкент кимё технология институти Биотехнология кафедраси профессори, биология фанлари доктори, профессор
33	70720101–Озиқ–овқат технологияси, 70810701– Қишлоқ хўжалик		

№	Таълим йўналиши (мутахассислик) шифри ва номи	Комиссия раиси Ф.И.Ш.	Комиссия раисининг иш жойи, лавозими, унвони
	маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси		
34	60711300–Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, 60811400–Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш	Абдикаюмов Абдуроуф Абдурашидович	“Ўзбекистон стандартлар институти” ДМ директори., техника фанлари бўйича фалсафа доктори
35	70710801–Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси, 70720102–Озиқ–овқат хавфсизлиги		
36	60412400–Агробизнес ва инвестицион фаолият, 60411600–Корпоратив бошқарув, 60411700–Логистика (агрологистика), 61010400–Туризм (агротуризм)	Садуллаев Улуғбек Норқулович	Озиқ–овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази, иқтисодий ва сиёсий таҳлил бўлими бошлиғи и.ф.ф.д. (PhD) катта илмий ходим, доцент
37	70410801–Менежмент, 70410901–Бизнесни бошқариш (Мастер оф Бусинесс Админстратион – МБА), 71010101–Туризм ва меҳмондўстлик, 71010401–Логистика		
38	60410100–Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалиги)	Мелиев Исроил Исмоилович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
39	70410201–Бухгалтерия ҳисоби		
40	60310100–Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида), 60310500–Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 60412500–Маркетинг (қишлоқ хўжалигида)	Эргашев Эркин Ироқович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Минтақавий иқтисодиёт кафедраси мудири, и.ф.д. (DSc), профессор
41	70410102–Иқтисодиёт, 70410106–Биоиқтисодиёт, 70410109–Иқтисодий хавфсизлик, 70410100–Рақамли иқтисодиёт, 70411201–Маркетинг		
42	60420100–Юриспуриденция (қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи)	Отажонов Аброржон Анварович	Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш шўбаси (кафедраси) мудири, юридик фанлар доктори, профессор
43	Бакалавриат таълим йўналишлари 1–курс рус гуруҳлари бўйича	Келдиярова Гулчеҳра Сайдиевна	Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

9.2-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университети ректори томонидан 2026 йил I-ярим йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалар тўғрисидаги иш режасини тасдиқлаш тўғрисида

Маърузачи: Ректор Н.Обломурадов

Сизларни эътиборингизга Тошкент давлат аграр университетида **2026 йил I-ярим йилликда амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар бўйича иш режасини** тақдим этмоқдаман.

Ушбу иш режа Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таълим ва аграр соҳани янада ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар, амалдаги давлат дастурлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг топшириқ ва кўрсатмалари, шунингдек, университетимизнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегик ривожланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда 2-иловага мувофиқ ишлаб чиқилди.

Иш режада, энг аввало, **ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш**, хорижий тажриба ва юқори малакага эга мутахассисларни жалб этиш, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқодчиларнинг халқаро илмий базаларда фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, **таълим сифатини ошириш**, ўқув дастурларини ТОП–300 талик университетлар тажрибаси асосида қайта кўриб чиқиш, замонавий педагогик технологиялар ва дуал таълим тизимини жорий этиш, талабалар учун ҳақ тўланадиган амалиётларни ташкил этиш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсад қилиб олинган.

Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият йўналишида “**Яшил кампус**” лойиҳасини амалга ошириш, илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш ва тижоратлаштириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда университет илмий нашрларининг нуфузини ошириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, **маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш**, талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам иш режанинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажировка ва амалиётларда иштирокини кенгайтириш, шунингдек, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, янги ўқув бинолари ва спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш ишлари ҳам режада ўз аксини топган.

Мазкур иш режанинг тасдиқланиши ва унинг изчил ижроси университетимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда аграр соҳада замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан, 2026 йил I-ярим йилликга мўлжалланган устувор вазифалар бўйича иш режасини маъқуллаб, тасдиқлашингизни сўрайман.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент давлат аграр университети ректори томонидан тақдим этилган 2026 йил I-ярим йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалар бўйича иш режаси **маъқуллансин** ва 2-иловага мувофиқ **тасдиқлансин.**

Иш режада назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида, тўлиқ, сифатли ижросини таъминлаш университетнинг барча проректорлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов, Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Ж.Лапасов, Халқаро ҳамкорлик, стратегик ривожланиш ва трансформация бўйича проректор А.Абдувасиков, ҳамда Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Д.Мамадияровларга:

Масъул ижрочилар томонидан иш режада белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, эришилган натижалар, юзага келаётган муаммолар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича университет ректорига тегишли ахборот ва таҳлилий маълумотлар киритиб борилишини таъминлаш, иш режа ижроси бўйича доимий мониторинг ўрнатиш, белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор ижросини умумий назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман.

Тошкент давлат аграр университети
Кенгашининг 2026 йил _ мартдаги 8/9-
сонли баённомасига 2-илова

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Масъуллар
I. Ташкилий-бошқарув фаолиятни такомиллаштириш			
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифи давомида таълим ва аграр соҳани ривожлантириш бўйича берган топшириқлари ижросини таъминлаш.	Февраль-март	Университет ректори (Н.Обломурадов)
2.	Университетга хорижий тажриба ва юқори малакага эга бўлган педагог ва мутахассисларни жалб қилиш.	Январь-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
3.	Профессор ўқитувчилар ва тадқиқодчиларнинг халқаро электрон кутубхоналари ORCID, Researchgate, Scopus, Web of Sciense ва илмий-техник базаларига аъзолигини ташкил этиш.	Январь-май	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Султонов)
II. Ўқув жараёнини ташкил этиш таълим сифатини таъминлаш, янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини жорий этиш			
4.	Агрономликни ёшлар ўртасида жозибадор касблардан бирига айлантириш мақсадида 2026 йилда “Янги агроном” тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш	Февраль-июнь	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
5.	Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув дастурларини ТОП-300 талик рўйхатга кирган университетлар тажрибаси асосида қайта ишлаб чиқиш.	Март-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
6.	ТОП-300 талик рўйхатга кирган университетлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича 30 та фаннинг ўқув контентларини такомиллаштириш.	Май-июнь	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
7.	Профессор-ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш мақсадида “Энг яхши педагог” танловини ўтказиш.	Апрель-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
8.	Институт талабаларига ҳақ тўланадиган амалиётларни ташкил қилиш.	Апрель-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
9.	Камида 2 та таълим йўналиши бўйича илғор корхона ва ташкилотлар билан дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.	Апрель-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
10.	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида университетда дуал таълим тизимини ривожлантириш.	Апрель-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
11.	Университет, талабалар ва корхоналар тадбиркорлар ўртасида vork-shopларни ташкил этиш	Февраль-май	Ўқув ишлари бўйича проректор (С.Бобоев)
III. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда илмий ишлар натижадорлигини таъминлаш			
12.	Илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ва тижоратлаштириш кўламини ошириш.	Январь-май	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Султонов)

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Масъуллар
13.	5 нафар докторантлар ва илмий ходимларни етакчи хорижий ОТМлар ва илмий марказларга стажировкага юбориш.	Январь-май	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Султонов)
14.	Университет муассислигидаги илмий-амалий журналлар сони ва нуфузини ошириш.	Январь-май	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (К.Султонов)
IV. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш			
15.	Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг маънавий-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра суҳбатларини ташкил этиш.	Февраль - май	Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (Ж.Лапасов)
16.	Университетда таҳсил олаётган талаба-ёшларни “Китобхонликка” кенг жалб этиш.	Февраль - май	Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (Ж.Лапасов)
17.	Талаба-ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ташкил этиш.	Январь-июнь	Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (Ж.Лапасов)
18.	Университет талаба-ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг юқиш йўллари, ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган “Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” мавзусида давра-суҳбатлари ташкил этиш.	Февраль-май	Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (Ж.Лапасов)
V. Халқаро ҳамкорликни ташкил этиш ва ривожлантириш			
19.	Университетнинг 15 нафар талабасини Польша, Хитой ва бошқа мамлакатларда ҳақ тўланадиган амалиёт дастурларида иштирокини ташкил этиш.	Январь-май	Халқаро ҳамкорлик, стратегик ривожланиш ва трансформация бўйича проректор (А.Абдувасиков)
20.	Университетнинг 50 нафар профессор-ўқитувчиларини Европа Иттифоқи, Туркия, Хитой, Россия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларига юбориш, шундан 15 нафар ёш профессор-ўқитувчилар ҳамда докторантларни мақсадли хорижий стажировка ва малака оширишга юбориш.	Февраль-май	Халқаро ҳамкорлик, стратегик ривожланиш ва трансформация бўйича проректор (А.Абдувасиков)
21.	Work and Travel дастури асосида 80 нафар талабани Германия ва Болгария давлатларига юбориш.	Февраль-май	Халқаро ҳамкорлик, стратегик ривожланиш ва трансформация бўйича проректор (А.Абдувасиков)
VI. Моддий-техника базани мустаҳкамлаш			
22.	Университетда барқарорлик ва экологик самарадорлик кўрсаткичларини кўтариш бўйича “Яшил кампус” лойиҳасини амалга оширишда яшил	Январь-май	Молия-иқтисод ишлари проректор (Д.Мамадияров)

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Масъуллар
	экинзорлар майдонини кенгайтириш, энергия тежамкорлигига эришиш, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш, сув - тежамкор технологияларни жорий этиш, транспорт воситаларини тартибга солиш ишларини ўз ичига олган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.		
23.	Янги замонавий 5-қаватли 1400-ўринли ўқув биноси қурилиш ишларини якунига етказиш.	Май	Молия-иқтисод ишлари проректор (Д.Мамадияров)
24.	Университетнинг замонавий футбол стадионини қуриш ишларини якунлаш.	Май	Молия-иқтисод ишлари проректор (Д.Мамадияров)
25.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 500 дона мевали ва манзарали кўчат ва буталар экиш.	Март-апрель	Молия-иқтисод ишлари проректор (Д.Мамадияров)

9.3-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмаларга гувоҳномалар бериш тўғрисида

Маърузачи: Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи А.Сафаров

Тошкент давлат аграр университети Ўқув-услубий кенгашининг 2026-йил 20-январдаги 6-сонли мажлисида университет профессор-ўқитувчилари томонидан бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари талабаларига илғор хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда яратилган **33 номда**ги, жумладан: **15 номдаги дарслик** ва **18 номдаги ўқув қўлланма** муҳокама қилинган бўлиб, жумладан:

Ж.Бобоев, И.Холмирзаевлар томонидан 70810701 – “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси” магистратура мутахассислиги учун “Пахтани дастлабки ишлашда технологик жараёнлар” фанидан тайёрланган **“Пахтани дастлабки ишлашда технологик жараёнлар”** номли дарслиги;

Р.Муминов, И.Саидов, О.Усвалиевлар томонидан 60811000 – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси таълим йўналиши талабалари учун “Ўсимликларнинг карантин зараркунандалари ва касалликлари” фанидан тайёрланган “**Карантинные вредители растений**” номли дарслиги;

М.У.Ачилов, Г.А.Кариева, Г.Наринабаевалар томонидан 60410800 – Менежмент бўйича таълим йўналиши талабалари учун “Инсон ресурсларини бошқариш” фанидан **“Human resours management”** номли дарслиги;

Р.Зияев, З.Мирвалиев, Қ.Ғиёсовлар томонидан 60720100 – Озиқ-овқат технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Кимё 1,2” фанидан тайёрланган “**Кимё 1,2 (II-модул. Органик кимё)”** номли дарслиги;

Г.Нарматова томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши талабалари учун “Хорижий тил” фанидан тайёрланган **“English for Accounting, Economy and Business Studies”** номли дарслиги;

Н.Х.Норалиев, И.Исмоилов, С.Джуманазаровлар томонидан 60610100 – Ахборот тизимлари ва технологиялари таълим йўналиши талабалари учун “Маълумотлар тузилмаси ва алгоритмлар” фанидан тайёрланган “**Маълумотлар тузилмаси ва алгоритмлар**” номли дарслиги;

Ш.Жалолов, А.Абдуганиев, Ж.Одиловлар томонидан 60420100 – Юриспреденция (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши талабалари учун “Фуқоролик ҳуқуқи” фанидан тайёрланган **“Гражданское права”** номли дарслиги;

А.Назаров, А.Сафаров, Р.Ташманов, А.Назаровлар томонидан 60810700 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш технологияси” фанидан тайёрланган **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш технологияси”** номли дарслиги;

А.Абдуллаев томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби таълим йўналиши талабалари учун “Иқтисодий таҳлил” фанидан тайёрланган **“Иқтисодий таҳлил”** номли дарслиги;

Ш.Т.Суярова томонидан 61010400 – логистика таълим йўналиши талабалари учун Хорижий тил (инглиз тили) фанидан тайерланган "**Logistics for Agro Area"** номли дарслиги;

И.Рустамова, А.Примов, Б.Эгамбердиев, Ж.Асрақуловлар томонидан 60410400 – Иқтисодиёт таълим йўналиши талабалари учун "Атроф муҳит иқтисодиёти ва иқлим ўзгариши" фанидан тайёрланган **"Environmental Economics and Climate Change"** номли дарслиги;

Ф.Абдуллаев томонидан 60720100 – Озиқ-овқат технологияси таълим йўналиши талабалари учун "Озиқ овқат кимёси" фанидан **"**Пищевая химия. Теорияо методы и практика**"** номли дарслиги;

Г.Хидирова томонидан 60830100 **–** Сув биоресурслари ва аквакултура, 60840100 **–** Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича), 60840300 **–** Ветеринария санитария экспертизаси таълим йўналишлари талабалари учун "Нимес тили" фанидан тайёрланган **"Deutsch als Fremdsprache"** номли дарслиги;

А.Холлиев, Х.Кимсанбаев, Б.Болтаев, М.Аблазова ва Ш.Махмудовалар томонидан 60811000 **–** Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши талабалари учун "Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш" фанидан тайёрланган **"Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш**" номли дарслиги;

Г.Садикова томонидан 60610100 – Ахборот тизимлари ва технологиялари таълим йўналиши талабалари учун "Маълумотлар базаси" фанидан тайёрланган **"Маълумотлар базаси"** номли дарслиги;

Ш.Мирзаходжаев, Р.Халилов, Т.Халмурадов, Б.Махмуров, Ў.Бобоев, Ж.Нурабевлар томонидан 60810100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналиши талабалари учун "Қишлоқ хўжалиги муҳандислиги" фанидан тайёрланган "**Қишлоқ хўжалиги муҳандислиги**" фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича ўқув қўлланма;

А.Баев томонидан 60412500 **–** Маркетинг таълим йўналишининг "**Божхона иши**" фанидан тайёрланган "**Божхона иши**" номли ўқув қўлланмаси;

А.Холлиев, Б.Болтаев, М.Аблазова ва Ш.Махмудовалар томонидан 60811000 **–** Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши талабалари учун "Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш" фанидан тайёрланган "**Химическая зашита растений**" номли ўқув қўлланмаси;

М.Ачилов томонидан 60410900 **–** Бизнесни бошқариш таълим йўналиши талабалари учун "Бизнес жараёнларини бошқариш" фанидан тайёрланган **"Business process management"** номли ўқув қўлланмаси;

Қ.Ғиёсов, З.З.Мирвалиев, М.Н.Мамедова ва Ж.Н.Тоджиевлар томонидан 60830100 – Сув биоресурслари ва аквакултура таълим йўналиши талабалари учун "Аналитик, биологик, гидрокимё ва сув сифатини назорат қилиш" фанидан тайёрланган **"Аналитик, биологик, гидрокимё ва сув сифатини назорат қилиш фанидан лаборатория машғулотлари"** номли ўқув қўлланмаси;

Н.Мамасолиева томонидан барча аграр таълим йўналиш талабалари учун "Ўзбек тили" фанидан тайёрланган "**Ўзбек тили**" амалий машғулотларни бажариш бўйича номли ўқув қўлланмаси;

И.Очилов, Ф.Жўраев, Н.Дониёровлар томонидан 60112401 – Профессионал таълим: иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши

талабалари учун “Қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжири” фанидан тайёрланган **“Қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжири”** номли ўқув қўлланмаси;

Б.Насиров, З. Носирова, Р.Мўминова, Д.Рўзиқулов, М.Боқиевалар томонидан 60811000 – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси таълим йўналиши талабалари учун “**Бегона ўтларга қарши кураш чоралари**” фанидан тайёрланган **“Бегона ўтларга қарши кураш чоралари”** номли ўқув қўлланмаси;

Н.Болтаев, У.Беглаев, Ж.Рахматовалар томонидан 60410900 – Бизнесни бошқариш, 601010400 – Логистика таълим йўналиши талабалари учун “Академик кўникмалар ва касбий компотентлик” фанидан тайёрланган “**Академик кўникмалар ва касбий компотентлик**” номли ўқув қўлланмаси;

М.Валиева томонидан 70810402 – Ўсимликшунослик, 70810502 – Энтомология мутахассисликлари учун “Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари” фанидан тайёрланган **“Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари”** номли ўқув қўлланмаси;

Г.Нарматова томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши талабалари учун “Хорижий тил” фанидан тайёрланган **“English for Academic, Skells Development”** номли ўқув қўлланмаси;

З.Худаяров, Т.Халмурадов, М.Алланазаровлар томонидан 60710500 – Электр муҳандислиги таълим йўналишининг “Амалий механика” фанидан тайёрланган “**Амалий механика**” номли ўқув қўлланмаси;

Г.Нарматова томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, 4100000 – бизнес бошқаруви ва 60410100 – иқтисодиёт таълим йўналишлари талабалари учун “Хорижий тил” фанидан тайёрланган “English for academic skills development” номли ўқув қўлланмаси;

А.Амиров томонидан 60840100 – Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича), 60840300 – Ветеринария санитария экспертизаси, 60810800 – Зооинженерия таълим йўналиши талабалари учун “Ҳайвонлар физиологияси” фанидан тайёрланган “**Ҳайвонлар физиологияси**” номли ўқув қўлланмаси;

М.Н.Мамедова томонидан 60810200 – Агрокимё ва тупроқшунослик, 60810700 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Аналитик, физик-коллоид ва биоорганик кимё” фанидан тайёрланган “**Аналитик, физик-коллоид ва биоорганик кимё”** номли ўқув қўлланмаси;

О.Х.Абдурахманов, Ж.Н.Муродов, Д.В.Хакимов, А.А.Мамажоновлар томонидан 60811400 – Органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш таълим йўналиши талабалари учун “Органик қишлоқ хўжалигида сифат менежменти ва аудити” фанидан тайёрланган **“Органик қишлоқ хўжалигида сифат менежменти ва аудити” Модул I** номли ўқув қўлланмаси;

С.Халиков томонидан 60820100 – Ўрмончилик таълим йўналиши талабалари учун “Ўрмон хўжалиги иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фанидан тайёрланган **“Ўрмон хўжалиги иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш”** номли ўқув қўлланмаси;

Б.Тўхтамишев, У.Иброхимовлар томонидан 60710900 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва 60710500 – Электр

муҳандислиги таълим йўналиши талабалари учун “Муқобил энергия манбалари” фанидан тайёрланган **“Муқобил энергия манбалари”** номли ўқув қўлланмаларини **Университет Кенгашида кўриб чиқиб, Тошкент давлат аграр университетининг махсус чоп этиш гувоҳномасини бериш сўралди.**

Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган **10 номдаги дарслик** ва **7 номдаги ўқув қўлланмаларига** Тошкент давлат аграр университетининг махсус чоп этиш гувоҳномаси бериш мақсадида Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ж.Бобоев, И.Холмирзаевлар томонидан 70810701 – “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси” магистратура мутахассислиги учун “Пахтани дастлабки ишлашда технологик жараёнлар” фанидан тайёрланган **“Пахтани дастлабки ишлашда технологик жараёнлар”** номли дарслиги;

Р.Муминов, И.Саидов, О.Усвалиевлар томонидан 60811000 – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси таълим йўналиши талабалари учун “Ўсимликларнинг карантин зараркунандалари ва касалликлари” фанидан тайёрланган “**Карантинные вредители растений**” номли дарслиги;

М.У.Ачилов, Г.А.Кариева, Г.Наринабаевалар томонидан 60410800 – Менежмент бўйича таълим йўналиши талабалари учун “Инсон ресурсларини бошқариш” фанидан **“Human resours management”** номли дарслиги;

Р.Зияев, З.Мирвалиев, Қ.Ғиёсовлар томонидан 60720100 – Озиқ-овқат технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Кимё 1,2” фанидан тайёрланган “**Кимё 1,2 (II-модул. Органик кимё)”** номли дарслиги;

Г.Нарматова томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши талабалари учун “Хорижий тил” фанидан тайёрланган **“English for Accounting, Economy and Business Studies”** номли дарслиги;

Н.Х.Норалиев, И.Исмоилов, С.Джуманазаровлар томонидан 60610100 – Ахборот тизимлари ва технологиялари таълим йўналиши талабалари учун “Маълумотлар тузилмаси ва алгоритмлар” фанидан тайёрланган “**Маълумотлар тузилмаси ва алгоритмлар**” номли дарслиги;

Ш.Жалолов, А.Абдуганиев, Ж.Одиловлар томонидан 60420100 – Юриспреденция (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши талабалари учун “Фуқоролик ҳуқуқи” фанидан тайёрланган **“Гражданское права”** номли дарслиги;

А.Назаров, А.Сафаров, Р.Ташманов, А.Назаровлар томонидан 60810700 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш технологияси” фанидан тайёрланган **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш технологияси”** номли дарслиги;

А.Абдуллаев томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби таълим йўналиши талабалари учун “Иқтисодий таҳлил” фанидан тайёрланган **“Иқтисодий таҳлил”** номли дарслиги;

Ш.Т.Суярова томонидан 61010400 – логистика таълим йўналиши талабалари учун Хорижий тил (инглиз тили) фанидан тайерланган “ Logistics for Agro Area” номли дарслиги;

И.Рустамова, А.Примов, Б.Эгамбердиев, Ж.Асрақуловлар томонидан 60410400 – Иқтисодиёт таълим йўналиши талабалари учун “Атроф муҳит иқтисодиёти ва иқлим ўзгариши” фанидан тайёрланган **“Environmental Economics and Climate Change”** номли дарслиги;

Ф.Абдуллаев томонидан 60720100 – Озиқ-овқат технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Озиқ овқат кимёси” фанидан **“**Пищевая химия. Теорияо методы и практика**”** номли дарслиги;

Г.Хидирова томонидан 60830100 **–** Сув биоресурслари ва аквакултура, 60840100 **–** Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича), 60840300 **–** Ветеринария санитария экспертизаси таълим йўналишлари талабалари учун “Нимес тили” фанидан тайёрланган **“Deutsch als Fremdsprache”** номли дарслиги;

А.Холлиев, Х.Кимсанбаев, Б.Болтаев, М.Аблазова ва Ш.Махмудовалар томонидан 60811000 **–** Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши талабалари учун “Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш” фанидан тайёрланган **“Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш**” номли дарслиги;

Г.Садикова томонидан 60610100 – Ахборот тизимлари ва технологиялари таълим йўналиши талабалари учун “Маълумотлар базаси” фанидан тайёрланган **“Маълумотлар базаси”** номли дарслиги;

Ш.Мирзаходжаев, Р.Халилов, Т.Халмурадов, Б.Махмуров, Ў.Бобоев, Ж.Нурабевлар томонидан 60810100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналиши талабалари учун “Қишлоқ хўжалиги муҳандислиги” фанидан тайёрланган “**Қишлоқ хўжалиги муҳандислиги**” фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича ўқув қўлланма;

А.Баев томонидан 60412500 **–** Маркетинг таълим йўналишининг “**Божхона иши**” фанидан тайёрланган “**Божхона иши**” номли ўқув қўлланмаси;

А.Холлиев, Б.Болтаев, М.Аблазова ва Ш.Махмудовалар томонидан 60811000 **–** Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши талабалари учун “Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш” фанидан тайёрланган “**Химическая зашита растений**” номли ўқув қўлланмаси;

М.Ачилов томонидан 60410900 **–** Бизнесни бошқариш таълим йўналиши талабалари учун “Бизнес жараёнларини бошқариш” фанидан тайёрланган **“Business process management”** номли ўқув қўлланмаси;

Қ.Ғиёсов, З.З.Мирвалиев, М.Н.Мамедова ва Ж.Н.Тоджиевлар томонидан 60830100 – Сув биоресурслари ва аквакултура таълим йўналиши талабалари учун “Аналитик, биологик, гидрокимё ва сув сифатини назорат қилиш” фанидан тайёрланган **“Аналитик, биологик, гидрокимё ва сув сифатини назорат қилиш фанидан лаборатория машғулотлари”** номли ўқув қўлланмаси;

Н.Мамасолиева томонидан барча аграр таълим йўналиш талабалари учун “Ўзбек тили” фанидан тайёрланган “**Ўзбек тили**” амалий машғулотларни бажариш бўйича номли ўқув қўлланмаси;

И.Очилов, Ф.Жўраев, Н.Дониёровлар томонидан 60112401 – Профессионал таълим: иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши

талабалари учун “Қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжири” фанидан тайёрланган **“Қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжири”** номли ўқув қўлланмаси;

Б.Насиров, З. Носирова, Р.Мўминова, Д.Рўзиқулов, М.Боқиевалар томонидан 60811000 – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси таълим йўналиши талабалари учун “**Бегона ўтларга қарши кураш чоралари**” фанидан тайёрланган **“Бегона ўтларга қарши кураш чоралари”** номли ўқув қўлланмаси;

Н.Болтаев, У.Беглаев, Ж.Рахматовалар томонидан 60410900 – Бизнесни бошқариш, 601010400 – Логистика таълим йўналиши талабалари учун “Академик кўникмалар ва касбий компотентлик” фанидан тайёрланган “**Академик кўникмалар ва касбий компотентлик**” номли ўқув қўлланмаси;

М.Валиева томонидан 70810402 – Ўсимликшунослик, 70810502 – Энтомология мутахассисликлари учун “Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари” фанидан тайёрланган **“Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари”** номли ўқув қўлланмаси;

Г.Нарматова томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши талабалари учун “Хорижий тил” фанидан тайёрланган **“English for Academic, Skells Development”** номли ўқув қўлланмаси;

З.Худаяров, Т.Халмурадов, М.Алланазаровлар томонидан 60710500 – Электр муҳандислиги таълим йўналишининг “Амалий механика” фанидан тайёрланган “**Амалий механика**” номли ўқув қўлланмаси;

Г.Нарматова томонидан 60410200 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, 4100000 – бизнес бошқаруви ва 60410100 – иқтисодиёт таълим йўналишлари талабалари учун “Хорижий тил” фанидан тайёрланган “English for academic skills development” номли ўқув қўлланмаси;

А.Амиров томонидан 60840100 – Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича), 60840300 – Ветеринария санитария экспертизаси, 60810800 – Зооинженерия таълим йўналиши талабалари учун “Ҳайвонлар физиологияси” фанидан тайёрланган “**Ҳайвонлар физиологияси**” номли ўқув қўлланмаси;

М.Н.Мамедова томонидан 60810200 – Агрокимё ва тупроқшунослик, 60810700 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналиши талабалари учун “Аналитик, физик-коллоид ва биоорганик кимё” фанидан тайёрланган “**Аналитик, физик-коллоид ва биоорганик кимё”** номли ўқув қўлланмаси;

О.Х.Абдурахманов, Ж.Н.Муродов, Д.В.Хакимов, А.А.Мамажоновлар томонидан 60811400 – Органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш таълим йўналиши талабалари учун “Органик қишлоқ хўжалигида сифат менежменти ва аудити” фанидан тайёрланган **“Органик қишлоқ хўжалигида сифат менежменти ва аудити” Модул I** номли ўқув қўлланмаси;

С.Халиков томонидан 60820100 – Ўрмончилик таълим йўналиши талабалари учун “Ўрмон хўжалиги иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фанидан тайёрланган **“Ўрмон хўжалиги иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш”** номли ўқув қўлланмаси;

Б.Тўхтамишев, У.Иброхимовлар томонидан 60710900 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва 60710500 – Электр

муҳандислиги таълим йўналиши талабалари учун “Муқобил энергия манбалари” фанидан тайёрланган **“Муқобил энергия манбалари”** номли ўқув қўлланмаларига **Тошкент давлат аграр университетининг махсус чоп этиш гувоҳномаси берилсин.**

2. Муаллифлар зиммасига нашрдан чиқарилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни 50 дона нусхаларини Университет Ахборот ресурс марказига топширилиши ва талабалар эътиборига етказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўқув ишлари бўйича проректор С.Бобоев зиммасига юклатилсин.

9.4-МАСАЛА

Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий монография ва услубий қўлланмаларни чоп этишга тавсия этиш тўғрисида

Маърузачи: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов, Илмий-тадқиқот ва инновациялар бўлими бошлиғи Ш.Якубов

Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан **8** номдаги илмий монографиялар ҳамда **1** номдаги услубий қўлланма тайёрланиб, Университет Илмий-техник кенгашининг 2026 йил 21 январдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, жумладан:

Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси доценти қ.ф.ф.д. Усвалиев Ойбек Турғунович томонидан тайёрланган **“Мевали боғ заракунандалари биоэкологияси ва қарши кураш усуллари”** номли монографияси;

Экология ва атроф муҳитмуҳофазаси кафедраси доценти Б.Р.Бойназаров томонидан тайёрланган “**Атроф муҳит объектларида оғир металларнинг зарарли таъсирини камайтирувчи агробиотехнологиясини ишлаб чиқиш”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти Чориев Абдусаттар Жўраевич томонидан тайёрланган **“Қовунни каскадли қуритиш технологияси”** номли монографияси;

Агроиқтисодиёт кафедрасининг қ.х.ф.ф.д. Ғафуров Олимжон Ғолиб ўғли томонидан тайёрланган **“Миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти, PhD М.Ж.Курбанова томонидан тайёрланган **“Системний анализ процессов тепловой обработки плодов и овощей”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти, т.ф.н., С.Я.Шарипов ва тадқиқотчи, PhD А.А.Расулов томонидан тайёрланган **“Ўрик меваларини қуритиб тайёрланган маҳсулот сифатини оширишда технологик жараёнларни такомиллаштириш”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти Б.Ш.Нортожиев томонидан тайёрланган **“Цитрус меваларини сақлаш технологияси”** номли монографияси;

Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари Г.С.Содиқова, НИ.Шадиева, М.Саидовалар томонидан тайёрланган **“Тоғ ва тоғ олди худуди тупроқларининг асосий хоссалари ва уларда кечаётган эрозия жараёнларини баҳолаш”** номли монографиясини Университет Кенгашидан чоп эттиришга тавсия этиш сўралган.

Ипакчилик ва тутчилик кафедраси катта ўқитувчиси, қ.х.ф.ф.д. Н.С.Соҳибова томонидан тайёрланган **“Интенсив Усулда экилган турли хил тутзорларни парвариш қилиш агротехникаси”** номли услубий қўлланмасини Университет Кенгашида кўриб чиқиб чоп эттиришга тавсия этиш сўралган.

Юқорида берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султоновни “Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий монография ва услубий қўлланмаларни чоп этишга тавсия этиш тўғрисида”ги ахбороти **маълумот** учун қабул қилинсин.

2. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси доценти қ.ф.ф.д. Усвалиев Ойбек Турғунович томонидан тайёрланган **“Мевали боғ заракунандалари биоэкологияси ва қарши кураш усуллари”** номли монографияси;

Экология ва атроф муҳитмуҳофазаси кафедраси доценти Б.Р.Бойназаров томонидан тайёрланган “**Атроф муҳит объектларида оғир металларнинг зарарли таъсирини камайтирувчи агробиотехнологиясини ишлаб чиқиш”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти Чориев Абдусаттар Жўраевич томонидан тайёрланган **“Қовунни каскадли қуритиш технологияси”** номли монографияси;

Агроиқтисодиёт кафедрасининг қ.х.ф.ф.д. Ғафуров Олимжон Ғолиб ўғли томонидан тайёрланган **“Миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти, PhD М.Ж.Курбанова томонидан тайёрланган **“Системний анализ процессов тепловой обработки плодов и овощей”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти, т.ф.н., С.Я.Шарипов ва тадқиқотчи, PhD А.А.Расулов томонидан тайёрланган **“Ўрик мевaларини қуритиб тайёрланган маҳсулот сифатини оширишда технологик жараёнларни такомиллаштириш”** номли монографияси;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси доценти Б.Ш.Нортожиев томонидан тайёрланган **“Цитрус мевaларини сақлаш технологияси”** номли монографияси;

Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари Г.С.Содиқова, НИ.Шадиева, М.Саидовалар томонидан тайёрланган **“Тоғ ва тоғ олди худуди тупроқларининг асосий хоссалари ва уларда кечаётган эрозия жараёнларини баҳолаш”** номли монографиялари чоп эттиришга тавсия этилсин.

3. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси катта ўқитувчиси, қ.х.ф.ф.д. Н.С.Соҳибова томонидан тайёрланган **“Интенсив Усулда экилган турли хил тутзорларни парвариш қилиш агротехникаси”** номли услубий қўлланмаси чоп эттиришга тавсия этилсин.

4. Илмий монография ва илмий-услубий қўлланма муаллифларига:

илмий монография ва илмий-услубий қўлланмаларни чоп этишда нашриётдан УЎК, КБК ва ИСБНни олиш мажбурияти юклатилсин.

9.5-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университетида илмий нашрлар тайёрлашда илмий этика ва кўчирмакашликка йўл қўймаслик масалалари тўғрисида

Маърузачи: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг 2026-йил 12-январдаги 19-52 хдфу-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университети Илмий-техник кенгашининг жорий йил 21-январда кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Мазкур йиғилишда университетда илмий нашрлар тайёрлаш, тадқиқот натижаларини эълон қилиш ҳамда кўчирмакашлик (плагиат) ҳолатларининг олдини олиш масалалари бўйича таҳлилий маълумотлар атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилиш давомида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг мазкур топшириғида баён этилган талаблар, хавф-хатарлар ва мавжуд муаммолар мазмуни билан таништирилди. Шунингдек, илмий фаолият натижаларини нашр қилиш жараёнида халқаро ва миллий илмий стандартлар, методологик талаблар ҳамда илмий этика қоидаларига қатъий риоя этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кенгайтирилган йиғилишда таъкидланганидек, университет профессор-ўқитувчилари, олимлар, тадқиқотчилар ва магистратура талабалари томонидан мақола, монография, ўқув-услубий қўлланма ёки бошқа турдаги илмий нашрларга тайёрланаётган тадқиқот натижаларини шакллантиришда илмий ҳалоллик тамойиллари устувор аҳамият касб этади. Хусусан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди:

– илмий ишларда манбалардан фойдаланишда аниқ иқтибос бериш қоидаларига риоя қилиш;

– кўчирмакашлик, ўзлаштириш ва бошқа турдаги илмий этика бузилишларига мутлақо йўл қўймаслик;

– тадқиқот маълумотларини сохталаштириш, натижаларни асоссиз ўзгартириш ёки бузиб кўрсатиш каби жиддий қоидабузарликларнинг салбий оқибатларини англаш;

– илмий ишларни тайёрлашда қабул қилинган халқаро индекслаш тизимлари (Scopus, Web of Science ва бошқалар) ҳамда миллий талабларга мувофиқликни таъминлаш.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, илмий стандартлар ва методология талабларига риоя этмаслик нафақат алоҳида тадқиқотчининг шахсий нуфузига, балки университетнинг умумий илмий салоҳияти ва халқаро имиджига жиддий путур етказади. Шу боисдан, илмий нашрлар сифати ва ишончлилигини таъминлаш университет олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Топшириққа асосан кафедра мудирлари, факультет раҳбарлари ҳамда тегишли тузилмалар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилиши лозимлиги қайд этилди:

– университет профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва магистратура талабаларини илмий нашрларга қўйиладиган талаблар билан мунтазам равишда таништириб бориш;

– илмий этика, кўчирмакашликка қарши курашиш ва маълумотларни сохталаштиришнинг олдини олиш масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш;

– ҳар бир илмий ишни нашрга тавсия этишдан олдин замонавий анти-плагиат дастурлари орқали текшириш амалиётини йўлга қўйиш;

– қоидабузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, амалдаги қонунчилик ва университетнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш.

Шунингдек, йиғилишда илмий этика қоидаларига риоя этмаслик, кўчирмакашлик ёки маълумотларни сохталаштириш ҳолатлари учун қонун олдида белгиланган жавобгарлик чоралари мавжудлиги ҳақида қатъий огоҳлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур таҳлилий маълумотнома Тошкент давлат аграр университети Кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун тақдим этилди.

Тошкент давлат аграр университетида илмий нашрлар тайёрлаш, тадқиқот натижаларини эълон қилиш ҳамда кўчирмакашликка йўл қўймаслик масалалари бўйича ишларни такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг 2026-йил 12-январдаги 19-52 хдфу-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибининг 2026-йил 12-январдаги 19-52 хдфу-сонли топшириғига мувофиқ Тошкент давлат аграр университети Илмий-техник кенгашининг 2026-йил 21-январдаги кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилган илмий нашрлар ва кўчирмакашлик масалалари бўйича таҳлилий маълумотлар **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Университетда илмий фаолият натижаларини (мақола, монография, ўқув-услубий қўлланма ва бошқа нашрлар) тайёрлаш ва нашр этиш жараёнида миллий ва халқаро илмий стандартлар, методологик талаблар ҳамда илмий этика қоидаларига қатъий риоя этиш таъминлансин.

3. Кафедра мудирлари, факультет деканлари:

профессор-ўқитувчилар, олимлар, тадқиқотчилар ва магистратура талабаларини илмий нашрларга қўйиладиган талаблар, кўчирмакашликка йўл қўймаслик, илмий этика қоидалари ҳамда маълумотларни сохталаштиришнинг салбий оқибатлари ва қонун олдидаги жавобгарлик чоралари тўғрисида қатъий огоҳлантириш ишларини ташкил этсин;

ҳар бир илмий ишни нашрга тавсия этишдан олдин замонавий анти-плагиат дастурлари орқали текшириш амалиётини таъминласин;

мазкур йўналишда тушунтириш ва профилактика ишларини доимий равишда олиб борсин.

4. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов:

университетда илмий нашрлар сифати ва илмий ҳалолликка риоя этилиши устидан тизимли назорат ва мониторинг механизмларини жорий этсин;

илмий этика ва кўчирмакашликка қарши курашиш масалалари бўйича тегишли услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилишини таъминласин.

Кўчирмакашлик, илмий этика қоидаларини бузиш ёки тадқиқот маълумотларини сохталаштириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилик ҳамда университетнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов зиммасига юклансин.

9.6-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университетида тадқиқот олиб борадиган хорижий мустақил изланувчиларга йиллик тўлов-контракт миқдорларини белгилаш тўғрисида

Маърузачи: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорининг 2-иловаси Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида Низомни 5-боби Олий таълимдан кейинги таълимни тўлов-контракт асосида ташкил этишнинг 51 бандида келтирилган Тўлов-контракт асосида олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширишда ўқитиш учун, жумладан илмий раҳбарлар ва консультантлар меҳнатига ҳақ тўлаш, тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга оладиган ҳақ миқдори, шунингдек уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор томонлар ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади.

Юқоридаги берилганлардан келиб чиққан ҳолда университетининг хорижий мустақил изланувчиларига йиллик тўлов-контракт миқдорлари илмий раҳбарларга соатбай тўланадиган ҳақдан келиб чиқиб мустақил изланувчининг раҳбари фан доктори (DSc) бўлса контракт миқдори 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм ҳамда фан номзоди (PhD) бўлса 12 000 000 (ўн икки миллион) сўм этиб белгилаш Университет Кенгаши аъзоларидан сўралди.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Тошкент давлат аграр университетида тадқиқот олиб борадиган хорижий мустақил изланувчиларга йиллик тўлов-контракт миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султоновни ахбороти маълумот **учун қабул қилинсин.**

2. Тошкент давлат аграр университетида тадқиқот олиб борадиган хорижий мустақил изланувчилар учун 2026 йил 1 мартдан бошлаб йиллик тўлов-контракт миқдорлари қуйидагича белгилансин:

Илмий раҳбари фан доктори (DSc) бўлган тақдирда – 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм;

Илмий раҳбари фан номзоди (PhD) бўлган тақдирда – 12 000 000 (ўн икки миллион) сўм.

Белгиланган тўлов-контракт маблағлари қуйидаги йўналишларга сарфлансин:

илмий раҳбар ва консультантлар меҳнатига соатбай асосда ҳақ тўлаш;

илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, лаборатория ва тажриба майдонларидан фойдаланиш харажатлари;

илмий-амалий семинарлар, апробация ва нашр ишлари билан боғлиқ ташкилий харажатлар.

3. Хорижий мустақил изланувчилар билан тузиладиган шартномаларда:

тўлов миқдори ва муддатлари;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

илмий раҳбарлик юкламаси;

молиявий ва ташкилий масъулият масалалари амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ аниқ белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарор асосида молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш университетнинг Молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Д.Мамадияров томонидан таъминлансин.

5. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов хорижий мустақил изланувчилар контингенти бўйича йиллик таҳлилий маълумотни шакллантирсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

9.7-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университети таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларининг диссертация мавзулари ҳамда илмий раҳбар (маслаҳатчи)ларини тасдиқлаш тўғрисида

Маърузачи: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида”ги Низомга асосан Тошкент давлат аграр университети ректорининг 2025 йил 11-декабрдаги 1-9-6/328-сонли “Таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик сафига қабул қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 30-декабрдаги 1-9-6/355-сонли “Таянч докторантура ва докторантура сафига қабул қилиш тўғрисида”ги буйруқлари қабул қилинди. Буйруққа асосан университетда Таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликга ҳужжат топширган ва белгиланган кириш суҳбатларидан юқори кўрсаткичларга эришган **жами 106 нафар,** шундан **14 нафар** докторантура, **72 нафар** таянч докторантура ва **20 нафар** (15 нафар PhD, 5 нафар DSc) мустақил изланувчилар сафига қабул қилинди.

Кафедра ва факультетларда 1-босқичга қабул қилинган докторант ва таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг мавзулари муҳокама қилиниб, илмий раҳбарлар ва илмий маслаҳатчилар бириктирилди. Мавзулар тасдиқланганлиги ва илмий раҳбарлар бириктирилганлиги тўғрисида баённомалар тақдим этилди.

Докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертация иши мавзуси ҳамда илмий маслаҳатчи ёки илмий раҳбарини тасдиқлаш бўйича Кенгаш аъзоларидан фикр ва таклифлар берилиши сўралди.

106 нафар докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари ҳамда илмий раҳбар (маслаҳатчи)ларини тасдиқлаш мақсадида Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султоновнинг “Тошкент давлат аграр университети таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларининг диссертация мавзулари ҳамда илмий раҳбар (маслаҳатчи)ларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ахбороти **маълумот учун** қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат аграр университетининг таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликга қабул қилинганларнинг диссертация иши мавзуси ҳамда уларга бириктирилган илмий маслаҳатчи ёки илмий раҳбарлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Илмий-тадқиқот ва инновациялар бўлими бошлиғи Ш.Якубов ҳамда кафедра мудирларига:

кафедраларда таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларнинг диссертация ишлари ҳолатини тизимли ва ҳар томонлама мониторинг қилиб бориш, уларнинг белгиланган муддатларда ҳимояга чиқишларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш;

илмий раҳбарлик ва илмий маслаҳатчиликка юқори малакага эга, бой илмий-тадқиқот тажрибасига эга фан номзодлари ва фан докторларини жалб этиш;

докторлик диссертациялари бўйича илмий раҳбарлар ва илмий маслаҳатчилар масъулиятини янада кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини натижадорлик асосида баҳолаш механизмларини жорий этиш;

университетда таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилар томонидан Scopus, Web of Science ва бошқа умумэътироф этилган халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига киритилган нуфузли илмий журналларда мақолалар чоп этиш ҳажмини ошириш бўйича мақсадли ишлар олиб бориш;

университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчиларнинг h-индексига эга бўлиши ва уни ошириб бориши учун зарур ташкилий, илмий ва услубий шарт-шароитларни яратиш ҳамда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор К.Султонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент давлат аграр университети
Кенгашининг 2026-йил -мартдаги
8/9-сонли мажлиси баённига 3-илова

Тошкент давлат аграр университетига 2025-йилда ўқишга қабул қилинган "Тошкент давлат аграр университети таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларининг диссертация мавзулари ҳамда илмий раҳбар (маслаҳатчи)ларини рўйхати

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)				
1	Кувондикова Зарифа Салим қизи	03.00.10-Экология	Навоийазот АЖ саноат чиқиндиларга нисбатан айрим ўсимлик турларининг экологик барқарорлиги ва биоиндикатор хусусиятлари	Юлдашева Шахида Шамурзаевна б.ф.д., доцент
2	Жалилов Жамшид Азаматович	03.00.10-Экология	Шаҳар мухитида ҳавони ифлослантирувчи омилларнинг салбий таьсирини камайтириш ва ободонлаштириш самарадорлигини оширишда экологик хавфсиз биотехнологияни ишлаб чиқиш	Бойназаров Бахрон Раимович б.ф.д., доцент
3	Ҳақназарова Бибихадича Бахриддиновна	03.00.13-Тупроқшунослик	Самарқанд шаҳарда тарқалган тупроқларнинг экологик ҳолатини урбанизация жараёнларини комплекс баҳолаш	Шамсиддинов Тўлқин Шамсиддинович б.ф.н., доцент
4	Акрамова Мафтуна Хусниддин қизи	03.00.13-Тупроқшунослик	Иклим ўзгариши шароитида тупроқда органик моддалар микробиал-биокимёвий ўзгариши ва углерод секвестрациясини самарали бошқариш механизми	Шадиева Нилуфар Искандаровна б.ф.д., катта илмий ходим
5	Хайдарова Озода Тургуновна	03.00.13-Тупроқшунослик	Янгидан суғориладиган ўтлоқи саз-алювиал тупроқларнинг асосий хоссалари ва улар микрофлорасининг функционал фаоллиги (Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани мисолида)	Содикова Гулчехра Саттаровна б.ф.н., доцент, илмий маслахатчи Хўжаназарова Мутабар Қушоқовна б.ф.ф.д., доцент
6	Бердимуратов Заҳириддин Комилжон ўғли	03.00.13-Тупроқшунослик	Иқлим ўзгариши шароитида, тупроқ намлиги ва ҳароратининг тупроқ органик углерод динамикасига таъсирини баҳолаш (Сирдарё вилояти Сайҳунобод тумани мисолида)	Қодирова Дилрабо Абдукаримовна б.ф.д., профессор
7	Азимова Наимахон Одилжон қизи	03.00.15-Ихтиология	Интенсив аквакултура шароитида Амур илонбош балиғини (*Channa argus warpachowskii)* етиштиришнинг биологик асослари (Наманган вилояти мисолида)	Тошова Нозима Ражаббоевна б.ф.ф.д., доцент

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
8	Хўшбоқова Зубайда Эркин қизи	06.01.01-Умумий, дехқончилик. Пахтачилик	Асосий экин сифатида соя навларини экиш муддати ва тизимларини такомиллаштириш	Авазбек Холмаматович Рахимов қ.х.ф.д., профессор
9	Ботиров Шахзод Отажон ўғли	06.01.01-Умумий дехқончилик. Пахтачилик	Такрорий (хориждан интродукция қилинган) ва оралиқ экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири ҳамда етиштириш технологияси	Чаршанбиев Умурзоқ Юлдошевич қ.х.ф.д., доцент
10	Гулметов Одилбек Шавкат ўғли	06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	Кузги буғдой ва такрорий ширин маккажўхорини сув тежамкор суғориш тартибларини ишлаб чиқиш (Хоразм вилояти шароитида)	Эшонқулов Жамолиддин Сапорбой ўғли қ.х.ф.д., профессор
11	Кудратов Хойитжан Асат ўғли	06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	Шўрланган тупроқлар унумдорлигига кузги буғдой мош ва сидерат экинларнинг таъсири (Сирдарё вилояти Сардоба тумани мисолида)	Хамидулла Шералиев қ.х.н., профессор
12	Собитов Обиджон Сохиббоевич	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	Узумнинг коллекция нав - намуналари асосида абиотик ва биотик омилларга чидамли бошланғич ашё яратиш	Жўраев Сирожиддин Турдиқулович б.ф.д., профессор
13	Ахмаджонов Дилшод Олимжон ўғли	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	*G.hirsutum* L. турига мансуб ғўзада тола сифати ва чиқими юқори бўлган селекцион ашёлар яратиш	Холмуродова Гўзал Рўзиевна қ.х.ф.д., профессор
14	Хайридинова Раънохон Қахромон қизи	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	Соянинг экологик-географик узоқ дурагайлари асосида хосилдор ва оқсил миқдори юқори селексион ашёлар яратиш.	Тангирова Гулчехра Нарзиллаевна қ.х.ф.д., доцент
15	Аликулова Бону Алишер қизи	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	Сурхондарё вилояти шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг ҳосилдор, иссиқликка чидамли ва дон сифати юқори селекцион ашёларини яратиш	Маҳамматова Меҳринисо Усмоновна қ.х.ф.д., доцент
16	Алимова Дилором Қудрат қизи	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	Ўрта толали ғўзада морфо-хўжалик белгилари бўйича популяцияларидан селекцион ашёлар яратиш	Жўраев Сирожиддин Турдиқулович б.ф.д., профессор
17	Холиқова Камола Шукурулло қизи	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	Ғўзанинг нав ва тизмалараро дурагайларида морфохўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини замонавий усуллар билан ўрганиш асосида бошланғич ашёлар яратиш	Жўраев Сирожиддин Турдиқулович б.ф.д., профессор
18	Ғайбуллаев Шавкатжон Фарход ўғли	06.01.06-Сабзавотчилик	Жиззах вилояти шароитида йирик мевали қовоқ етиштиришни такомиллаштириш	Абдиев Зафарали Тоштемирович қ.х.ф.ф.д.
19	Рузиқулова Зайнура Юлдошевна	06.01.06-Сабзавотчилик	Эртаги экинда дайкон (*Raphanus sativus* var. *longipinnatus*) илдизмеваларини	Акрамов Умидилло Икрамджанович қ.х.н., доцент

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
			етиштириш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқиш	
20	Сафаров Файзулла Панжиевич	06.01.06-Сабзавотчилик	Сурхондарё вилояти шароитида кашнич (*Coriandrum sativum* L.) ўсимлигининг кўкат ҳосилдорлиги ва сифат кўрсатгичларига етиштириш технологиясининг айрим элементларининг таъсирини ўрганиш	Буриев Хасан Чутбаевич б.ф.д., профессор
21	Пирметова Султонбиби Абдураззоқ қизи	06.01.06-Сабзавотчилик	Тошкент вилояти шароитида сарсабил (*Asparagus*) ўсимлигини етиштириш технологиясини айрим элементларини ишлаб чиқиш	Юнусов Салоҳиддин Адхамович қ.х.ф.д., профессор
22	Аширова Матлуба Фирдавсиевна	06.01.06-Сабзавотчилик	Кам тарқалган брюссел (*Braccuca oleracea Gemmifera*) караминиг серҳосил навларини танлаш ва етиштириш технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқиш	Каримов Жамшид Очилович қ.х.ф.ф.д. Илмий маслаҳатчи: Хуррамов Улуғбек Холмаматович қ.х.ф.д., доцент
23	Қораева Хадича Мухаммадиевна	06.01.07-Мевачилик ва узумчилик	Узумнинг янги шароббоп навларини кардон усулида ўстиришнинг ҳосилдорликка таъсири	Жанакова Дурдона Улугбековна қ.х.ф.ф.д., доцент
24	Чориев Юнус Бобоназарович	06.01.07-Мевачилик ва узумчилик	Олча (*Cerasus vulgaris* Mill.,) навларининг биологик хусусиятлари ва кўпайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш	Қурбонмуродов Акбар Чориевич қ.х.ф.ф.д., доцент
25	Миржахпаров Миракбар Миршохид ўғли	06.01.07-Мевачилик ва узумчилик	Тошкент вилояти шароитида Шарқ хурмоси (*Diospyros kaki* L.) нинг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш ва кўчатини етиштириш технологиясини такомиллаштириш	Намозов Ихтиёр Чориевич қ.х.ф.д., профессор
26	Мустафоев Фарид Ўткир ўғли	06.01.07-Мевачилик ва узумчиликk	Тошкент вилояти шароитида узумнинг янги интродукция қилинган навлари кўчатини етиштиришнинг ресурс тежамкор технологияларини такомиллаштириш	Нуриддинов Зиёвуддин Зайниддин ўғли қ.х.ф.ф.д.
27	Ҳақназарова Насиба Даврон қизи	06.01.07-Мевачилик ва узумчилик	“Нок (P*irus*) нинг янги интродукция қилинган навларининг морфо-биологик хусусиятлари ва етиштриш технологиясини такомиллаштириш	Абдураманова Саломат Худойбергеновна қ.х.ф.д., катта илмий ходим

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
28	Эргашева Дилноза Халбутаевна	06.01.07- Мевачилик ва узумчилик	Анжирни (*Fícus cárica*) истиқболли навларининг морфо-биологияси ва ўстириш усулини такомиллаштириш (Тошкент вилоятии шароитида)	Абдикаюмов Зайнилабиддин Абдивохидович қ.х.ф.ф.д., доцент
29	Набижонов Илхом Ғофуржон ўғли	06.01.07- Мевачилик ва узумчилик	“Лайм (*Citrus aurantifolia* (Chirstm, Swingle)) нинг биологик хусусиятлари ва кўчатларини етиштиришнинг самарали элементларини ишлаб чиқиш	Сатторов Обиджон Одинамахмадович қ.х.ф.ф.д., доцент
30	Қурбонбоева Нафиса Кенжабой қизи	06.01.07- Мевачилик ва узумчилик	Гилос (*Cerasus avium*) нинг янги интродукция қилинган навларининг морфо-биологик хусусиятлари ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш	Абдураманова Саломат Худайбергеновна қ.х.ф.д., катта илмий ходим
31	Орзиқулова Моҳинур Шахобидин қизи	06.01.08- Ўсимликшунос-лик	Такрорий экилган мош навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига биопрепаратларнинг таъсирини илмий асослаш	Исраилов Ином Абдурахмонович қ.х.ф.д., доцент
32	Абджабборов Баҳодир Абдуносир ўғли	06.01.08- Ўсимликшунос-лик	Канопнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига минерал ўғитлар фонида микроўғитлар ва биологик фаол моддаларнинг таъсири	Улуғов Чоршанби Худойназар ўғли қ.х.ф.ф.д., доцент
33	Эшбобева Шахноза Жовлиевна	06.01.08- Ўсимликшунос-лик	Лалмикор шароитда махсар етиштиришнинг мақбул агротехнология элементларини ишлаб чиқиш (Тошкент вилояти шароитида)	Азизов Бахром Музаффарович қ.х.ф.д., профессор
34	Пардабоева Жасмина Улуғбек кизи	06.01.08- Ўсимликшунос-лик	Такрорий экин сифатида экилган ловия (*Phaseolus vulgaris* L.) ва боқла (*Vicia faba* L.) экинларининг ўсиши, ривожланиши, хосилдорлигига фитогармонларнинг таьсирини ўрганиш	Хайруллаев Сардор Шамсиддин ўғли қ.х.ф.ф.д.
35	Алишеров Хасан Алишер ўғли	06.01.08- Ўсимликшунос-лик	Шолининг янги навларини кўчат усулида етиштиришда экиш тизимлари ва стимуляторларнинг ҳосилдорлик ва дон сифатига таъсири	Худайқулов Жонибек Бозорович қ.х.ф.д., профессор
36	Маматкулова Зухра Бахромовна	06.01.09- Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Анжир (*Ficus carica*) касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш	Хакимова Нигора Тахировна қ.х.ф.д., профессор
37	Ғаппоров Исломжон Учқун ўғли	06.01.09- Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Водий шароитида Плуто F1 (қовоқ) экинлари замбуруғ	Хамираев Ўрал Кахрамонович қ.х.ф.д., доцент

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
			қўзғатадиган касалликлари ва уларга қарши кураш усуллари	
38	Мустафаев Хумоюн Буран ўғли	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	“Жўка (*Tilia platyphyllos*) дарахти зараркунандаларининг тур таркиби ва уларнинг зарарлаш даражасини баҳолаш	Якубов Фаррух Камилджанович қ.х.ф.ф.д., доцент, маслахатчи: Шукуров Хушвақат Мамасалиевич қ.х.ф.д., профессор
39	Шербобоев Илҳом Иззатиллоевич	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Сохта каштаннинг асосий зараркунандаларининг биоэкологик ҳусусиятлари ва уларга қарши курш чораларини ишлаб чиқиш	Якубов Фаррух Камилджанович қ.х.ф.ф.д., доцент
40	Хамдамова Захрохон Оловутдин қизи	06.01.09-Ўсимликларни химоя қилиш	*Colletotrichum* туркуми турларининг қишлоқ хўжалиги экинларидаги тур таркиби, эпидемиологияси ва уларга қарши кураш чоралари	Хамираев Ўрал Кахрамонович қ.х.ф.д., доцент
41	Бектурсунова Лобар Икромбой қизи	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Ноёб манзарали дарахти элдор қарағайи (*Pinus eldarica* Medw) нинг сўрувчи зараркунандаларига қарши инновацион кураш чоралари	Насиров Бахтиёр Салохиддинович қ.х.ф.д., профессор
42	Хайруллоев Мухриддин Фахриддин ўғли	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Бухоро вилояти шароитида помидорнинг асосий сўрувчи зараркунандаларини биоэкологияси ва уларга қарши кураш чораларининг илмий асослари	Холлиев Асамиддин Тураевич қ.х.ф.д., доцент
43	Шомирзоев Аслиддин Авазович	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Помидор ва бодрингда учрайдиган вирус касалликларининг диагностикаси, тур таркиби, эпидемиологияси ва уларни назорат қилиш	Хакимов Алберт Ахмедович қ.х.ф.ф.д., доцент
44	Жураев Жахонгир Махмудович	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Бамия сабзавот экинида учрайдиган асосий зараркунандаларга қарши ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш	Холлиев Асамиддин Тураевич қ.х.ф.д., доцент
45	Шукруллаева Муниса Шавкатовна	06.01.09-Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Иқлим ўзгариш шароитида мевали боғ зараркунандаларининг ривожланиш ҳусусиятлари	Назаров Шахзод Рустам ўғли қ.х.ф.ф.д., доцент маслаҳатчи: Шукуров Хушвақат Мамасалиевич қ.х.ф.д., профессор
46	Абдурасулова Садоқат Шухрат қизи	06.01.11-Кишлок хужалик махсулотларини саклаш ва кайта ишлаш	Республикамизда етиштирилган банан (musa acuminata) меваларини қуритиш ва чиқиндисиз қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш	Азизов Актам Шарипович қ.х.ф.д., профессор

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
47	Боймуродова Дилора Мухиддин қизи	06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	Ежевика (*Rubus fruticosus* L.) ва Малина (*Rubus idaeus* L.) меваларини турли хил усулларда қуритиш технологиясини ишлаб чиқиш	Одинаев Мирзамад Исаевич қ.х.ф.ф.д., доцент
48	Абдуллаев Мавлонбек Фарход ўғли	06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	Таврузни сублимацион усулда қуритиш ва қадоқлаш технологиясини ишлаб чиқиш	Нортожиев Бобошер Шералиевич қ.х.ф.д., доцент
49	Азизов Аброр Гайратович	06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	Республикамизда етиштирилган банан (*Musa acuminata*) меваларини сақлаш ва қадоқлаш технологиясини ишлаб чиқиш	Азизов Актам Шарипович қ.х.ф.д., профессор
50	Халмухамедова Шахноза Абдулла қизи	06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	Сўйиладиган ҳайвонлар қонидан озиқ-овқат қўшимчаси олиш технологиясини ишлаб чиқишни такомиллаштириш	Назаров Абдиқаххор Мухаммадиевич қ.х.ф.ф.д., доцент
51	Ғафуров Жаҳонгир Мажид ўғли	06.01.11-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	Лотос (*Nymphaea lotos*) ўсимлигини агробиологик хусусиятларини ўрганиш ва илдиз мевасини қуритиш технологиясини ишлаб чиқиш	Азизов Актам Шарипович қ.х.ф.д., профессор
52	Нормухамедов Агзамхон Султанхонович	06.02.01-Қишлоқ хўжалик ҳайвонларни урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қоракўлчилик	Иссиқ иқлим шароитида турли генотипдаги хизмат итларини иш қобилияти бўйича баҳолаш ва танлаш	Исамухамедов Салих Шукурович б.ф.н. профессор
53	Дўсчанов Отабек Давронбек ўғли	06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси	Ангор зотли эчкиларнинг сермаҳсул наслли сурувларини яратиш орқали уларнинг маҳсулдорлигини ошириш	Шаюсупов Бобир Баходирович қ.х.ф.ф.д, доцент
54	Убайдуллаев Раметулла Даулетназар оғли	06.02.04-Ипакчилик	Қорақалпоғистон Республикаси шароитида сув тежамкор технология асосида оналик тутзор ташкил этиш ва қатор ораларида кўчат етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш	Батирова Азиза Нигмуратовна қ.х.ф.д., доцент
55	Нуров Муроджон Мансур ўғли	06.02.04-Ипакчилик ва Тутчилик	Озуқа берувчи тутзорларнинг вегетацион холатини био-географик рақамли тизимлар асосида баҳолаш	Жумағулов Қахрамон Алиевич қ.х.ф.ф.д., доцент
56	Азамов Азамат Алишер ўғли	06.02.05-Балиқчилик	Ўзбекистон шароитида аквапоника тизимида балиқ етиштиришнинг биологик асослари ва самарадорлигини ошириш	Донаев Хусниддин Абдиалимович қ.х.ф.ф.д., доцент

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
57	Ўмиров Жавохир Шароф ўғли	06.03.01-Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо етиш	Кавказ қатранғиси (*Celtis caucasica)* кўчатларини кўпайтириш ва етиштириш технологияси	Хамроев Хусан Фатхуллаевич қ.х.ф.ф.д., доцент
58	Абдумаликов Шерхон Ҳусанхонович	06.03.01-Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо етиш	*Robinia pseudoacacia Umbraculifera*ни Наманган вилояти шароитида кўпайтириш ва етиштириш технологияси	Абдихалил Кайимов қ.х.ф.д., профессор
59	Эргашев Бэкзод Нормўмин ўғли	06.03.01-Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо етиш	Автомобил йўл бўйи ҳимоя дарахтзорларини барпо етишда жийда (*Elaeagnus angustifolia* L.) турларидан фойдаланишнинг илмий асослари	Турдиев Сайдали Ашурович қ.х.ф.д., профессор
60	Мамадалиева Собира Баҳодир қизи	06.03.01-Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо етиш	Довуд буддлеяси биоэкологияси манзаравийлиги ва купайтириш технологияси	Номозов Жасурбек Мамаражаб ўғли қ.х.ф.ф.д.
61	Муталлиев Абдулфайзхон Акмалжон ўғли	06.03.01-Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо етиш	Аризона сарвсини (*Hesperocyparis arizonika*) кўпайтириш технологияси (Наманган шароитида)	Мисирова Сурайё Абдумуталовна қ.х.ф.д., профессор

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
62	Нишонов Умиджон Тоир ўғли	06.03.01-Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо етиш	Бино ва иншоотлар устки қисмини кўкаламзорлаштириш технологияси	Холмуродов Мансур Зарипбаевич қ.х.ф.ф.д., доцент
63	Оқбоева Ҳусннора Акмал қизи	06.03.03-Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва агрофармэкологияси	Тошкент воҳаси шароитида Олаўт (*Silybum marianum* (L.) Gaertn.) нинг истиқболли экоформаларини танлаш	Аманова Мавлуда Мустафакуловна б.ф.ф.д., доцент
64	Рахимова Жамила Шавкат қизи	06.03.03-Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва агрофармэкологияси	Турли шароитларида ўрмон тугмачагули *Malva sylvestris* L.) ни интродукцияси ва плантацияларни ташкил этиш	Қайсаров Ваҳобжон Тўхтамишевич б.ф.н, доцент
65	Эшчанов Жушкин Юсупбой уғли	06.03.03-Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва агрофармэкологияси	Интродукция шароитида қора маржон дарахт (*Sambucus nigra* L.) нинг адаптация жараёнларини агрофармэкологик таҳлили ва кўпайтириш усуллари	Тухтаев Бобакул Ёрқулович б.ф.д., профессор
66	Тожиев Абдулазиз Расулжон ўглти	08.00.04-Кишлок хўжалиги иктисодиёти	Ўзбекистонда ўсимликлар химоясини ташкил етишнинг иктисодий асослари	Абдувасиков Абдуазиз Абдулазизович и.ф.ф.д., профессор
67	Исламова Малика Илёс қизи	08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	Ўзбекистонда дуккакли экинлар етиштиришда инновацион ёндашувлар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш	Саидов Мухаммад Али Хакимович и.ф.д., профессор
68	Йўлдошева Моҳичеҳра Мусурмон қизи	08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	Камбағалликни қисқартиришда томорқа хўжаликларини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	Саидов Мухаммад Али Хакимович и.ф.д., профессор
69	Ахадова Хилола Рустам кизи	08.00.08-Бухгалтерия хисоби, иқтисодий тахлил ва аудит	Применение метода аудита и анализа в судебно-бухгалтерской экспертизе	Раззақов Жасур Хамробоевич и.ф.д., профессор

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
70	Якубов Санжарбек Фозилбекович	08.00.08-Бухгалтерия хисоби, иктисодий тахлил ва аудит	Суғурта ташкилотларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш масалалари	Озод Машарипов и.ф.н., профессор
71	Сабирова Нодира Комил қизи	08.00.08-Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит	Development of enterprise financing system and audit	Раззақов Жасур Хамробоевич и.ф.д., профессор
72	Алимбоев Жасурбек Сабит ўғли	08.00.13-Менежмент	Қишлоқ ҳудудларида маҳаллабай тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш йўллари	Хайдар Кувнаков и.ф.д., доцент
ДОКТОРАНТУРА (DSc)				
1	Якубжонова Нодирахон Авазхон қизи	03.00.10-Экология	Тошкент воҳаси шароитида чилонжийда навларининг биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш ва етиштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш	Махкамов Тробжон Хусанбоевич б.ф.д., доцент
2	Баракаева Дилдора бахриддин қизи	03.00.10-Экология	“*Ferula tadshikorum* va *Ferula moschata* ўсимликларида биологик фаол бирикмаларнинг кимёвий профили, биологик фаоллиги, экологик-агротоксикологик детерминантлари	-
3	Утемуратова Феруза Жумамуратовна	03.00.15-Ихтиология	Ўзбекистонда аквакултура ва балиқчилик обектларининг технологик сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва балиқчилик тармоғи ривожланишининг тўйинганлик даражасини асослаш	Юлдашов Мансур Арзикулович б.ф.д., профессор
4	Баротова Аниса Раззоковна	06.01.05-Селекция ва уруғчилик	Ёпиқ ҳудудларида юқори сифатли помидор навларини биофортификация ва генетик манбаларни яратишнинг илмий асослари	Холмуродова Гўзал Рўзиевна қ.х.ф.д., профессор
5	Шарипова Шохсанам Шухрат қизи	06.01.06-Сабзавотчилик	Хитой гулли карами *(Brassica rapa var. parachinensis)*нинг ҳосили ва уруғларини етиштириш технологиясини илмий асослаш	Хуррамов Улуғбек Холмамтович қ.х.ф.д., профессор
6	Эгамбердиев Собир Йўлдошович	06.01.06-Сабзавотчилик	Жиззах вилояти тупроқ иқлим шароитида томатдош сабзавот экинларини етиштиришда сув тежамкор усул ва технолтгияларни қўллашнинг илмий асослари	Юнусов Салохиддин Адхамович қ.х.ф.д., профессор
7	Зухриддинов Мухриддин Рахмон ўғли	06.01.08-Ўсимликшунослик	Суғориладиган ва лалми ерларда рижик навларидан юқори ва сифатли ҳосил	Азизов Бахром Музаппарович қ.х.ф.д., профессор

№	Ф.И.О.	Ихтисослик шифри ва номи	Докторлик диссертация мавзуси	Илмий раҳбар (маслаҳатчи) нинг Ф.И.Ш. даражаси ва унвони
			етиштириш технологиясининг илмий асослари	
8	Худайбердиева Лайло Абдисаматовна	06.01.11-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	Олхўри меваларини қуритишда ресурстежамкор технологияларни қўллашни илмий асослаш	-
9	Юсупов Нурали Шералиевич	06.01.11-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари	Истеъмолга яроқли қўзиқорин навларини қуритишда ресурс тежамкор усулларни қўллаш орқали технологик жараёнларни оптималлаштириш	-
10	Казакова Сахобат Одилбековна	06.02.01-Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қоракўлчилик	Симментал зотли сигирлар ва улар авлодларини селекциялашнинг илмий асослари	Рўзибоев Нуриддин Рахимович қ.х.ф.д., профессор
11	Асраев Усман Насирович	06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси	Ўзбекистон шаротида симентал зотли сигирларнинг хужалик фойдали белгилари ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда биологик актив моддаларни қўллашнинг илмий асослари	Кахраманов Боймахмат Абдиазизович қ.х.ф.д., доцент
Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига 02.00.10 – "Биоорганик кимё" ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга "Табиий фанлар" кафедрасининг 2025 йил 23-декабрдаги 5-сон ҳамда "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш" факультети Кенгашининг 2025 йил 26-декабрдаги 5-сон йиғилиш баённомалари асосида "Табиий фанлар" кафедраси доценти, к.ф.ф.д. (PhD) Баракаева Дилдора Бахриддин қизини номзодини тавсия этиш бўйича Университет Кенгаш аъзоларидан фикр ва таклифлар сўралди.

8. "Хорижий тиллар" кафедраси в.в.б. доценти Нарматова Гулчехра Абдикаримовнани 10.00.04 – "Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти" ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12сентябрдаги 2793-3 рақам билан рўйхатдан ўтказилган Олий аттестация комиссиясининг "Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низоми"нинг 4-§. **ОТМ мутахассисларига доцент илмий унвонини беришнинг 20-банди** "Доцент

илмий унвони истисно тариқасида, мазкур Низомнинг умумий ва қуйидаги талабларни бажарган илмий даражага эга бўлмаган юқори малакали мутахассисларга (маданият ва санъат назарияси ҳамда тарихи бўйича мутахассислар бундан мустасно) берилиши мумкин":

а) тегишли олий маълумотга эга бўлган;

Нарматова Гулчеҳра Абдикаримовна 2008-йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини "Инглиз тили (лингвистика)" мутахассислигига эга бўлган (М № 032289).

б) камида 5 йиллик педагогик ва илмий, жумладан ОТМда 3 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

*Нарматова Гулчехра Абдикаримовнанинг умумий иш стажи – 26 йил, шундан педагогик-илмий иш стажи – **20 йил**. Тошкент давлат аграр университетида 2013 йилдан буён ишлаб келмоқда, университетдаги педагогик иш стажи – **12 йил**.*

в) мазкур Низом 19-бандининг «в» кичик банди талабини бажарган;

(в) камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг штатида кафедра мудири, профессор (вазифасини бажарувчи), **доцент (вазифасини бажарувчи)** ёки олий ҳарбий таълим муассасаларида катта ўқитувчи, кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи ёхуд ушбу лавозимларнинг бирида бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкламасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби, ОТМнинг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларининг бирида муваффақиятли ишлаб келаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимда ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади)).

Тошкент давлат аграр университети ректорининг 2025 йил 17 январдаги 1-6-6/68-сон буйруғига асосан Нарматова Гулчехра Абдикаримовна "Хорижий тиллар" кафедраси доценти лавозимида фаолияти 1 йил ҳисобланади.

г) илмий-тадқиқот, ижодий ишлари бўлган, жумладан ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги илмий журналларда **камида 3 та илмий мақола чоп эттирган:**

*Нарматова Гулчехра Абдикаримовнанинг **23 та** илмий ишларидан, жумладан: **2 та** республика ва **5 та** хорижий журналида мақолалар, шунингдек, **10 та** халқаро ва **6 та** республика илмий-амалий конференцияларда тезислар чоп этилган.*

д) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан таълим турларининг бирида фойдаланилаётган **1 та дарслик (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та)** (маданият, санъат, архитектура, спорт ва жисмоний тарбия йўналишлари бундан мустасно) ҳамда **якка муаллифликда 1 та ўқув қўлланма нашр эттирган** (ўқув қўлланма бўлмаганда белгиланган меъёрдан ташқари нашр эттирилган **дарслик** ҳам ўқув қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин), шунингдек тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун қўшимча равишда 1 та монография чоп эттирган.

*Нарматова Гулчехра Абдикаримовна томонидан **3 та** дарслик, **2 та** ўқув қўлланма, **1 та** услубий қўлланма чоп этилган бўлиб, шундан, махсус нашр*

*рухсатномаси асосида якка муаллифликда **1 та** дарслик ва **1 та** ўқув қўлланма чоп этилган.*

э) мутахассислик кафедрасида ишлаётган талабгор **камида 4 нафар** бакалавриатура таълим йўналишининг битирувчи талабасига илмий раҳбарлик қилган ёки давлат стипендиялари танловлари ёхуд халқаро ёки республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган.

Нарматова Гулчехра Абдикаримовна илмий раҳбарлигида 5 нафар "Битирув малакавий иши" тайёрланган.

ХУЛОСА. Олий аттестация комиссиясининг "Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низоми"нинг 4-§. ОТМ мутахассисларига доцент илмий унвонини беришнинг 20-бандини бажаришда талабгор Нарматова Гулчехра Абдикаримовна томонидан 10.00.04 – "Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти" ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга тақдим этиладиган меъёрий ҳужжатлар тўплами **100 фоизга** бажарилган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига 10.00.04 – "Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти" ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга "Хорижий тиллар" кафедрасининг 2026 йил 26 февральдаги 6-сон ҳамда "Қўшма таълим дастурлари" факультети Кенгашининг 2026 йил 27 февральдаги 5-сон йиғилиш баённомалари асосида "Хорижий тиллар" кафедраси в.б., доценти Нарматова Гулчехра Абдикаримовнанинг номзодини тавсия этиш бўйича Университет Кенгаш аъзоларидан фикр ва таклифлар сўралди.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кенгаш котиби О.Сатторовнинг "Илмий унвон олиш учун ОАКга аттестация йиғма жилдларини топширган талабгорлар ҳужжатлари муҳокамаси" бўйича ахбороти **маълумот** учун қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат аграр университетидан доцент илмий унвонини олиш учун ОАКга аттестация йиғма жилдларини топширишга:

Муминова Раъно Далабаевна – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 06.01.09 – "Ўсимликларни ҳимоя қилиш" ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

Шокиров Алишер Жўрабоевич – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 06.01.06 – "Сабзавотчилик" ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

Атакулов Тухтамурод Умарович – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 06.01.02 – "Мелиорация ва суғорма деҳқончилик" ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

Намозов Нормамат Чориевич – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 06.01.03 – "Агротупроқшунослик ва агрофизика" ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олишга тавсия

этилсин.

Ташпулатов Уйгун Бекмурзаевич – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 06.01.09 – “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

Иргашева Нилуфар Рихсимовна – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 06.01.09 – “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

Баракаева Дилдора Бахриддин қизи – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 02.00.10 – “Биоорганик кимё” ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

Нарматова Гулчехра Абдикаримовна – ёпиқ овоз бериш натижасига (розилар – .... та, қаршилар – .... та, бетарафлар – .....) асосан 10.00.04 – “Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти” ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонини олишга тавсия этилсин.

3. Кенгаш котиби О.Сатторовга:

Тошкент давлат аграр университетидан доцент илмий унвонини олиш учун ОАКга аттестация йиғма жилдларини топширган талабгор профессор-ўқиувчиларнинг ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига **10 кун муддатида** юбориш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

9.10-МАСАЛА

Доцент ва профессор лавозимларини вақтинча бажариб келаётган, бироқ тегишли илмий даража ва/ёки илмий унвон тўғрисидаги дипломга эга бўлмаган профессор-ўқитувчиларнинг лавозимга мувофиқлиги масаласи тўғрисида

Маърузачи: Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Д.Мамадияров

Ушбу маълумотнома университет кафедраларида доцент ва профессор лавозимларини вақтинча бажариб келаётган, аммо амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланган илмий даража ва/ёки илмий унвон тўғрисидаги дипломга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар тўғрисида маълумот бериш ҳамда уларнинг лавозимга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш мақсадида тайёрланди.

Ўрганишлар натижасида аниқланишича, Хорижий тиллар, Ветеринария медицинаси, Агроиқтисодиёт, Олий математика, Агробизнесни бошқариш ва логистика, Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда Ҳуқуқшунослик кафедраларида фаолият юритаётган айрим профессор-ўқитувчилар университет Илмий кенгаши қарорлари ҳамда университет ректори буйруқлари асосида в.в.б. (вақтинча вазифани бажарувчи) ёки в/б (вақтинча бажарувчи) сифатида доцент ёки профессор лавозимларига тайинланган. Қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бироқ, мазкур ходимларнинг бир қисми:

илмий даражага эга эмас;

ёки мавжуд илмий даражага мувофиқ равишда илмий унвон (доцент ёки профессор) дипломини олмаган;

шунингдек, белгиланган муддат давомида лавозим талабларига мос ҳужжатларни расмийлаштириш чораларини кўрмаган. Қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

№	Ф.И.Ш.	Лавозим номи	Илмий даражаси	Илмий унвони	в.в.б тайинланган вақти	Асос	Ортиқча вақт
Хорижий тиллар кафедраси							
1	Мирзаева Мухаббат Жалоловна	доцент в.б.	йўқ	йўқ	11.11.2024 й 1-6-6/1021	Илмий кенгаш мажлиси 26.10.2024 й. 2/3-сонли баёни	3 ой
2	Нарматова Гулчехра Абдикаримовна	доцент в.б.	йўқ	йўқ	17.01.2025 й 1-6-6/68	Илмий кенгаш мажлиси 26.12.2024 й. 4-сонли баёни	
Ветеринария медицинаси кафедраси							
3	Амиров Абдумумин Икромович	доцент в.в.б.	йўқ	йўқ	09.04.2024 1-6-6/324	Илмий кенгаш мажлиси 29.03.2024 й. 8-сонли баёни	9 ой
Агроиқтисодиёт кафедраси							
4	Халиков Суюн Равшанович	профессор в.б.	Иқтисод фанлари номзоди	доцент	19.09.2024 й 1-6-6/808	Илмий кенгаш мажлиси 29.08.2024 й. 1-сонли баёни	5 ой
Олий математика кафедраси							
5	Сафаров Ойбек Абдикаюмович	доцент в.б.	йўқ	йўқ	09.04.2024 й 1-6-6/323	Илмий кенгаш мажлиси 29.03.2024 й. 8-сонли баёни	9 ой

6	Сафаров Бунёд Қурбонович	доцент в.б.	йўқ	йўқ	08.01.2024 й 1-6-6/36	Илмий кенгаш мажлиси 13.12.2023 й. 5-сонли баёни	1 йил
Агробизнесни бошқариш ва логистика кафедраси							
7	Сиддиков Захид Тулкунович	профессор в.б.	Иқтисод фанлари номзоди	доцент	12.09.2024 й 1-6-6/695	Илмий кенгаш мажлиси 29.08.2024 й. 1-сонли баёни	5 ой
Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси							
8	Исамухамедов Салих Шукурович	профессор в.б.	Биология фанлари номзоди	доцент	06.09.2024 й 1-6-6/615	Илмий кенгаш мажлиси 29.08.2024 й. 1-сонли баёни	5 ой
Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш кафедраси							
9	Таджибекова Ирода Эмилевна	доцент в.б.	йўқ	йўқ	08.01.2024 й 1-6-6/36	Илмий кенгаш мажлиси 13.12.2023 й. 5-сонли баёни	1 йил
Агроиқтисодиёт кафедраси							
10	Халмухамедова Зебохон Бабахановна	доцент в.б.	йўқ	йўқ	10.01.2024 й 1-6-6/49	Илмий кенгаш мажлиси 13.12.2023 й. 5-сонли баёни	1 йил
Ҳуқуқшунослик кафедраси							
11	Умурзакова Наргизахон Мухтаровна	доцент в.б.	йўқ	йўқ	16.09.2024 й 1-6-6/748	Илмий кенгаш мажлиси 29.08.2024 й. 1-сонли баёни	5 ой

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, профессор-ўқитувчилар таркибини лавозимга тайинлаш ва уларнинг лавозимга мувофиқлигига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, мазкур ҳолат лавозим талабларига номувофиқ ҳисобланади.

Таклиф

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

Илмий даража ва илмий унвон тўғрисидаги дипломга эга бўлмаган ҳолда доцент лавозимларини вақтинча бажариб келаётган профессор-ўқитувчиларни катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи лавозимларидан бирига тушириш;

профессор лавозимларини вақтинча бажариб келаётган профессор-ўқитувчиларни амалдаги талабларга мувофиқ равишда қуйи доцент лавозимга тушириш;

ёки белгиланган тартибда ҳужжатларини расмийлаштириш учун аниқ муддат белгилаш.

Белгиланган муддатда илмий даража ва илмий унвон бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмаган тақдирда, лавозимни сақлаб қолиш масаласини қайта кўриб чиқиш.

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан мазкур ҳолатлар юзасидан қатъий назорат ўрнатиш ва университет раҳбариятига ахборот киритиб бориш.

Университет кафедраларида профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозимга мувофиқлигини ўрганиш натижалари, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини инобатга олиб, Университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Илмий даража ва/ёки илмий унвон тўғрисидаги дипломга эга бўлмаган ҳолда доцент ёки профессор лавозимларини вақтинча бажариб келаётган 1-жадвалда келтирилган профессор-ўқитувчилар **лавозим талабларига номувофиқ деб топилсин.**

2. Мазкур профессор-ўқитувчилар:

белгиланган тартибда илмий даража ва илмий унвон бўйича ҳужжатларни расмийлаштиргунга қадар профессор вазифасини вақтинча бажарувчи Халиков Суюн Равшанович, Сиддиков Захид Тулкунович, Исамухамедов Салих Шукуровичлар қуйи **доцент лавозимига туширилсин.**

доцент вазифасини вақтинча бажарувчи Мирзаева Мухаббат Жалоловна, Нарматова Гулчехра Абдикаримовна **ўқитувчи лавозимига,** Амиров Абдумумин Икромович, Сафаров Ойбек Абдикаюмович, Сафаров Бунёд Қурбонович, Таджибекова Ирода Эмилевна, Халмухамедова Зебохон Бабахановна, Умурзакова Наргизахон Мухтаровна **катта ўқитувчи лавозимига туширилсин.**

3. Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи С.Хамдамовага:

ушбу қарор асосида тегишли буйруқ лойиҳаларини тайёрлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг лавозимга мувофиқлигини доимий мониторинг қилиб бориш;

белгиланган муддатларда илмий даража ва илмий унвон бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш вазифалари юклатилсин.

4. Тегишли кафедра мудирлари мазкур қарор ижросини таъминласин ва белгиланган тартибда раҳбариятга ахборот киритсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

9.11-МАСАЛА

Тошкент давлат аграр университетига баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишдан олдин талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича тушган аризалар тўғрисида ахборот

Маърузачи: Қабул жараёнини ташкил этиш сектори бошлиғи Е.Бердибаев

Баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишдан олдин талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича аризаларни онлайн рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларни кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Университет ректорининг 2026 йил 19-январда 1-9-6/12-сон буйруғи қабул қилинди.

Талабалар томонидан ўқишни тиклаш, таълим шаклини ўзгартириш ҳамда таълим йўналишини ўзгартириш бўйича **Transfer.edu.uz** тизими орқали келиб (10-20 январ муддатда) тушган аризалар сони жами **156 та** тушган бўлиб, шундан, **93 таси** (*59,6%*) ўқишни қайта тиклаш, **42 таси** (*26,9%*) таълим шаклини ўзгартириш ва **21 таси** (*13,5*) таълим шакли ҳамда йўналишини ўзгартириш юзасидан мурожаат этган.

Ариза турлари бўйича маълумот

№	Келиб тушган аризалар	Сони	Кўриб чиқилгандан кейинги ҳолати	Сони
1	Ўқишни тиклаш	**93**	Ўқишни тиклаш	**93**
2	Таълим шаклини ўзгартириш	**42**	Таълим шаклини ўзгартириш	**55**
3	Шакл ва йўналишни ўзгартириш	**21**	Шакл ва йўналишни ўзгартириш	**8**
ЖАМИ:		**156**	**ЖАМИ:**	**156**

Ўқишни тиклаш бўйича келиб тушган **93 та** мурожаатнинг энг катта қисми, яъни **76 нафар** талаба (81%) айнан сиртқи таълим шаклидан яна сиртқи таълим шаклига ўқишини тиклашни сўраган бўлиб, Ўрмончилик (**10 та**), Агрономия (**6 та**) ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш (**6 та**) йўналишларига тўғри келади. Шунингдек, **9 нафар** талаба ўқишини кундузги таълим шаклидан кундузги шаклга тиклаш бўйича мурожаат қилган бўлса, **2 нафар** кундузгидан сиртқига, **2 нафари** сиртқидан кундузгига, **2 нафари** сиртқидан масофий таълим шаклига ва **1 нафар** талаба Иккинчи олий таълимга ўқишини тиклаб бериш тўғрисида мурожаат қилган.

Ўрганиш натижалари бўйича, Таълим шаклини ўзгартириш бўйича келиб тушган **55 (42) та** ариза таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг кўпчилиги - **50 таси** (***91%***) кундузги таълим шаклидан сиртқи таълим шаклига ўтиш истагини билдирган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу **55 та** аризанинг **31** (*56%*) таси Юриспруденция таълим йўналиши талабалари ҳиссасига тўғри келади.

Таълим шакли ва йўналишини ўзгартириш бўйича **8 (21) та** ариза келиб тушган (*Ўсимликлар карантини ва ҳимояси таълим йўналишига* **-3 нафар,** *Агрокимё ва тупрошунослик таълим йўналишига* – **2 нафар**, *Ветеринария медицинасига* - **2 нафар** ва *Иқтисодиёт* таълим йўналишга 1 нафар).

Аризалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13-сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотлари

талабалари ўқишини кўчириши, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан кўриб чиқилмоқда.

Баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишидан олдин талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича аризаларни онлайн рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларни кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Университет ректорининг 2026 йил 19 январдаги 1-9-6/12-сон буйруғи қабул қилинганлиги, шунингдек, талабалар томонидан Transfer.edu.uz ахборот тизими орқали белгиланган муддатларда (2026 йил 10–20 январь) келиб тушган мурожаатлар таҳлили натижаларини инобатга олиб, Университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент давлат аграр университетига баҳорги семестр ўқув машғулотлари бошланишдан олдин талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича тушган аризалар тўғрисида Қабул жараёнини ташкил этиш сектори бошлиғи Е.Бердибаевни ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

Талабаларнинг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва таълим шакли ҳамда йўналишини ўзгартириш бўйича барча қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 13-сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ **қабул қилинган деб топилсин.**

2. Қабул жараёнини ташкил этиш сектори бошлиғи Е.Бердибаевга:

Келиб тушган аризаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13-сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириши, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан кўриб чиқиш;

ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва таълим шакли ҳамда йўналишини ўзгартириш бўйича келиб тушган аризалар асосида университет ректорини буйруқ лойиҳасини тайёрлаш ва киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Ўқишни тиклаш бўйича келиб тушган жами **93 нафар** талабгорлардан **92 та** талабгор аризаси (*истисно тариқасида тикланаётган таълим йўналиши мавжуд бўлмаган тақдирда)* **рухсат этилсин;**

турдош бўлган йўналишга тиклашга мос йўналиш бўлганда турдош йўналишга тиклашга **рухсат этилмасин.**

4. Таълим шаклини ўзгартириш бўйича келиб тушган **55 та** ариза (шундан 50 таси *кундузгидан-сиртқига*, 5 таси *Масофавийдан-кундузгига*, 2 таси *кечкидан-масофавийга* ва 1 таси *масофавийдан-кундузгига)* университетнининг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклини ўзгартиришга **рухсат этилсин ёки этилмасин.**

5. Таълим шакли ва таълим йўналишини ўзгартириш бўйича келиб тушган **8 та ариза** қаноатлантирилмаслиги тўғрисида университет ректорининг тегишли буйруғини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўқув ишлари бўйича проректор С.Бобоев зиммасига юклатилсин.

9.12-МАСАЛА

Университетда маданий-маърифий ишларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимларни соғломлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Маърузачилар: Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Д.Мамадияров, Университет Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ў.Соатов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сонли “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Қарори, Ўзбекистон Республикаси “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси 8-бандида белгиланган меъёрлар ҳамда Тошкент давлат аграр университетининг 2024-2026 йилларга мўлжалланган “Жамоа шартномаси”нинг XI боби, 11.2-бандига мувофиқ университет профессор-ўқитувчилари ҳамда ишчи-ходимлари учун маданий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш, шунингдек, ходимларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, дам олишини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, университетда маданий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт ва жисмоний тарбия фаолиятини ривожлантириш, ходимларни соғломлаштириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида махсус ишчи гуруҳ тузиш зарурати юзага келмоқда.

Шу муносабат билан университетда маданий-маърифий тадбирлар, жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ташкил этиш, ходимларни соғломлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш масалаларини мувофиқлаштириш ва самарали амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ тузиш ҳамда ушбу ишчи гуруҳ зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш назарда тутилади.

- Университетда ўтказиладиган маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт тадбирларини юқори савияда ташкил этиш;

- маданий-маърифий ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларида фаол иштирок этган ва мусобақалар ғолиблари бўлган ходимларни муносиб тақдирлаш;

- ходимларнинг мароқли хордиқ олишлари учун концерт ва театр томошаларига чипталар харид қилиш;

- меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғлигини тиклашлари учун санаторияларга ва дам олиш уйларига йўлланмалар харид қилиш;

- ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож ходимларни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш вазифаларини юклаш тавсия этилмоқда.

Университетда ўтказиладиган маданий-маърифий, илмий, спорт ҳамда бошқа оммавий тадбирларни юқори савияда, сифатли ва самарали ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш жараёнида юзага келадиган ташкилий, техник ва хўжалик билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида университетнинг буджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Касаба уюшмаси

қўмитаси ҳисоб рақамига жами 70 000 000 (етмиш миллион) сўм миқдорида маблағни молиявий кўмак сифатида ажратиш ва белгиланган тартибда ўтказиш таклиф этилмоқда.

Мазкур маблағлар тадбирларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, иштирокчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, рағбатлантириш ишлари ҳамда университет жамоаси учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Университетда маданий-маърифий тадбирлар, жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари ўтказиш, ходимларни соғломлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ишчи гуруҳ тузишга рухсат берилсин.

2. Университетда ўтказиладиган тадбирларни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий харажатларни қоплаш мақсадида университетнинг буджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобига жами 70 000 000 (етмиш миллион) сўм маблағни молиявий кўмак тариқасида ўтказиш таклифига розилик берилсин.

3. Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Д.Мамадияров, Бош ҳисобчи Х.Хаитов:

Ўтказиладиган тадбирларни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий харажатларни қоплаш мақсадида университетнинг буджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобига жами 70 000 000 (етмиш миллион) сўм маблағни молиявий кўмак тариқасида ўтказишни амалга оширсин.

4. Университет Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ў.Соатов:

Ўтказиладиган пул маблағларини белгиланган тартибда ҳисоб-китоб шартномаларга асосан ўтказиш ва икки томонлама далолатномага асосан ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Д.Мамадияров зиммасига юклатилсин.

9.13-МАСАЛА

Голубиканинг “Porloq”, “Meros”, “Feruza” ва “Do‘stlik” навлари бўйича муаллифлар таркиби ва улушини тасдиқлаш ҳамда нав синаш марказига тақдим этиш тўғрисида

Маърузачи: Мевачилик ва узумчилик кафедраси катта ўқитувчиси А.Ч.Қурбонмуродов

Тошкент давлат аграр университети, Мевачилик ва узумчилик кафедраси профессор-ўқитувчилари А.Ч.Қурбонмуродов ва бошқалар томонидан аналитик селекция усулида ажратиб олинган намунадан якка ва оилавий танлаш орқали ҳамда селекцион баҳолаш натижаларига кўра Голубиканинг (*Vaccinium uliginosum* L.) янги яратилган “*Porloq, Meros, Feruza, Do‘stlik*” навларини Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига тақдим этиш учун тавсия этиш сўралади.

Голубиканинг (*Vaccinium uliginosum* L.) “*Porloq, Meros, Feruza, Do‘stlik*” навлар мевалари озиқ-овқат сифатида аҳамиятлидир. Шунга кўра, ушбу навларни Давлат рейестрига киритиш муҳим саналади.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультетининг 2026 йил 23-январдаги 6-сон мажлис баённомасига мувофиқ муаллифлик улуши жумладан;

“Porloq” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 20%, “*Meros*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 20%, “*Feruza*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 20%, “*Do‘stlik*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 10%, 10% этиб белгилаш муаллифлик варақасида келтирилиши бўйича таклифи берилган.

Шу муносабат билан Голубиканинг (*Vaccinium uliginosum* L.) “*Porloq, Meros, Feruza, Do‘stlik*” навларини Қишлоқ хўжалик экинлари навларини нав синаш Маркази ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк марказига тавсия этиш бўйича таклифлар беришни Кенгаш аъзоларидан сўралди.

Берилган таклифларни инобатга олган ҳолда Университет Кенгаши

ЛОЙИҲА

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида яратилган **“***Porloq*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 20%, “*Meros*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 20%, “*Feruza*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 20%, “*Do‘stlik*” навига улуш ҳаммуаллифларга А.Ч.Қурбонмуродов 55%, 25%, 10%, 10% этиб белгилаш муаллифлик варақасида келтирилиши бўйича таклифи маъқулансин.

2. Нав гувоҳномасини олиш учун “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Маркази” давлат муассасасига тақдим этишга тавсия этилсин.

3. Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида яратилган Голубиканинг (*Vaccinium uliginosum* L.) “*Porloq, Meros, Feruza, Do‘stlik* навларига патент олиш учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк марказига тақдим этишга тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори К.Султонов зиммасига юклатилсин.

9.14-МАСАЛА

Илмий даража ва унвон олган профессор-ўқитувчиларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ғолибларини, Халқаро кимё ва математика фан олимпиадаси ғолибларини, “Менинг агростартап лойиҳам” танловининг университет босқичи ғолибларини ҳамда “Йилнинг энг фаол факультет декани, декан ўринбосари, факультет координатори” номинациялари бўйича университет босқичи ғолибларини тақдирлаш

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси в.в.б. профессори **Шаумаров Хикмат Бахрамович** 06.01.11 – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш” ихтисослиги бўйича **профессор** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 90 372 09 09

2. Табиий фанлар кафедраси в.в.б. профессори **Абдуллаев Фазилжон Турсунович** Юқори молекулар бирикмалар ихтисослиги бўйича **профессор** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 94 505 13 30

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети декани **Эшонқулов Жамолиддин Сапорбой ўғли** 06.01.02 – “Мелиорация ва суғорма деҳқончилик” ихтисослиги бўйича **профессор** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 94 349 92 00

4. Агрономия агротехнологиялар кафедраси доценти **Чоршанбиев Умурзоқ Йўлдашович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 97 703 22 80

5. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси **доценти Хамираев Ўрал Кахрамонович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 97 122 33 00

6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси доценти **Рустамов Атхам Ахматович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 97 770 86 94

7. Ҳуқуқшунослик кафедраси в.в.б. доценти **Исанов Холмурод Рузиевич** 12.00.03 – “Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 99 369 22 69

8. Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси в.в.б. доценти **Абдурасулов Шавкат Абдурасул ўғли** 03.00.06 – “Зоология” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 94 652 95 81

9. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси в.в.б. доценти **Очилов Мусирмон Абдурахимович** 06.01.11 – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 90 992 20 64

10. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш кафедраси в.в.б. **Қурбонов Фазлиддин Қулмаматович** 05.07.01 – “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация

ишларини механизациялаш” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 90 132 32 57

11. Агрономия ва агротехнологиялар кафедраси в.в.б. доценти **Хикматов Шерзод Тухтамуродович** 06.01.02 – “Мелиорация ва суғорма деҳқончилик” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 97 760 86 16

12. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси в.в.б. доценти **Худайбердиева Умида Саидрасуловна** 06.02.04 – “Ипакчилик” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олганлиги учун тақдирланади. 88 135 79 77

13. Агробизнесни бошқариш ва логистика кафедраси катта ўқитувчиси **Исоходжаева Зулфия Шухратуллаевна** иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 90 045 50 59

14. Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси ассистенти **Темурмалик Очилов** қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 94 676 04 33

15. Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси ассистенти **Эгамбердиев Шахзод Баходир ўғли** қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 90 358 74 41

16. Тарбиячи педагог **Рўзиев Алишер Холиёрович** қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганлиги учун тақдирланади. 97 538 34 00

17. Агрономия ва агротехнологиялар кафедраси доценти **Абдалова Гулистон Нурановна “Муътабар аёл”** кўкрак нишони билан мукофотланганлиги учун тақдирланади. 97 355 05 10

18. Мамасолиев Ашурмат Халтаевич И.К. Аивазовский номидаги Тасвирий санъат академиясининг **фахрий аъзоси** этиб сайланганлигини учун тақдирланади. 90 901 85 59

19. “Энергитиклар куни” ҳамда жойлардаги энергия самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-техникавий ўрганишларда фаол иштирок этганлиги учун Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш кафедраси доценти **Халиқназаров Уролбой Абдурахмонович** ҳамда кафедра катта ўқитувчиси **Файзуллаев Баходир Пахмитдин ўғли** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг **ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ** билан тақдиланади. 94 476 47 51

20. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири **Халмирзаева Сайёра Шукуровна** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ҳамда “Ўзбекистон 2030” стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишда қўшган муносиб ҳиссаси учун Зангиота тумани ҳокими ҳамда Янгийўл шаҳар ҳокими **ТАШАККУРНОМАСИ** билан тақдирланади. 99 873 69 40

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ғолибларини тақдирлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси магистратура мутахассислиги ғолиблари:

1. Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси мутахассислиги 2-босқич магистранти **Нурметова Фарида Ортиқ қизи** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Доривор ўсимликлар кафедраси профессори Тўхтаев Бобоқул Ёрқулович).*

2. Ветеринария жарроҳлиги мутахассислиги 2-босқич магистранти **Абдурахимов Исмоил Эрмухаммад ўғли** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Ветеринария медицинаси кафедраси доценти Ўлмасов Ботир Фарҳод ўғли).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси бакалавр босқичи ғолиби:

1. Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Минбаева Айгул Утепберген қизи** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Агроиқтисодиёт кафедраси профессори Абдувасиқов Абдуазиз Абдулазизович).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси докторантура ихтисослиги ғолиби:

1. 06.02.04 – Ипакчилик ихтисослиги таянч докторанти **Хақназарова Умида Урол қизи** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш кафедраси профессори Саимназаров Юлдаш Бекмирзаевич).*

Беруний номли давлат стипендияси ғолиблари:

1. Мева-сабзаводчилик ва узумчилик факультети, Мева-сабзаводчилик ва узумчилик таълим йўналиши талабаси **Хамраева Наврўза Зокир қизи** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Исломов Сохиб Яхшибекович).*

2. Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети Қишлоқ хўжалигида инноватsion техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши талабаси **Тапканов Диёрбек Бахтиёр ўғли** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Қишлоқ хўжалигини механизатсиялаштириш ва автоматлаштириш кафедраси доценти Мирзаходжаев Шерзодхужа Шохрухович).*

3. Ўсимликлар ҳимояси агрокимё ва тупроқшунослик факультети, Агрокимё ва тупроқшунос таълим йўналиши талабаси **Хожимурадов Суннатилло Боймурод ўғли** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти Содиқова Гулчеҳра Саторовна).*

4. Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари) бўйича таълим йўналиши талабаси **Холмирзаев Азизбек Акмалжон ўғли** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Агрономия ва агротехнологиялар кафедраси профессори Эшонқулов Жамолиддин Сапорбой ўғли).*

Навоий номли давлат стипендияси ғолиблари:

1. Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети Туризм таълим йўналиши талабаси **Умаров Хусан Бахромович** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Агроиқтисодиёт кафедраси доценти Саидова Дилдора Нурматовна).*

2. Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши талабаси **Мирхосилов Улуғбек Алишер ўғли** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Агроиқтисодиёт кафедраси профессори Очилов Илҳом Сайитқулович).*

Ислом Каримов номли давлат стипендияси ғолиби:

1. Агроиқтисодиёт логистика ва хизматлар факультети Юриспруденция таълим йўналиши талабаси **Нематов Нурсултон Шавкат ўғли** тақдирланади. **(***Илмий раҳбари Ҳуқуқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси Назаров Элбек Алимовеч).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловида фаол иштирок этган:

1. Туризм ва меҳмондўстлик мутахассислиги 2-босқич магистранти **Содиқова Гавҳар Хайрулла қизи** тақдирланади.

Беруний номли давлат стипендиясида фаол иштирок этганлиги учун:

1. Зооинжинерия факультети, Ветеринария медицинаси таълим йўналиши талабаси **Волинкина Анна Константиновна**;

2. Мева-сабзаводчилик ва узумчилик факультети, Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш таълим йўналиши талабаси **Сативалдиев Фурқатжон Азамжон ўғли**;

3. Ўсимликлар ҳимояси агрокимё ва тупроқшунослик факультети, Агрокимё ва тупроқшунос таълим йўналиши талабаси **Умархўжаева Рухсора Шуҳрат қизи** тақдирланади.

Навоий номли давлат стипендиясида фаол иштирок этганлиги учун:

1. Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши талабаси **Муҳаммадаминов Сарварбек Нодирбек ўғли;**

2. Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши талабаси **Насуллоева Малика Ботир қизи** тақдирланади.

Ислом Каримов номли давлат стипендиясида фаол иштирок этганлиги учун:

1. Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети, Рақамли иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Шарипов Равшан Розиқ ўғли;**

2. Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети, Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши талабаси **Ахмаджонов Жасурбек Хошимжон ўғли** тақдирланади.

Халқаро кимё ва математика фан олимпиадаси ғолибларини тақдирлаш

Ўзбекистонда илк бор ўтказилган халқаро кимё ва математика фан олимпиадасида иштирок этиб университетимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб йўқори натижаларни қўлга киритган бир қатор талабалар тақдирланади, жумладан:

1. Ветеринария медицинаси таълим йўналиши 25-124-гуруҳ талабаси **Арабов Абдумажид Раҳмонқул ўғли** кимё фани бўйича **3-ўрин бронза медали**ни қўлга киритганлиги билан тақдирланади.

2. Агрофизика ва агротупроқшунослик мутахассислиги 1-босқич магистранти **Турсунбекова Маржона Мухиддин қизи "Энг яхши кимёгар"** номинацияси бўйича сертификат ва медал билан тақдирланади. (*Илмий раҳбари Табий фанлар кафедраси ўқитувчиси Саиткулов Фозилжон Эргашевич*).

3. Математика фани бўйича Иқтисодиёт таълим йўналиши талабалари **Одилов Оғабек Азизбек ўғли, Амонов Бунёд Жумабой ўғли, Уданбоев Тоҳиржон Жавлонбек ўғли** "**Энг яхши математик**" номинацияси бўйича эътироф этилиб, сертификат ҳамда медал билан тақдирланади. (*Илмий раҳбари Олий математика кафедраси ўқитувчиси Манзура Холиқова*).

4. Халқаро кимё ва математика фан олимпиадасида фаол иштирок этганлиги учун Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит таълим йўналиши талабаси **Сатторова Дилсуз Санжар қизи;**

Иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Каримбоев Улуғбек Қувондиқ ўғли;**

Иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Роҳаталиев Жавлонбек Соатали ўғли;**

Иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Саъдуллаев Жамшид Алижон ўғли;**

Иқтисодиёт таълим йўналиши талабаси **Ахмаджонов Жавоҳир Музаффар ўғли;**

Тупроқшунослик мутахассислиги магистранти **Умматова Юлдуз Икромжон қизи;**

Агрокимё таълим йўналиши магистранти **Рўзматова Севинч Бахтиёр қизи** тақдирланади.

“Йилнинг энг фаол факультет декани”, “Йилнинг энг фаол факультет декан ўринбосари” ҳамда “Йилнинг энг фаол факультет координатори” номинациялари бўйича университет босқичи ғолиблари

Тошкент давлат аграр университети Матбуот хизмати томонидан Университет расмий телеграм саҳифасида **“Йилнинг энг фаол факультет декани”**, **“Йилнинг энг фаол факультет декан ўринбосари”** ҳамда **“Йилнинг энг фаол факультет координаторлари”** номинациялари бўйича сўровномалар ташкил этилди. Сўровномалар натижасига кўра:

1. “Энг фаол факультет декани” номинацияси бўйича:

1-ўрин – 4 206 та овоз билан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети декани **Эшонқулов Жамолиддин Сапарбой ўғли;**

2-ўрин – 3 531 та овоз билан Сиртқи (масофавий) таълим факультети декани **Юсупов Абдусалим Холбоевич;**

3-ўрин – 905 та овоз билан Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети декани **Джиянов Маъруф Рашидович** Диплом билан тақдирланади.

2. “Энг фаол факультет координаторлари” номинацияси бўйича:

1-ўрин – 4 384 та овоз билан Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети координатори **Холмўминов Самандар Муроджонович;**

2-ўрин – 3 604 та овоз билан Агроиқтисодиёт, логистика ва хизматлар факультети координатори **Абдурайимов Абдулазизбек Алибекович;**

3-ўрин – 547 та овоз билан Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети координатори **Мирзаев Билолиддин Ўктамжонович** Диплом билан тақдирланади.

3. “Энг фаол факультет декан ўринбосари” номинацияси бўйича:

1-ўрин – 868 та овоз билан Сиртқи (масофавий) таълим факультети декан ўринбосари **Элбобоев Абдуғани Шухрат ўғли;**

2-ўрин – 776 та овоз билан Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети декан ўринбосари **Эргашев Миродил Махамадович;**

3-ўрин – 717 та овоз билан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети декан ўринбосари **Усанов Ориф Мамашукурович** Диплом тақдирланади.

“Менинг агростартап лойиҳам” танлови университет босқичи ғолибларини РЎЙХАТИ

№	Ф.И.Ш.	Факультет номи	Стартап лойиҳаси номи
1.	Юнусова Гулчирой Юнус қизи	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети 2-босқич талабаси	Терролифт
2.	Эркинова Нигина Акмал қизи	Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети 2-босқич талабаси	Иновацион иссиқхона иситиш тизими
3.	Бахромов Ғуломҳайдар	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети 3-босқич талабаси	Чанг босиш реагенти
4.	Исмаилов Асрорбек Ўткирбек ўғли	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети 1-босқич магистри	Қамиш асосида қоғоз ишлаб чиқариш технологияси
5.	Абдуқаҳҳорова Олмосхон Махаматова	Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети 2-босқич талабаси	БиоНутра
6.	Саҳобиддинов Сирожиддин Камолиддинович	Агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультети 2-босқич талабаси	Чорвочилик бозори
7.	Иксанова Фарида Рашидовна	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети 2-босқич талабаси	BioAeroClen Smart Sanitare filter
8.	Шавкатов Абдулазиз Раззоқ ўғли	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети 1-босқич талабаси	Safaly garage
9.	Нурметова Фарида Ортиқ қизи	Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети 1-босқич магистри	Доривор совун
10.	Рахматова Феруза Эркин қизи	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети 2-босқич талабаси	FourNature
11.	Абдувоҳидова Диёра Бахтиёр қизи	Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети 2-босқич талабаси	Lufa filter tech